

# ЎТМИШГА НАЗАР

1 СОН, 3 ЖИЛД

---

# ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

НОМЕР 1, ВЫПУСК 3

---

# LOOK TO THE PAST

VOLUME 1, ISSUE 3



TOSHKENT-2020

**Бош муҳаррир:**  
**Главный редактор:**  
**Chief Editor:**

**Мургазаева Раҳбар Хамидовна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон Миллий Университети

**Бош муҳаррир ўринбосари:**  
**Заместитель главного редактора:**  
**Deputy Chief Editor:**

**Джураева Нилуфар Далибаевна**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон Жаҳон Тиллари Университети

**"Ўтмишга назар" журнали таҳририй маслаҳат кенгаши**  
**редакционный совет журнала "Взгляд в прошлое"**  
**Editorial Board of the Look to the past**

**Кебадзе Мадонна**

*Доктор исторических наук, Телавский  
государственный университет (Грузия)*

**Бурдиашвили Майя**

*Доктор исторических наук, Телавский  
государственный университет (Грузия)*

**Кожакеева Ляззат Темировна**

*тарих фанлари доктори, доцент,  
Хотин-қизлар давлат педагогика университети,  
Қозоғистон Республикаси*

**Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич**

*тарих фанлари доктори, профессор, академик,  
Ўзбекистон Миллий Университети*

**Бобожонова Дилором Бобожонова**

*тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон  
Жаҳон Тиллари Университети*

**Зияева Доно Хамидовна**

*тарих фанлари доктори, профессор,  
ЎЗР ФА Тарих институти*

**Аширов Адҳам Азимбаевич**

*тарих фанлари доктори, профессор,  
ЎЗР ФА Тарих институти*

**Агзамова Гулчехра Азизовна**

*тарих фанлари доктори, профессор,  
ЎЗР ФА Тарих институти*

**Халикова Раҳбар Эргашевна**

*тарих фанлари доктори, профессор, Тошкент  
давлат техника университети*

**Ишанходжаева Замира Райимовна**

*тарих фанлари доктори, профессор в.б.,  
Ўзбекистон Миллий Университети*

**Кобзева Ольга Петровна**

*тарих фанлари доктори, профессор в.б.,  
Ўзбекистон Миллий университети*

**Одилов Аброр Анварович**

*тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон  
Миллий университети*

**Ерметов Аваз Абдуллаевич**

*тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон  
Миллий Университети*

**Саипова Камола Давляталиевна**

*тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон  
Миллий Университети*

**Джоробекова Айнура Эшимбековна**

*тарих фанлари номзоди, профессор, Ташқи  
ишлар вазирлиги қошидаги Дипломатия  
академияси, Қозоғистон Республикаси*

**Ульжаева Шохистахон Мамажоновна**

*тарих фанлари доктори, Тошкент Кимё -  
Технология Институтида*

**Саҳифаловчи:** Хуршид Мирзахмедов

**Контакт редакций журналов. [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)**

ООО Tadqiqot город Ташкент,  
улица Амир Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Тел: (+998-94) 404-0000

**Editorial staff of the journals of [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)**

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Phone: (+998-94) 404-0000

# МУНДАРИЖА \ СОДЕРЖАНИЕ \ CONTENT

<b>1.Муртазаева Раҳбар, Адиллов Аббор, Саипова Камола</b> ЎРТА ОСИЁДА ТОЛЕРАНТЛИК ТАМОЙИЛИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИ (ҚАДИМГИ ВА ИЛК ЎРТА АСРЛАР МИСОЛИДА).....	4
<b>2.Эргашева Юлдуз</b> ЎЗБЕКИСТОНДА "МАДАНИЙ ИНҚИЛОБ" СИЁСАТИ ВА УНИ АМАЛГА ОШИРИШ УСУЛЛАРИ.....	22
<b>3.Абдуллаев Диёржон</b> АМИР ТЕМУР ВА ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИДА ХАЙРИЯ ВА ҲОМИЙЛИК ФАОЛИЯТИ.....	30
<b>4.Bakhtiyorzoda Oydinhon</b> ZAMONAVIY BOSQICHDA O'ZBEKISTON OLTIN QAZIB OLISH SANOATINI RIVOJLANTIRISH ISTIQBOLLARI.....	37
<b>5.Комилов Ойбек</b> ФАРҒОНА ВОДИЙСИДА СУҒОРИШ ИШЛАРИНИНГ ПАХТАЧИЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА ЙЎНАЛТИРИЛГАНЛИГИ ВА УНИНГ ОҚИБАТЛАРИ (XX АСРНИНГ 50-70-ЙИЛЛАРИ МИСОЛИДА).....	42
<b>6.Маткаримов Хамиджон</b> ХОРАЗМ ВОҲАСИДА ҚАДИМГИ ДАВРГА ОИД АРХЕОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАРИНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ.....	49
<b>7.Махмудов Бехзод</b> ҚАРЛУҚ-ҚОРАҲОНЛАР ДАВЛАТИНИ ЮЗАГА КЕЛИШИНИНГ ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ОМИЛЛАРИ.....	59
<b>8.Рузматова Шаходат</b> Қўқон хонлиги ҳудудидаги шаҳарлар ва аҳолининг ГЕОГРАФИК ЖОЙЛАШУВИ.....	66
<b>9.Ҳамаев Нодирбек</b> ТУРКИСТОНДА СОВЕТ ҲОКИМИЯТИГА ҚАРШИ ҚУРОЛЛИ ҲАРАКАТ ("YENI TÜRKİSTAN" ВА "YAŞ TÜRKİSTAN" МАТЕРИАЛЛАРИ АСОСИДА).....	72
<b>10.Тажимирзаев Элёрбек</b> ФАРҒОНА ВОДИЙСИ ҚИШЛОҚ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ МАДАНИЙ-МАИШИЙ ТУРМУШ ТАРЗИ МАСАЛАЛАРИ (1960-1980 ЙИЛЛАР).....	79
<b>11.Эгамбердиева Нигора</b> АМУДАРЁНИНГ ҚУЙИ ОҚИМИДА СУНЪИЙ СУҒОРИШ ТИЗИМИНИНГ ШАКЛЛАНИШ ТАРИХИ ВА УНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ (МИЛ.АВВ.VIII- МИЛОДИЙ IV АСРЛАР).....	85
<b>12.Абдулхай Гулчехра</b> ТУРКИСТОН АССР: ҚАНДАЙ ДАВЛАТ БЎЛИШИ КЕРАК ЭДИ?.....	96

# ЎТМИШГА НАЗАР ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST


**Муртазаева Раҳбар Ҳамидовна,**  
Тарих фанлари доктори, профессор.  
Мирзо Улуғбек номидаги  
Ўзбекистон Миллий университети,  
Тошкент, Ўзбекистон (rhmyrt@rambler.ru)

**Адилов Аббор,**  
Тарих фанлари номзоди, доцент  
Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий  
университети, Тошкент, Ўзбекистон (Odilov@mail.ru)

**Саипова Камола**  
Тарих фанлари номзоди, доцент  
Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон  
Миллий университети, Тошкент,  
Ўзбекистон (kamola\_nuz@rambler.ru)

## ЎРТА ОСИЁДА ТОЛЕРАНТЛИК ТАМОЙИЛИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИ (ҚАДИМГИ ВА ИЛК ЎРТА АСРЛАР МИСОЛИДА)

*For citation: Murtazaeva Rahbar, Adilov Abror, Saipova Kamola. FORMATION AND DEVELOPMENT OF THE PRINCIPLES OF TOLERANCE IN CENTRAL ASIA(ON THE EXAMPLE OF ANCIENT AND EARLY MIDDLE AGES). Look to the past. 2020, vol. 1, issue 3, pp. 4-21*

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2020-1-1>

### АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада муаллифлар қадимги ва илк ўрта асрларда Ўрта Осиё халқлари ижтимоий-сиёсий, маънавий ҳаёт соҳасида толерантлик тамойилининг юзага келиши ва ривожланиши масаласининг тарихий аспектини ёритганлар. Масаланинг тарихий аспекти шу пайтга қадар халқаро доирасида нашр қилинмаган.

**Калит сўзлар:** Ўрта Осиё, толерантлик, қадимги давр, илк ўрта асрлар, ҳудуд, зардуштийлик, христианлик, буддизм.

**Муртазаева Раҳбар Ҳамидовна,**  
Доктор исторических наук, профессор.  
Национальный университет Узбекистана

имени Мирзо Улугбека, Ташкент, Узбекистан  
(rhmyrt@rambler.ru)

**Адилов Абдор,**

Кандидат исторических наук, доцент.

Национальный университет Узбекистана  
имени Мирзо Улугбека, Ташкент, Узбекистан

(Odilov@mail.ru)

**Саипова Камола**

Кандидат исторических наук, доцент.

Национальный университет Узбекистана  
имени Мирзо Улугбека, Ташкент, Узбекистан

(kamola\_nuz@rambler.ru)

## **ФОРМИРОВАНИЕ И РАЗВИТИЕ ПРИНЦИПОВ ТОЛЕРАНТНОСТИ В СРЕДНЕЙ АЗИИ (НА ПРИМЕРЕ ДРЕВНЕГО И РАННЕГО СРЕДНЕВЕКОВЬЯ)**

### **АННОТАЦИЯ**

В данной статье авторами освещены исторические аспекты формирования и развития принципов толерантности в социально-политической и духовной жизни древности и раннем средневековье у народов Средней Азии. Исторические аспекты данной проблемы до настоящего времени не были опубликованы в международных изданиях.

**Ключевые слова:** Средняя Азия, толерантность, древний период, раннее средневековье, территория, зороастризм, христианство, буддизм.

**Murtazaeva Rahbar Hamidovna,**

Doctor of historical sciences, professor.

National University of Uzbekistan named  
after Mirzo Ulugbek, Tashkent, Uzbekistan

(rhmyrt@rambler.ru)

**Adilov Abror,**

Ph.D. in History, Associate Professor,

Mirzo Ulugbek National University of Uzbekistan,  
Tashkent, Uzbekistan (Odilov@mail.ru)

**Saipova Kamola**

Candidate of historical sciences, associate professor.

Mirzo Ulugbek National University of Uzbekistan,  
Tashkent, Uzbekistan (kamola\_nuz@rambler.ru)

## **FORMATION AND DEVELOPMENT OF THE PRINCIPLES OF TOLERANCE IN CENTRAL ASIA (ON THE EXAMPLE OF ANCIENT AND EARLY MIDDLE AGES)**

### **ABSTRACT**

In this article, the authors highlighted the historical aspects of the formation and

development of the principles of tolerance in the socio-political and spiritual life in antiquity and the early Middle Ages among the peoples of Central Asia. The historical aspects of this problem have not yet been published in international publications.

**Index Terms:** Central Asia, tolerance, the ancient period, the early Middle Ages, territory, Zoroastrianism, Christianity, Buddhism.

### 1. Долзарблиги:

**Х**Х аср охирларига келиб дунёда рўй берган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий характердаги ўзгаришлар глобаллашув жараёни янада илгари сурди. Натижада, "совуқ уруш", мафкура ва тизимлар ўртасидаги курашлар ўрнига терроризм, экстремизм, гиёҳвандлик, ижтимоий-маънавий соҳада умуминсоний қадриятлар, оила институтига путур етиши, "оммавий" деб аталмиш "маданият"нинг ёшлар ҳаётига кириб келиши рўй бера бошлади. Бир вақтнинг ўзида жаҳонда ирқий, диний, ҳудудий, этник аснодаги можароларнинг авж олиши, аҳоли сонининг ортиши у билан боғлиқ озиқ-овқат маҳсулотлари ва ичимлик сувига бўлган эҳтиёжнинг ортиши, қурғоқчилик, атроф-муҳит билан боғлиқ экологик муаммоларнинг кескин тус ола бошлаши - буларнинг барчаси дунёнинг турли чеккаларида рўй бераётган гуманитар катаклизмларда ўз аксини намоён этмоқда. Шунингдек, иқтисодий ва ҳарбий жиҳатдан қудратли давлатларнинг дунё геосиёсий майдонида етакчилик қилишга қаратилган ҳаракатлари турли низо ва урушларга ҳам сабаб бўлмоқда. Оловли ва хатаарли ҳудудлардан оммавий тарзда қўчиб келаётган мигрантлар билан боғлиқ жараёнлар ҳам афсуски, силлик кечмаяпти.

Мана шундай бир кескин ва таҳликали, иккинчи томондан зиддиятли ва мураккаб даврда яшаётган инсоният учун ўзаро мурося қилиш, ўзгача фикрловчи, бошқа тил, дин, ирқ, жинсидаги кишиларга нисбатан ҳурмат, сабр-тоқатли ва ҳамжиҳат бўлиш, яъни толерантлик тамойилига бўлган эҳтиёж ХХI асрда тобора катта аҳамият касб этмоқда.

Масаланинг умумбашарий доирадаги долзарблик жиҳатидан келиб чиққан ҳолда 90-йиллардаёқ кенг жамоатчилик, халқаро ташкилотлар унга тегишли эътибор қаратдилар. Хусусан, 1995 йил 16-ноябрда ЮНЕСКО томонидан "Толерантлик тамойиллари Декларация"си қабул қилинди. Ушбу Декларацияни ҳозирда 190та давлат, жумладан Ўзбекистон ҳам имзолаган.

Декларация ҳозирда дунё миқёсида ҳар қандай диний, ирқий камситиш, ҳар қандай экстремистик, террористик ғояларнинг олдини олиш, бартараф этиш жараёни учун ғоявий-услубий асос бўлиб хизмат қилмоқда. Таъқидлаш жоизки, ижтимоий-сиёсий ва маънавий ҳаёт бобида муҳим муҳим роль ўйновчи толерантлик мамлакатлар ичидаги сиёсий барқарорлик, миллатлараро ва динлараро тотувликни таъминлашда муҳим ўринни эгалайди. Шу ўринда, Ўзбекистон тажрибаси, масаланинг тарихий аспектини ўрганиш катта илмий ва амалий аҳамият касб этади. Зеро, 2017 йил сентябрда Ўзбекистонда бўлган БМТ Бош котибининг ёрдамчиси Аҳмад Шавқий бу борадиги тарихий тажриба жаҳон халқлари учун ҳам "ўрганишга арзигулик тарихий тажриба" эканлигини алоҳида қайд этган эди. Ўзбекистон, қадимий Мовароуннаҳр замини қадимдан бағрикенглик тамойили қарор топган ўлка эканлиги, бу анъана ХХI асрда ҳам эволюцион тарзда давом этаётганлиги 2018 йил августда Нью-Йоркда диний бағрикенглик масаласига бағишланган халқаро анжуманда ҳам эътироф этилди. Анжуманда қатнашган 80дан зиёд давлатлар бағрикенглик бобида Ўзбекистон тажрибасини ҳақли равишда

эътироф этдилар.

## **2. Методлар ва ўрганилганлик даражаси:**

Мақола умум қабул қилинган тарихий методлар-тарихийлик, қиёсий-мантиқий таҳлил, кетма-кетли, холислик тамойиллари асосида ёритилган. Қадимги даврдан - эрамининг XVI асрига қадар Ўрта Осиёда рўй берган ижтимоий-сиёсий, маънавийжараёнларда толерантликнинг ўрни, масаланинг тарихий аспекти кўрсатилган. Ўрта Осиё миқёсида қадимги ва ўрта асрлар толерантлик тарихи, масаланинг у ёки бу жиҳатлари ўзбекистонлик олимлар Ф.Буряков (Buryakov 2011), А.Сагдуллаев (Sagdullaev 2018), Р.Муртазаева (Murtazayeva 2010, 2016; Murtazayeva, Doroshenko, Saipova2018; Murtazayeva, Doroshenko, Inoyatova, Saipova 2018; Ata-Mirzaev, Gentshke, Murtazayeva 2010), М.Филанович (Filanovich 2011), А.Одилов (Odilov 2019), К.Саипова (Saipova2018) ва бошқаларнинг қатор асарлар ва мақолаларда ўз аксини топган.

Ўзбекистонда миллатларо муносабатлар, толерантлик тарихи масаласи 2006 йилдан буён Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги "Миллатлараро тотувлик ва бағрикенглик" илмий маркази томонидан ўрганилиб келинмоқда. Ўтган 13 йил давомида марказ томонидан жами 6 халқаро (Ethnodemographic processes in Uzbekistan. - Tashkent, 2005. Book I. - 18.9 pp.; Book II. - 13 pp; Urbanization processes in Uzbekistan: history and modernity. - Tashkent, 2010. Part I. - 20 pp; Part II. - 14 pp; Interethnic relations and tolerance in Uzbekistan: historical experience and modernity. - Tashkent, 2016.- 18 pp.) ва 7та республика (Interethnic relations in Uzbekistan: history and modernity. - Tashkent, 2003. - 29.5 pp.; Tolerance is the basis of the stability of society. - Tashkent, 2003. - 18.5 b.t.; Tolerance in the upbringing of youth is a requirement of time. - Tashkent, 2008. - 20 b.t.; Innovations in the History of Uzbekistan: Theory and Practice. - Tashkent, 2013. - 25 p.; Strengthening peace, security and inter-ethnic harmony in Uzbekistan is the basis for the country's development. - Tashkent, 2013.- 17,25 p.; The role and place of public diplomacy of Uzbekistan in strengthening friendship and cooperation with the world community.- Tashkent, 2017. - 13.75 p.) илмий-амалий конференция ўтказган.

Шунингдек, 2017 йилдан буён марказ "Ўзбекистон ижтимоий-сиёсий ва маънавий тараққиётида толерантлик тамойилининг тутган ўрни (қадимги даврдан то ҳозирги вақтга қадар)" мавзусидаги грант лойиҳаси доирасида ҳам илмий-тадқиқот ишларини амалга оширмоқда.

## **3. Тадқиқот натижалари:**

Толерантлик (бағрикенглик) чуқур тарихий илдизларга эга бўлиб, турли даврлар жамияти ҳаётида муҳим аҳамият касб этган. Бағрикенгликнинг шаклланиши ибтидоий жамият даврида инсоннинг ўзини, оламни билишга интилиши ва дунёқарашининг кенгайиб бориши, эътиқод, урф-одатлар, тасвирий санъат ва маънавий маданиятнинг вужудга келиши натижасида бошланган.(Sagdullaev 2018)

Олис даврларда, табиий кучларга сифиниш пайдо бўлган даврларда атроф-муҳитда рўй берган инсон учун фойдали ва аксинча зарарли ҳодисалар, одамларнинг мифологик қарашларида эзгу ва ёвуз кучларнинг сай-ҳаракатлари деб баҳоланган. Ёвуз кучлардан одамлар кўрқишган, уларни ўзларига мойил қилиш учун қурбонлик келтирган, эзгу кучлар эса, уруғ аъзоларининг ҳомийлари сифатида қадрланиб, уларга сажда қилинган (Pershits, Mongayt, Alekseev 1968).

Таъкидлаш лозимки, Ўрта Осиё жаҳон цивилизация ўчоқларидан бири ҳисобланади. Мил. авв. III - мингйиллик охири - II - мингйилликнинг бошларида минтақанинг жанубий вилоятлари - Марғиёна ва Бақтрия ҳудудларида илк

давлатчилик ва шаҳарсозлик маданияти шаклланади. Бронза даврига оид мазкур цивилизация "Окс (Амударё) цивилизацияси" деб эътироф этилган (Lamberg-Korlovsky 1990).

Ўрта Осиё тарихининг хусусияти шундан иборатки, ҳали олис ўтмишлардаёқ маҳаллий аҳоли таркиби турли даврларда нафақат ички ўсиш ҳисобига, балки ташқи миграциялар эвазига ҳам кенгая борган. Археологик маълумотларининг гувоҳлигига қараганда миграция жараёнлари энеолит ва бронза даврига келганда айниқса кучайди. Бу даврда қадимги зироатчиларнинг Копеттоғ олди, Мурғоб дарёси этаклари, Шимолий Афғонистон ҳамда Сурхон ва Зарафшон воҳаларига кенг жойлашуви қайд қилинади (Sarianidi 1975; Askarov, Shirinov 1993). Шунингдек, Белужистон ва Хараппа аҳолисининг Афғонистоннинг жануби ва Ҳинд дарёси водийсидан Панж дарёси ҳавзасига босқичма-босқич сингиб кетишини ҳам таъкидлаш жоиз (Gardin, Lyonnet 1974-1978). Мил. авв. II мингйилликнинг иккинчи ярмида чорвадор аҳолининг Уралбўйи, Марказий Қозоғистон ва Фарбий Сибир даштларидан Ўрта Осиёга жадал силжиши бошланади. Шундай қилиб, Ўрта Осиёнинг энг қадимги тарихи қабилавий миграциялар, турлича иқтисодий ва маданий асосдаги қабилалар ўртасидаги ассимиляция жараёнлари ҳамда узоқ давом этган ўзаро маданий ҳамкорлик билан тавсифланади. (Sagdullaev 2018) Бундай шароитда бағрикенглик мезонлари янги асосларда ривож топган.

Қадимги миграцияларнинг асосий сабаблари экологик, иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий таъсирида рўй берган (Gardin, Lyonnet 1978-1979), жумладан, ўзлаштирилган ҳудудларда аҳоли сонининг кескин ўсиб бориши, ҳосилдор ерлар, сув манбалари ва чорва боқиш учун яйловларнинг камчилиги, иқлимнинг кескин исиб кетиши, қурғоқчилик ва Месопотамия цивилизациялари мисолида - бу ўзаро рақобатчилик, серҳосил ерлар ва савдо йўлларни эгаллаш учун шаҳар - давлатларнинг ўртасидаги урушлар бўлган (Yoffie 1978).

Мил.авв. III мингйилликнинг охирида Олд Осиё ҳудудларида (Сурия, Аккад, Шумер) босқинлар ва ҳарбий тўқнашувлар авж олган. Ҳаёт учун хавfli бундай шароитда тинч аҳолининг катта қисми, яъни йирик ўтроқ жамоалар аъзолари, ўз ҳудудларини тарқ этишга мажбур бўлади. Бунга ўхшаш оммавий кўчиш мобайнида, мигрантларнинг миқдори қадимий йўлларида жойлашган вилоятлар аҳолиси эвазига ошиб борган.

Олис юртлардан кўчиб келган аҳоли гуруҳлари қуйи Мурғоб дарёсидаги Марғиёнада деҳқончиликка қулай, аҳоли томонидан ўзлаштирилмаган, бўз ерларга келиб жойлашган. Мазкур даврда воҳа сув манбаига сероб эди, чунки Амударёнинг сувлари Калиф Узбойи ўзани орқали Мурғоб воҳасига етиб борган, Мурғоб дарёси Амударёнинг қадимий ирмоғи бўлган.

Ўзлаштирилган ерларда бир вақтнинг ўзида кўп сонли манзилгоҳларга асос солинади, шунингдек мигрантлар воҳа чегараларидан чиқиб, Шимолий Афғонистонда қуйи Балхоб воҳаси, Жанубий Ўзбекистонда Ўланбулоқсой ҳамда Шеробод воҳаларида жойлашиб, бу ердан улар Бухоро воҳаси, юқори Зарафшон (Панжикент атрофлари), Шарқий Фарғона (Atanbaeva, Rogozhinsky, Murphy 2006), ҳамда Тарим дарёси (Шарқий Туркистон) ҳавзасига йўл олганлар (Sarianidi 2010). Шунингдек, Окс цивилизация вакиллари шимоли-шарқий Афғонистон орқали Ҳинд водийсига етиб бориб, мазкур заминда Хараппа маданиятининг анъаналари Бақтрия- Марғиёна, яъни Окс цивилизациясининг маданий инновацияларига алмашади (Sarianidi 1990). Таъкидлаш жоизки, бундай узоқ масофадаги бронза



даври миграциялари тинч шароитда амалга оширилган. Қабилалар томонидан ўзлаштирилмаган дарё воҳаларидаги қўриқ ва бўз ерлар ҳамда тоғолди ва даштларда кенг яйловларнинг сероблиги туфайли, мигрантлар рақибларни деярли билмаган. (Sagdullaev 2018)

Ўрта Осиё минтақасининг муҳим географик шароитдаги маданий-иқтисодий йўллар чорраҳасида жойлашуви сабабли, бу замин илғор ихтиролар, маданий ютуқларни ривожлантириш масканига айланди.

Умуман олганда, қадимда рўй берган трансминтақавий миграция жараёнлари, цивилизациянинг янги марказлари тараққий топиши омили сифатида талқин қилинади. Бу борада халқларнинг автохтон ривожланиши ва миграцияларнинг ўзаро алоқалдорлиги ва таъсири масаласига эътибор бериш лозим. Миграциялар, кўп ҳолларда, тил, эътиқод, маданият, ахлоқий ва маънавий қарашларнинг ўзгаришига олиб келиб, жамиятнинг тараққиётига хизмат қилган (Rtveladze 2005; Mavlonov 2008).

Шу қаторда, қадимги халқларнинг ўзаро муносабатларига, инсонпарварлик ва бағрикенгликка катта таъсир қилган салбий омилларни қайд этиб ўтиш керак. Улар, биринчи галда, зўравонлик, ҳарбий босқинлар ва урушлар билан боғлиқдир.

Ўрта Осиё халқлари тарихига оид илк ёзма манба "Авесто" ва археологик маълумотларга кўра, мил.авв. VIII-VII асрларга келиб минтақанинг дашт ва тоғлиқ жойларида яшовчи кўчманчи чорвадор қабилалари ҳарбий соҳа ва яроғ-аслаҳаларни ишлаб чиқаришда (ҳарбий болталар, ханжарлар, бронза найзалар ва ўқлар) катта муваффақиятларга эришиб, уларнинг суворий қўшинлари ўтроқ зиротчи аҳолига таҳдид солади. Мазкур даврда ташқи ҳарбий босқинлардан ҳимояланиш мақсадида (деҳқончилик воҳалар ҳудудини ҳимоя қилиш) катта мудофаа ишлари амалга оширилиб, мустақкам қалъа-марказларидан воҳалар аҳолиси учун бошпана, жамоалар мулкнинг асосини ташкил этувчи чорва подалари учун пана жой сифатида фойдаланилган. Бундай қалъалар археологлар томонидан Марғиёна, Бақтрия, Суғд ва Хоразм воҳаси ҳудудларида топиб текширилган. (Sagdullaev 2018)

Зардуштийлик фалсафаси бўйича, эзгулик ва ёвузликнинг курашида инсонга алоҳида ўрин ва имкониятлар яратилади. Инсонда эзгу ният ҳамда фикр-ҳаёллари инсоний бўлиши керак, у ҳаётни бузиш, вайрон этиш эмас, балки одамлар ўртасида бағрикенгликка доир яхши муносабат, эҳтиром ўрнатиш, бунёдкорлик ва борлиқни гўзаллаштириш ҳамда борлиқдаги ҳаётни мукаммаллаштиришга қаратилган амаллар билан машғул бўлмоғи лозим.

Зартуштранинг насиҳатларига кўра, инсон учун фароғатли ҳаёт - нотаниш, ҳаёлий жаннатда эмас, балки унга таниш, қадрдон, жонли дунёда бўлиши лозим. Шу боис, "Авесто" оилани, фарзандларни, уй-жойни асраб-авайлашга даъват этади: "Кимнинг уй-жойи бўлса, у уйсиз бехонумон одамдан яхшироқдир". (Sagdullaev 2018)

"Авесто" юксак ахлоқ, инсонпарварлик, покиза виждон, марҳаматлилик, инсонга ва она заминга нисбатан доимий ғамхўрликни тарғиб этади. Бугунги кунда ҳам "Авесто" фалсафаси долзарбдир. У инсониятнинг ёруғ келажагига, адолат тантанасига ишонч ва умид бағишлайди.

Жаҳонда илк глобаллашув жараёни мил. авв. VI аср ўрталарида Форс подшолиги - Аҳамонийлар давлатининг шаклланишига тўғри келади. Юнон тарихчиси Геродотнинг айтишича, бу йирик полиэтник давлат, шоҳ Доро I даврида 80-та қабила ва элатларни ўз таркибида бирлаштирган. У подшолик - монархия бўлиб,

шоҳнинг чегараланмаган ҳукмронлигига ҳамда ҳарбий - маъмурий бошқарувга асосланган.

Аҳамонийлар давлатида турли ирқлар, тиллар ва маданиятларга мансуб, динлари ҳилма-ҳил халқлар истиқомат қилган. Бундай ранг-баранг этномаданий шароитда толерантлик муҳим аҳамият касб этган.

Форс шоҳлари ички низолар ва ғалаёнларни ҳамда ўзларига қарши қўзғолонларнинг олдини олиш мақсадида этнослараро муносабатлар сиёсатига алоҳида эътибор берганлар. Аҳамонийлар даври турли халқларнинг этномаданий ассимиляцияси ва уларнинг диний тасаввурларининг қоришиб кетиши билан изоҳланади. Подшоликда турли халқлар вакилларида иборат ҳарбий колониялар бунёд этилиб, давлатнинг ҳунармандчилик устахоналарида ва оммавий бинокорлик ишларида салтанатнинг барча ўлкаларидан келиб чиққан ҳунармандларнинг кучларидан фойдаланилган. Шунингдек, подшоликнинг марказий ва чекка вилоятлари - сатрапияларга алоҳида қабилалар ва элатлар кўчирилган (Dandamaev, Lukonin 1980).

Аҳамонийлар даврида Эрон, Элам, Иккидарё оралиғи (Месопотамия) ва Миср шаҳарларида (Суза, Бобил, Мемфис ва бошқ.) турли халқлар вакиллари (финикияликлар, мисрликлар, юнонлар, арманлар, яҳудийлар, араблар, ҳиндлар ва ҳ.к.), жумладан, ёзма манбаларда тилга олинган ўртаосиёликлар (хорасмийлар, саклар, бақтрияликлар) биргаликда истиқомат қилганлар (Kent 1953; Dandamaev 1982).

Этник ва маданий жараёнлар мавзуси давомида юнонларнинг халқаро муносабатларидаги ўрни ва аҳамияти ҳақида ҳам бироз сўз юритиш лозим. Аҳамонийлар даврида Эронда истиқомат қилган юнонлар ҳам оз эмасди. Форслар юнон ҳунармандлари, бинокорлар, табиблар, ҳайкалтарошлар, олимлар, лашкарлар ва жангчилар ҳизматидан кенг фойдаланганлар. Форс тилини билган кўпгина юнонлар таржимон вазифасини бажарганлар ва аксинча, форслар юнон тилини ўрганганлар. Тарихчи Курций Руфнинг далолат беришича, Аҳамонийлар сулоласининг охириги ҳукмдори Доро III юнон тилини билган ва форс кўшинлари таркибида ҳизмат қилган юнон жангчилари билан таржимонсиз эркин сўзлашган (Curtius Rufus).

Турли тилларда ёритилган манбалар далолат беришича (бобил, қадимги форс, оромий, юнон) узоқ юртлардан келиб чиққан халқлар вакиллари Шарқ цивилизацияларининг қадимги марказларида маҳаллий аҳоли билан биргаликда яшаганлар. Уларнинг анъаналари, урф-одатлари, тили ва маросимлари ўзаро алоқаларга тўсқинлик қилмаган. Турли халқлар бир-бирининг дини ва дунёқарашларига ҳурмат билан қараганлар (Sagdullaev 2018). Янги ҳудудий ва маданий шароитдаги ижтимоий ва иқтисодий ҳаётга мосланиш учун ирқий ва диний тўсиқлар бўлмаган. Аралаш никоҳлар асосида ассимиляция жараёнлари ривожланган.

Шу ўринда антик давр тарихчиси Геродотнинг бағрикенглигидан ҳам сабоқ олиш мумкин. Тарихчи ўзга халқларнинг маданияти, эътиқоди, урф-одатлари ҳақида ёзиб қолдирад экан, уларнинг маънавий қадриятларига заррача, нописанд, беҳурматлик билан қарамайди ёки Шарқ халқларига нисбатан юнон маданиятини устун қўймайди.

Македониялик Александрнинг Форс подшолигига қарши юришлари натижасида (мил.авв.334-325 йиллар), Македония, Кичик Осиё, Миср, Сирдарё ва Ҳиндистонгача қайд этиш лозимки, бўлган ҳудудда Александр Македонский ўз

олдида амалга ошмайдиган мақсад қўйган. Бу ойкумена - аҳоли истиқомат қилган дунё чегараларига етиб бориш ва қадимги тарихчи Плутархнинг айтишича, жаҳон халқларини бир қонунга тобе қилиб ҳамда бир умумий давлатга тўплаб, инсонларни бир ягона этнос - халққа бирлаштириш эди.

Тадқиқотчиларнинг ёзишича, мил. авв. 324 йилда Александр этник қўшилиш ғоясини рўёбга чиқаради. Мазкур ғояга кўра, бир халқнинг бошқа халқ билан қоришиб кетиши натижасида оммавий ассимиляция жараёни бошланиши лозим. Шу боис халқлар орасида мавжуд этник ва маданий фарқлар бир хилликка айланади (Schehermire 1986). Аслида, бундай ғоя Суғдиёнада Александрнинг Роксанага уйланиши мисолида дастлаб намоён бўлган. Шунингдек, Шарқнинг турли вилоятларида ҳарбий таянч қалъаларга асос солиш оқибатида, мазкур гарнизонларда қолдирилган юнон-македон жангчиларининг маҳаллий аёлларга уйланиши ҳам назарда тутилган.

Юришлар якунланишидан сўнг, Суза шаҳарида оммавий никоҳлар амалга оширилади. Александр ва унинг яқин дўстларидан бири Гепестион Доро III нинг қизларига уйланади. Шарқ вилоятлари зодагонларининг қизларини кўплаб юнон-македон лашкарлари хотин қилиб оладилар. Мисол тариқасида, Спитаманнинг қизи Апамага саркарда Салавк уйланади. Бундай никоҳлар тенг ҳуқуқли бўлганлигидан, Салавкийлар давлатида Апама номидаги шаҳарларнинг бунёд этилиши далолат бериши мумкин.

Ўрта Осиё худудда юнон-македонлар истило қилган Парфия, Марғиёна, Бақтрия ва Суғдиёна ерлари Салавкийлар давлати таркибига кирган. Хоразм, Чоч ва Фарғона эса мустақил ривожланади. Мил.авв. III асрнинг ўрталаридан бошлаб, Парфия ва Юнон-Бақтрия алоҳида давлатлар сифатида тараққий топган.

Таъкидлаш лозимки, қадимдан Ўрта Осиёда диний толерантлик ғоялари ривож топган. Бу жараён антик даврда ҳам намоён бўлиб, илк ўрта асрларда (V-VIII асрлар) халқларнинг ўзаро муносабатларида муҳим ўрин эгаллаб турган.

Буюк ипак йўлининг пайдо бўлиши халқаро муносабатлар ривожидида муҳим аҳамиятга эга бўлган. Унинг тармоқлари нафақат савдо-иқтисодий алоқаларга, шунингдек, маданий мулоқотга ҳам ҳизмат қилган. Буюк ипак йўли орқали турли динлар, фалсафий қарашлар, маънавий қадриятлар, ёзув ва тасвирий санъат намуналари тарқалган. Мазкур мавзу адабиётларда етарлича таҳлил этилган (Rtveladze 2010).

Минтақанинг ўзида толерантликнинг ривожланиши маданиятнинг кўп хиллигида ва диний бағрикенглигида ўз аксини топган. Мисол тариқасида, Сурхандарё воҳасида турли шаклдаги ёзув намуналари аниқланган. Оромий ва юнон ёзувлари асосидаги бақтрия ёзуви, юнон ёзуви, ҳинд-кхароштхи ва брахма ёзувлари шулар жумласидандир (Rtveladze, Livshits 1985). Шунингдек, қўҳна Термизда, Фаёзтепа ва Қоратепида Будда ибодатхоналари, Далварзинтепада Будда ибодатхонаси ва ҳайвонот олами илоҳаси Нана ибодатхонаси (кушонлар даври) ҳамда қадимги шаҳар теварагида зардуштийлар мақбараси - новус ўрганилган (Rtveladze, Livshits 1983).

Бундай ҳолат минтақанинг турли вилоятларида намоён бўлган. Марғиёнанинг Марв шаҳрида антик даври ва илк ўрта асрларга оид археологик ва ёзма маълумотларга кўра, монийлик, яҳудийлик, христианликнинг оқими насронийлик ва буддавийлик динлари ривож топган. Улар билан бирга маҳаллий эътиқодлар она илоҳа ва оловга сиғиниш тарқалган (Filanivich 2003). Бундан кўриниб турибдики, Марвда маҳаллий аҳоли билан биргаликда яҳудийлар, буддавийлик ва христиан

дини тарғиботчи - қоҳинлари ва бошқа халқларнинг вакиллари яшаганлиги эҳтимолдан ҳоли эмас.

Қайд этиш лозимки, Ўрта Осиё ҳудудида маълум дин, хусусан христиан жамоаларининг пайдо бўлиши аслида эр.авв. III асрга бориб тақалади. Айнан шу даврда Эронда бошқа динга эътиқод қилувчиларни таъқиб қилиш жараёни авж олган эди. Зардўштилик динининг мутаассиб қоҳини бўлмиш Картир бу ишда асосий роль ўйнаб, айнан унинг кўрсатмасига мувофиқ Эрон ва унга қўшни бўлган ўлкаларда ўзга дин вакиллари қатагон қилиш ҳаракати оммавий тус олди. Христиан динига эътиқод қилувчи жамоа вакиллари Эронда бошланган бу таъқибдан қочиб, Ўрта Осиёдаги Суғд, Чоч, Хоразм ерларига келиб ўрнаша бошлаганлар (ВуҒаков 2011). Ўрта Осиё халқлари бундай вазиятда бу қочқинларга ҳайрихоҳлик ва бағрикенглик билан муносабатда бўлиб, уларнинг ўз ҳаёт йўллари давом эттиришларига катта кўмак бердилар.

Масалан, Эрондаги христианликни қабул қилган шаҳзодалардан бири эътиқоди туфайли таъқибга учраб, Суғдга қочиб келади. Бухоро ҳокими бухорхудот шаҳзодага олий ҳиммат кўрсатиб, унга катта ер-мулк инъом этади (По стопам). Мазкур даврда бу каби мисолларни кўплаб келтириш мумкин эди. (Odilov 2019)

Эр.ав. II-III асрларга оид христиан жамоаларининг ашъвий қолдиқлари қадимги Марв кўрғони яқинидан, Эрқалъа, Кўктепа манзилгоҳларидан топилгани мазкур эътиқод гуруҳларининг ҳудуддаги мавқеидан дарак берарди (Dresvyanskaya 1989; Usmanova 1994; Loginov, Simson 1994). Хусусан, Хоразмдаги давлат бошқаруви ишларида православ христианлар (малкитлар), Марв, Суғд, Чочда эса несториан мазҳабидаги христианлар фаол иштирок эта бошлашди. Қайд қилиш лозимки, Иссиққўл бўйидаги Қурманти деган жойда археологлар томонидан қадимги христиан черковлари қолдиқларининг топилиши эрамиз бошларида христиан жамоаларининг Ўрта Осиё шимоли-шарқдаги кўчманчи аҳоли орасидаги ўзига хос ўрни мавжуд бўлганлигидан дарак беради. Чунончи, европалик картограф Кресрес 1375 йили тузган Осиё қитъаси каталогига Иссиққўлдаги авлиё Матфейга бағишланган христиан черкови тасвирланган эди. 2005 йили амалга оширилган археологик қазишма ишларида эса мазкур ҳудудда яшаган христианларга оид қатор ёдгорликлар ҳам топилди.

Эрамизнинг III асрига оид маълумотларда Марвдаги митрополия ҳақида маълумотлар берилиб, ушбу митрополия ўз таъсирини Қашғарга қадар ёйишга ҳаракат қилганлиги баён этилади. Турли савдо чорраҳалари туташган Хоразм ҳудуди эса азалдан Яқин Шарқ мамлакатлари билан савдо ва маданий алоқаларга эга бўлган. Мазкур ҳудудга Парфия орқали христианлик дини кириб келиб, эрамизнинг IV асрида у ерда маҳаллий православ христианлар (малкитлар) епархияси ҳам ўз фаолиятини юритган (ВуҒаков 2011). Шу ўринда таъкидлаш жоизки, айнан Суриядаги Антиохия шаҳри христианликни Шарқ томонга ёйилишида катта роль ўйнаган эди.

Бу даврда Ўрта Осиёда зардўштилик дини ҳукмронлик қилиб, зардўштилар ўз вақтида бошқа дин вакиллари, хусусан христианларга ҳайрихоҳлик билан муносабатда бўлганлар. Хусусан Марвдаги диний вазият хусусида эрамизнинг III аср охирларига оид зардўштилик дини мутаассиб қоҳини Картирнинг ёзишмаларида шундай ҳолат тасвирланади. Унга кўра Марв шаҳрида яҳудийлар, буддавий роҳиблар, браҳманлар, христианлар, монийлар яшаб, бу ўз вақтида мазкур ҳудудда ҳукмронлик қилган диний бағрикенглик ҳолатидан дарак берарди (Filanovich 2011).

Мазкур даврдаги христиан жамоаларининг нуфузи анча ўсиб, Марв епископи Илия ҳатто Никея соборидаги синод йиғилишида ҳам иштирок этар эди.

Манбаларнинг хабарига кўра, Марв шаҳридан шимолда авлиё Мар Георгис Марвазаяга бағишлаб Зарб қишлоғида, кейинчалик "Хароба кўшиқ" номини олган монастыр ёдгорлиги бўлиб, бу ерга кўплаб христиан несторианлар зиёрат учун ҳам ташриф буюришарди.

Христианликнинг яна бир маркази Суғд вилояти бўлиб, у ерга христианлар Буюк ипак йўли тармоғи орқали, Византия ва Эрондаги ички сиёсий аҳвол натижасида келиб қолишганди. Шу боис ҳам V аср бошларига келиб Суғд маркази бўлмиш - Самарқандда христиан митрополияси ҳам юзага келди. Мазкур митрополиянинг биринчи патриархи Ахая (410-415) исмли шахс бўлган. Ўз навбатида, христианликни қабул қилган суғд муҳожирлари Шарқий Туркистон ҳудудида ҳам ушбу динни ёйилишида иштирок этганлар. Бу борадаги ўнлаб ашёвий далиллар Турфон воҳасидан ва Дунхуандаги "Минг будда ғори"дан ҳам топилган. Бу борада Ладакх (Кашмир ва Тибет оралиғида) ерларида христианликни қабул қилган Ношфарнинг 841-842 йилларга оид ҳужжати ҳам тегишли аҳамият касб этади (Kibshict 1981; Jumagulov 1971).

Арман тарихчиси Егише Вардапет Эрон шоҳи Шопур II (309-379) даврида христианлик Ҳинд (Синд) дарёсигача ёйила бошлаганлигини, Яздигарде II (438-457) даврида эса амалга оширилган турли таъқиблардан қочган бу дин вакиллари шарқ томонга кета бошлаганликларини қайд этган эди. Натижада эса Бақтрияда ҳам христианлар сони кўпая борган.

Бу пайтда Сирдарё бўйида христианларнинг Винкерд шаҳарчаси бунёд бўлиб, Исфижоб ва Фарғонада ҳам христиан жамоалари юзага келади. Қашғарда ҳам епископлик юзага келиб, унинг епископи Марайя синод собор йиғилишида (424 йили, Маркабт) ҳам иштирок этади. Масаланинг яна бир эътиборли жиҳати шундаки, бу даврдаги христианлик Осиёдаги маҳаллий анъана ва ўзга элементлар билан аралаша кета бошлаганлигини ҳам кўриш мумкин эди (Buryakov 2011).

V аср ўрталарида юзага келган эфталийлар давлатида ҳам христианлик зардуштийлик билан бир қаторда асосий динлардан бирига айлана бошлади. Шу боисдан ҳам 549 йили Ўрта Осиёдаги эфталий-христианлар несторианлар патриархи Мар-Абудан ўзларига епископ тайинлашларини ҳам сўрашган эди (Nikitin 1984).

Қайд этиш лозимки, эрамизнинг VI асри ўрталарида юзага келган Турк ҳоқонлиги ўз ичига Хитойдан Қора денгиз соҳилларига қадар бўлган улкан ҳудудни қамраб олган эди. Аввал эфталийлар, сўнгра Турк ҳоқонлиги ҳукмронлик даврида ҳам Ўрта Осиёда турли диний қарашлар ҳукмронлик қилганини кўриш мумкин бўлган. Хусусан, ўлкада зардуштийлик, Кўк тангрига сифиниш, монийлик, шомонийлик, буддавийлик, турли анимистлик қарашлар, шу жумладан христианлик динига эътиқод қилувчи жамоалар мавжуд бўлган.

Турк ҳоқонлиги кўшинида бир вақтнинг ўзида турли динга эътиқод қилувчи ёлланма аскарлар ҳам хизмат қилишган. Манбаларнинг хабарига кўра, 591 йили эронлик саркарда Баҳром Чубин кўшини мағлуб бўлганида, унга кўмак учун бухорхудот томонидан юборилган аскарлар орасида пешонасига хоч чизилган христиан турклар ҳам бўлган.

Уструшона ҳокимларининг бири VI-VII асрлар чегарасида христианларнинг несториан мазҳаби хочи мавжуд бўлган тангаларни зарб этган. Бундай тангалар шу вақтда Чочдаги турк ҳокимлари тангаларида ҳам ўз аксини топган. Бу ҳол ўз

навбатида уларни христианлик динини қабул қилганликларидан дарак берарди (Nikitin 1984).

Шунингдек, VIII асрда Афригийлар сулоласи ичида христианлик динининг ҳам ўзига хос таъсири бўлган эди. 761 йили Еттисувга ўрнашган қарлуқ турклари орасида шомонийлик, буддавийлик, монийлик билан бир қаторда христианлик ҳам тарқалган эди. VII-VIII асрларда Еттисувдаги Оқ-Бешим манзилгоҳи, Тароз ва Новқат шаҳарларида ҳам христиан черковларининг қолдиқлари топилган эди. Албатта, мазкур динни ёйилишида христиан миссионерлари, биринчи навбатда патриарх Тимофейнинг (780-819) роли катта бўлган.

Амударё ва Сирдарё оралиғидаги замин бошқа динлар каби буддавийлик учун ҳам бошқа ҳудудларга ўтиш йўлаги ролини ҳам ўтаган. Эрамизнинг бошларига оид юртимиз жанубий сарҳадларидаги (Айритом, Далварзинтепа, Қоратепа, Фаёзтепа ва бошқалар) манзилгоҳлардан топилган ёдгорликлар унинг амалий тасдиғи бўлиб хизмат қилади. Кушон даврида унинг давлат дини бўлган буддизм бу даврда ўз позициясини анча мустақамланди. Бунинг исботини V-VI асрларда Ҳиндистон, аниқроғи унинг шимолидаги Кашмир ҳудудидан Ўрта Осиёга кўплаб буддавий роҳиблар кириб келишида ҳам кўриш мумкин эди.

VI-VII аср бошларида ҳатто баъзи Фарбий Турк ҳоқонлигидаги ҳукмдорлар ҳам буддавийликни қабул қилганлар. Улар Ўрта Осиё жануби, ҳозирги Афғонистон, шимолий Ҳиндистондаги буддавий диний иншоотлар қурилиши ишига ҳам ҳомийлик қилганлар. Хусусан, VIII асрда жанубдаги Тоҳаристон, Хутталонда буддавийлик кенг тарқалди. Буддавий монастыр ибодатхоналар қурилиш ишлари ривож топиб, бундай иншоотлар аввал Балхда барпо этилган эди. Кейинчалик улар Термизда - ўнта, Шуманда - иккита, Қубадиёнда учта бўлган ва ҳоказо. Ажинатепа, Кофирқалъадаги ёдгорликлар, Зангтепадаги браҳмий ёзувидаги буддавий матнлар буддавийлик динининг жанубдаги ўзига хос мавқеидан дарак берарди (Gafurov 1988).

626 йилда Ўрта Осиёда бўлган хитойлик сайёҳ ва руҳоний Сюан-Цзянь Термиздаги ўнта монастырда мингга яқин буддавий руҳонийлари яшаганликларини ҳам қайд этган эди (Vолtaboev, Mahmudov 2013).

Мазкур дин нафақат жанубда, балки Суғдда ҳам тарқалган бўлиб, ушбу ҳолат ҳақида ҳудуддаги Санозор буддавийлик зиёратгоҳи қолдиқлари ҳам хабар беради (Kobzeva 2018).

Говурқалъа ёдгорлик мажмуасида эса бир вақтнинг ўзида христиан черкови қолдиқлари билан бир қаторда буддавийлик ибодатхонаси қолдиқлари ҳам топилган эди.

Илк ўрта асрларда Ўрта Осиё ҳудудида яна бир диний оқим - монийлик пайдо бўлган. Мазкур дин вакиллари Эрондаги қувғиндан қочиб, ўзларига Ўрта Осиё ҳудудидан манзил қидира бошлайдилар. Ушбу дин ўз таъсирини айниқса Самарқанд ва Чағониён ҳудудида кенг ёяди. Таъкидлаш лозимки, Суғд ҳудудидаги монийлик динига эътиқод қилувчилар таъсири ошиб бориб, уларнинг диний раҳнамози қароргоҳи ҳам айнан Суғд маркази Самарқандда жойлашган эди. Суғд тили эса VII аср охирларига келиб шарқий монийлик черковининг расмий тили сифатида ҳам қабул қилинган эди. Мамлакатимиз ҳудудидан монийлик динига оид ашъвий далиллар жанубдаги баъзи манзилгоҳлар, хусусан Сурхондарёдаги Биттепа ёдгорлигидан ҳам топилган. Монийлик маълум вақтдан сўнг, туркий қавмлар ичида ҳам тарқала бошлади. Монийлик динининг "Нафнома" - "Халқ нома" - халқлар рўйхати тегишли аҳамият касб этади. Ўрта Осиё, хусусан Суғдда кейинчалик

суғд ва туркий тилидаги моний адабиёти ҳам юзага келган. Бу адабиёт учун махсус уч алифболи суғд ёзуви амал қилган. Моний ёзуви ўз навбатида суғд ва туркий адабиётларда ҳам қўллана бошланди. Суғд ёзуви асосида кейинчалик уйғур ёзуви шаклланган эди (Sodikov 1989). Суғддаги ҳолатга тўхталганда яна бир қизиқ воқеалик эътиборни тортади. Хитой сайёҳи Сюань-Цзянь Суғдда (VII аср 30-йиллар) аҳоли Дэс руҳига сиғинганликларини таъкидлаган эди. Хусусан муаллиф ўз эсдаликларида юқорида номи қайд этилган руҳ шарафига "Ҳар куни беш туя, ўн от ва юз қўй қурбон қиладилар. Қурбонлик қилувчиларнинг сони баъзан 1000 кишига етиб қолади", дея таъкидлаган эди. Муаллиф сўзини давом эттириб, Суғдда оташпарастларнинг таъсири кучли бўлганини, уларнинг турли даражадаги ибодатхоналари мавжудлигини, иккита буддавий ибодатхона эса бўш ётганлигини ҳам ёзиб қолдирган эди (Samarkand 1971).

VIII аср бошларида Суғдда бўлган бошқа бир хитойлак муаллиф Хой Чао эса Суғдда "Осмон руҳига сиғиниш" устувор бўлганлигини, ҳудуд ҳокими саройида "аждоқлар ибодатхонаси" борлигини ҳам айтиб ўтган эди (Gafurov 1988).

Аввал бошида Ўрта Осиё ҳудудида яхудийлик дини вакиллари Аҳамонийлар ҳукмронлиги (эр.авв. VI аср) давридаёқ пайдо бўла бошлаган эдилар. Тўғри, улар кўп ҳолда халқаро Буюк ипак йўли тармоғи таъсирида юзага келган савдо-сотик, тижорат ишлари билан машғул бўлиб, ҳудудда жуда оз ҳолдагина истиқомат қилишган. Умуман олиб қараганда, ўлкада яхудийлар жамоасининг пайдо келиши аслида милодий V-VI асрларга бориб тақалади.

Насафийнинг "Қандия" номли асарида шу даврдаги бир ривоят келтирилади. Унга кўра Зарафшон воҳасидаги сув тўғоннинг (Жўйи-арзиз) муаллифлари айнан яхудий дини вакили бўлганлиги қайд этилади. Баъзи бир ривоятларга кўра Хоразмнинг қадимий пойтахти - Кот ҳамда Хивага асос солинишида яхудийларнинг ҳам иштироки бўлган дейилади (Filanovich 2011).

Аввал эфталийлар, сўнгра Турк ҳоқонлиги даврида ҳам ижтимоий-маънавий ҳаёт бобида ўзга халқ, ўзга дин вакилларига нисбатан ҳайрихоҳлик ва бағрикенглик руҳи устувор бўлган.

Ўзаро яхши қўшничилик ва ҳурмат туркий қабилаларга хос фазилатлардан бири бўлиб ҳисобланган. Таъкидлаш жоизки, VI асрнинг иккинчи ярми - VII аср бошларида Турк ҳоқонлиги таркибига Узоқ Шарқдан то Азов денгизи соҳилларигача, шимолий Сибирдан Ҳимолай тоғлари етакларигача бўлган улкан ҳудуд кирар эди. Ушбу ҳудудда кўплаб халқ, элат ва қабилалар истиқомат қилиб, ўз навбатида уларнинг барчаси турли динларга эътиқод қилишар, барчасида ўзига хос қадрият ва қарашлар жо бўлган эди. Кўк тангри руҳига эътиқод қилган туркий қавмлар орасида кейинчалик Хитой ва Ўрта Осиёнинг таъсири натижасида бошқа динлар, жумладан христианлик, буддавийлик, монийлик ҳам тарқала бошлаганлиги хусусида аввал ҳам тўхталиб ўтилган эди. Фарбий Турк ҳоқони бўлмиш Тўн-Ябғу (Тўншоҳ) (618-630) маҳаллий халқ вакиллари, аввало зодагонлар билан яқинлашиш, улар билан қариндошлик алоқаларини ўрнатиш сиёсатини юритди. У ўз давлати манфаатлари моҳиятидан келиб чиққан ҳолда Ўрта Осиё халқлари, уларнинг маданиятига хайрихоҳлик билан қаради. Тўн-Ябғу ижтимоий-маънавий ҳаётда бағрикенглик, айниқса диний, этник, фуқаролараро бағрикенглик, ҳамжиҳатлик масалаларига ҳам эътибор қаратди. Ҳоқонликда зардуштийликнинг устувор ўрни билан бир қаторда турли анимистик қарашлар, Кўк тангри руҳи, христианлик, монийлик, буддавийлик ҳам маълум даражада тарқалган ҳамда ҳоқонлик томонидан уларнинг эътиқоди тегишли даражада

муҳофаза ҳам қилинарди.

Бошқа дин ва қавм вакилларига нисбатан ўзаро ҳурмат, яхши қўшничилик анъаналари бунда катта роль ўйнади. Шубҳасиз, Тўн-Ябғунинг юқорида қайд қилинган ички сиёсати аҳолининг ҳамжиҳат бўлиши, турли этник ва диний низоларнинг олдини олишда катта роль ўйнади. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, азалдан Суғд ва унга қўшни ҳудудларида турли элатлар ва хилма-хил диний жамоа вакиллари ҳамжиҳат ва ҳамкор бўлиб яшашган. Бу борада суғдлар ва турклар ўртасидаги муносабатлар тарихи ва уларнинг ўзаро симбиоз жараёни ибратли аҳамият касб этади.

Таъкидлаш жоизки, суғдларнинг нафақат Ўрта Осиё, балки бутун Марказий Осиёдаги тарихий-маданий жараёнлардаги иштирокини ҳақли тарзда эътироф этиш керак. Жумладан, 1962 йили Мўғулистондан топилган 551-630 йиллардаги турк ҳоконларининг "Бургут ёдномаси" мисолида суғдларнинг Турк ҳоконлиги даврида ҳоконлик бошқарув ишларида фаол иштирок этганликларининг гувоҳи бўлиш мумкин (Vershtam 1997).

Ҳоконлик ҳудудидаги суғдлар бошлиғи (оқсоқоли) ҳокон томонидан "элтабар", яъни катта қабила раҳбари унвонига эга бўлган. Шу билан бирга туркларнинг ҳам Суғд маъмурий-бошқарувидаги иштироки кузатилади. Жумладан, агар бухоролик суғд Нахбанд (хитойча Нопаньто) турк ҳокони саройининг юқори лавозимли вакили бўлса, турк аслзодаси Чакин Чур Билга Бичут ўғли Панжикент шаҳри ҳокими сифатида узоқ йиллар давомида фаолият юритган. Шу боис ҳам халқнинг бирлиги ва ҳамжиҳатлиги кўпинча Хитой императорларини доғда қолдирган (Отahodjaev 2003). Бу хусусида 607 йилда ўз императори саройига маълумот юборган хитой жосуси Пэй Цзюй шундай дея ёзган эди: "Турклар соддадил ва тadbиркор эмаслар, улар орасига нифоқ солиш мумкин. Афсуски, уларнинг орасида суғдлар яшайди, улар айёр ва хийлакорлар. Ўшалар туркларни ўргатадилар ва йўналтирадилар" (Отahodjaev 2003).

Агар суғд ёзма ёдгорликлари асосида суғд ва турклар орасидаги бағрикенглик - толерантлик ғояси илдишларни ўрганадиган бўлсак, кўплаб аҳамиятга молик маълумотларга дуч келамиз. Жумладан, VII аср охири VIII аср бошларида Суғдда рўй берган жараёнлар ҳақида маълумот берувчи Муғ тоғи архиви ҳужжатлари бу борада тегишли аҳамият касб этади. Мазкур ҳужжатлар асосан "Суғд подшоси, Самарқанд ҳокими", сўнг Панжикент ҳокими Деваштич девонига тегишлидир. Ушбу ҳужжатлардан Деваштичдан аввалги Панж ҳокими Чакин Чур Билга Бичут ўғли исми турк бўлганидан далолат беради. У 15 йилдан зиёд (тахминан 693 йилдан то 708 йилгача) Панж вилояти ва шаҳрини бошқариб келган. Суғд аслзодаси Деваштич Панж ҳокими бўлган кезларда унинг хўжалик бошқарувчиси - фрамандори вазифасини Ўтг исми турк зодағони бажарган. Ўтгнинг мавқеи Деваштичдан кейин иккинчи даражада бўлганлиги кўплаб ҳужжатлар орқали ўз тасдиғини топмоқда. 718-719 йилларда битилган ҳужжатларда Деваштич Суғд подшоси ва Самарқанд ҳокими бўлган йилларда, арабларга қарши кураш учун ёрдам сўраб ўз элчиси Фатуфарнни Чочга жўнатади (Отahodjaev 2003).

Ҳужжат эса Фатуфарннинг Деваштичга жавоб мактуби бўлиб, у ўз навбатида Чоч тудуни ва Фарғона тутуғи билан учрашганини маълум қилади. Ушбу ҳужжатлар Суғддаги этнослараро масалаларга ойдинлик киритиб, суғдлар ва туркларнинг ягона мақсад йўлида бирлашиб, ҳамжиҳат, ўзаро иттифоқликда фаолият юритганликларини кўрсатади. Бу иттифоқ, 719-722 йилларда арабларга қарши Суғд, Чоч, Фарғона ва турклар коалициясига асос бўлиб хизмат қилди. Ажнабий



босқинга қарши маҳаллий халқлар ўзаро биргалашиб, озодлик ҳаракатида иштирок этишлари ушбу халқлар орасидаги мустақкам дўстона муносабатлардан дарак берарди. Муғ тоғи архивининг яна бир ҳужжати "Никоҳ гувоҳномаси" ва "Куёвнинг келин олдидаги мажбуриятлари" битикларидан иборат бўлиб, унда Ўттагин исмли турк аслзодаси билан Навекат (Навкат, Еттисувдаги суғд шаҳри) ҳокими Чер ҳомийлигидаги суғд қизи Дуғдрунча никоҳи ва ўзаро битими қай этилган. Ҳужжатнинг аҳамиятли жиҳати шундаки, унда турклар ва суғдлар ўртасидаги никоҳ намунаси акс этган. Бу никоҳ зардуштийларнинг "Қонунлар уйи"да битилган. Туркий Ўттагин зардуштийларнинг анъанасига асосан "муқаддас илоҳ Митра иштирокида" келин Дуғдрунча олдидаги

мажбуриятларни ўз зиммасига олади(Отahodjaev 2003). Мазкур ҳужжат икки халқ орасидаги яқин муносабатларни акс эттирганлиги билан тегишли аҳамият касб этади.

Муғ тоғидан топилган яна бир ҳужжат араб ноибининг вакили Абдурахмон ибн Субҳнинг Деваштичга юборган мактуби бўлиб, унда Деваштичнинг яқин дўстлари суғд Нижитак ва турк Вағнпат Кўрчи номлари зикр этилган. Вағнпат Кўрчи, гарчи турк бўлсада,

зардуштитийликни қабул қилган ҳамда "вағнпат - катта қоҳин" даражасига эришган эди.

Шундай қилиб, Турк ҳоконлиги даврида кўплаб суғд зодагонларининг туркий иерархия таркибига кириши, турк гуруҳ бошлиқларининг эса маҳаллий маъмурий - бошқарув ва ҳўжалик юритиш тизимидаги иштироки одатий ҳолга айланган эди. Масаланинг яна бир эътиборли жиҳати шундаки, Муғ тоғидан топилган ҳужжатларда бирон-бир этнослар ва динлараро айирмачилик, ихтилофлар ҳақида маълумотлар учрамайди.

Суғд ва туркий аҳоли орасидаги диний бағрикенглик, том маънодаги толерантлик улар эътиқод қилган динларнинг бир-бирини тўлдирганлиги билан ҳам изоҳланади. Хитой сайёҳи Сюань Цзянь ўз "Биография"сида Еттисувдаги Турк ҳоқонлиги саройидаги зардуштийлик анъаналари, туркларнинг оловга сифинишлари ҳақида хабар берганлиги юқоридаги мулоҳазаларнинг мантиқий тасдиғи бўлиб хизмат қилади (Tugusheva 1991).

Ўрта асрларда суғд муҳожирлари бир қатор бошқа динлар (монийлик, христианлик) каби буддизмни ҳам Шарқий Туркистон, Турк ҳоқонликлари ва ғарбий Хитойда тарқалишида маълум даражада миссионерлик вазифасини бажарганлар. Шу билан бирга Шарқий Туркистонда кўним топган суғдлар у ердаги маҳаллий халқлар, асосан, турклар билан бир қаторда буддизмга эътиқод қилганлар. Бу ҳақда кўплаб суғд тилидаги буддавий ёзма адабиётлар таҳлили маълумот беради. Ҳатто суғд тилидаги буддавий асарларни турк котиблари кўчиришгани ҳам маълум бўлмоқда. Жумладан, "Важрачҳедика" номли асар Қутлуғ исмли турк котиби томонидан кўчирилган. Тарихий аҳамиятга молик "Вессантара жатака", "Мастак чашант", "Қилмишларимиз..." каби асарлар бир қадар аҳамият касб этиб, улар ўзбек тилига ҳам ўтирилган (Ishokov 2000).

#### **4.Хулосалар:**

Масалага хулоса тарзида қуйидагиларни таъкидлаш мақсадга мувофиқдир:

- Бағрикенглик умуминсоний қадрият бўлиб, у инсоннинг эзгуликка интилиши ва яратувчанлик фаолияти натижасида юзага келган. Унинг муҳим мезони - бошқа фикр, дунёқараш, дин, урф-одат, тил, этнос ва ирқларга нисбатан эҳтиром, кўп авлодларнинг тафаккури, маънавиятининг бойитилиши туфайли яратилган;

- бағрикенглик ибтидосида, атроф-муҳит сирларини англашга интилиш туфайли, инсоннинг экологик билимлари доирасининг кенгайиб бориши натижасида, ҳаёт тортиқ қилувчи табиатга нисбатан эҳтиром оила ва жамоалар ички муносабатларида ҳам намоён бўлган (оила аъзолари, фарзандлар, ёши улуг кишиларга ҳурмат билан қараш ҳамда матриархат анъаналари);

- бўлғуси халқлар ва давлатлар ҳудудий чегараларининг ривожини бошида ягона этноснинг жойлашуви билан боғлиқ бўлмаган ҳамда ҳаминша мураккаб ва доимий янгилашиб борувчи этник ва маданий жараёнларни акс эттирган. Этник ва давлат-сий чегаралари шаклланишидан анча илгари аҳоли жойлашувининг ҳудудлари табиий-географик чегаралар билан белгиланган. Турли тарихий даврлар мобайнида кўплаб қабила ва элатлар, айниқса, улар муайян ҳудудларда аралаш жойлашиб истиқомат қилганлари туфайли умумий маданий анъаналарга эга бўлишган. Уларнинг яқин кўшничилиги, узоқ давом этган ўзаро муносабатлар ва таъсирлари нафақат маданий, балки этник синтезига ҳам олиб келган;

- ёзма маълумотларга кўра, мил. авв. V асрадаёқ ўртаосиёликлар - хорасмийлар, бақтрияликлар, сугдийлар, саклар Қадимги Шарқнинг Суза, Бобил, Мемфис каби шаҳарларида ва Элефантина оролида бошқа халқлар билан биргаликда яшаб, турли фаолият билан шуғулланганлар. Уларга нисбатан уй-жой, хусусий мулкка эга бўлиш, маҳаллий тил ва ёзувни ўрганиш, ўз эътиқодларини қадрлашга жиддий тўсиқ ва қаршилик бўлмаган;

- этномаданий кўп хиллилик шароитида, айрим халқларнинг маданияти ва дини турлича бўлса ҳам, уларнинг бирлашувига ахлоқий ва маънавий қадриятлар пойдевор вазифасини бажарган. Шу тариқа тинчлик, барқарорлик, тотувлик ва бағрикенгликка интилиш ўз аҳамиятини сақлаб келган, виждон эркинлиги, яъни қайси диннинг тарафдори бўлиш ҳуқуқий қафолатланган;

шунингдек, бағрикенглик тамойилининг айнан Ўрта Осиё хусусан, ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида юзага келишини қуйидаги омиллар билан ҳаракатлаш мақсадга мувофиқдир.

- Ҳудудининг ўзига хос жўғрофий жойлашуви ва иқлимий шарт-шароити: қайд этиш лозимки, Ўрта Осиё, хусусан ҳозирги Ўзбекистон қулай геосиёсий масканда ранг-баранг ер рельефи ва ландшафтлардан иборат. Ҳудудда бир вақтнинг ўзида тоғлиқ, ўрмон, дашт, чўл ва саҳролар ҳам мавжуд. Иқлими эса мўтадил (континентал), тегишли табиат инжиқликларидан холи эмас. Бутун ҳудуд бўйлаб сув танқислиги доимо мавжуд бўлган. Мазкур ҳолат эса маҳаллий аҳолидан сабр-тоқатлилиқ, чидамлилиқ, меҳнатсеварлилиқ, мураккаб, гоҳида қурғоқчил жазирама ёз, бир вақтнинг ўзида қаҳратон қишга мослашувчанликни талаб қилган. Бу жўғрофий шароит аҳолини ҳар қандай табиат кийинчиликлариغا чидашига, меҳнатдан бўйин товламасликка, куч, матонат ва ирода эгалари бўлишга олиб келган. Буни ўз вақтида антик давр муаллифлари, хусусан "тарих фанининг отаси" бўлмиш Геродот ҳам таъкидлаган эди.

- Ҳудудий этник мутаносиблик: маълумки, Осиё ҳудудида бронза-темир даврларидан бошлаб ўтроқ зироаткор аҳоли ва кўчманчи чорвадор қабилалар истиқомат қилишган. Мазкур гуруҳлар ўртасида қадимги даврдан бошлаб ўзаро ҳурмат ва компромисс (келишувчанлик)ка асосланган муносабатлар қарор топган. Воҳалардаги зироаткор аҳоли ва кўчманчи чорвадор қабилалар ўртасидаги ушбу муносабатлар ўзаро манфаатли савдо-иқтисодий муносабатлар, ўзига хос турмуш тарзини ҳурмат қилишда ўз аксини топган эди. Зеро, чўл ва дашт ҳудудларда яшовчи туркий қавмларга хос бағрикенглик ва ишонч, воҳа туб жой аҳолисига

хос сабр-тоқатлилик ва меҳнатсеварлилик ушбу мутаносибликка асос бўлиб хизмат қилган. Шимол ва жануб ўртасидан ўзаро мутаносибликни асрлар давомида туркий қавмларнинг худудга кўчиб кела бошлаши, уларнинг туб жой аҳоли ички ишларига аралашмаслиги, маҳаллий аҳоли билан яхши қўшничилик алоқаларида ҳам кўриш мумкин эди.

### Иқтибослар/Сноски/References

- [1] Buryakov, Yu. 2011. Становление христианства в Средней Азии (по письменным и вещественным источникам) // Русская православная церковь в Средней Азии. 140 лет. Добрососедства с исламом. Материалы межд.конф.- Ташкент. - С.25.
- [2] Filanovich, M. 2011. Исторические корни конфессиональной толерантности в Узбекистане (древность и средневековье) // Русская православная церковь в Средней Азии. 140 лет. Добрососедства с исламом. Материалы межд.конф.- Ташкент. - С.275.
- [3] Odilov, A. 2019. Ўзбекистон ижтимоий-маънавий ҳаётида бағрикенглик тамойилининг туганган ўрни (ўрта асрлар мисолида).- Ташкент: Turon-Iqbol. - 3 б.т.
- [4] Murtazayeva, R. 2010. Межнациональные отношения и толерантность в Узбекистане: исторический опыт и современность. / Ответ.ред. Р.Х.Муртазаева. - Ташкент: Mumtozso'z. - 400 с.
- [5] Murtazayeva, R. 2010. Толерантность - как интегрирующий фактор в многонациональном Узбекистане. - Ташкент. Узбекистан, 2010. - 14 п.л.
- [6] Murtazayeva, R. 2016. Маҳалла - миллатлараро тотувлик ва бағрикенглик маскани. Тошкент: Мумтоз сўз. - 5 б.т.
- [7] Murtazayeva, R.; Doroshenko, T; Saipova K. and other. 2018. Межнациональное согласие в Узбекистане и толерантность: взгляд сквозь призму веков. - Ташкент: Turoniqbol. - 124 с.
- [8] Murtazayeva, R.; Doroshenko, T; Inoyatova, D.; Saipova K. and other. 2018. Бағрикенг Ўзбекистон диаспоралари тарихи (бухоро яҳудийлар, немис, корейс, грек, уйғур болтиқбўйи халқлари мисолида). - Тошкент: Turon iqbol. - 176 б.
- [9] Ata-Mirzaev, O.; Gentshke, V.; Murtazaeva, R. 2004. Межнациональная толерантность в Узбекистане: история и современность. - Ташкент: Университет. - 179 с.
- [10] Sagdullaev, A. 2018. Бағрикенгликнинг тарихий илдиэлари. - Тошкент: Tamaddun, 2018. - 2 б.т.
- [11] Saipova, K. 2018. Толерантность узбекского народа к эвакуированным и депортированным народам в годы войны с фашизмом. - Ташкент: Turoniqbol. - 5,37 п.л.
- [12] Этнодемографические процессы в Узбекистане. - Ташкент, 2005. Книга I. - 18,9 п.л.;
- [13] Этнодемографические процессы в Узбекистане. - Ташкент, 2005. Книга II. - 13 п.л.;
- [14] Урбанизационные процессы в Узбекистане: история и современность. - Ташкент, 2010. Часть I. - 20 п.л.;
- [15] Урбанизационные процессы в Узбекистане: история и современность. - Ташкент, 2010. Часть II. - 14 п.л.
- [16] Межнациональные отношения и толерантность в Узбекистане:

исторический опыт и современность. - Ташкент, 2016. - 18 п.л

[17] Ўзбекистонда миллатлараро муносабатлар: тарих ва ҳозирги замон. - Тошкент, 2003. - 29,5 б.т.

[18] Бағрикенглик - жамият барқарорлигининг асоси. - Тошкент, 2003.- 18,5 б.т.

[19] Ёшлар тарбиясида толерантлик - давр талаби. - Тошкент, 2008. - 20 б.т.

[20] Ўзбекистон тарихи фанидаги инновациялар: назария ва амалиёт. - Тошкент, 2013.

[21] Ўзбекистонда тинчлик-осойишталик, ҳавфсизлик ва миллатлараро ҳамжиҳатлиликни мустаҳкамлаш - мамлакат тараққиётининг пойдевори. - Тошкент, 2013.

[22] Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамияти билан ўзаро дўстлик ва ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлашда халқ дипломатиясининг тутган ўрни ва роли. - Тошкент, 2017.

[23] Pirshict, A; Mongayt, A.; Alekseev, V. 1968. История первобытного общества. - М.: Высшая школа.

[24] Lamberg-Korlovskiy, K. 1990. Модели взаимодействия в III тысячелетии до н.э.: от Месопотамии до долины Инда // Вестник древней истории. - М. - №1.

[25] Sarianidi, V. 1975. Древние земледельцы Афганистана. - М.: Наука;

[26] Askarov, A; Shirinov, T. 1993. Ранняя городская культура эпохи бронзы юга Средней Азии. - Самарканд.

[27] Gardin, J., Lyonnet, B. 1974-1978. L'aprospection archeologique de la Bactriane orientale: premiers resultats // Mesopotamia. XIII-XIV

[28] Frankfort, H. 1985. Tradition harappenne et innovation Bactrienne a'Shortughai // L'archeologique Bactriane ansienne. - Paris.

[29] Sagdullaev, A. 2000. Средняя Азия и Индия - формирование ранних путей историко-культурных связей // Индия и Центральная Азия (доисламский период). - Ташкент.

[30] Adams, W. 1968. Invasion, Diffusion, Evolution // Antiquity. XLII. - № 167.

[31] Ioffi, N. 1986. Сферы взаимодействия в Месопотамии // Древние цивилизации Востока. - Ташкент: Фан.

[32] Atanbaeva, B., Rogojinskiy, A. 2006. Могильник Шагым - новый памятник эпохи бронзы Восточной Ферганы // Археологические исследования в Узбекистане. 2004-2005 гг. - Ташкент.

[33] Sarisnidi, V. 2010. Задолго до Заратуштры. - М.: Старый сад.

[34] Rtveladje, E. 2005. Цивилизации, государства, культуры Центральной Азии. - Ташкент.

[35] Mavlonov, O. 2008. Марказий Осиёнинг қадимги йўллари. - Тошкент: Академия.

[36] Dandamaev, M.; Lukonin, V. 1980. Культура и экономика Древнего Ирана. - М.: Наука.

[37] Dandamaev, M. 1982. Индийцы в Иране и Вавилонии в ахеменидский период // Древняя Индия. Историко-культурные связи. - М.

[38] Kent, R. 1953. Old Persian: Grammer. Texts. Lexicon. - New Haven

[39] KurctiyRufIV, 11, 5.

[40] Sagdullaev, A. Қадимги Ўрта Осиё тарихи... - Б.78.

[41] Шахермайр Ф. Александр Македонский. - М.: Наука, 1986. - С.291-293.

[42] Ртвеладзе Э.В. Великий шелковый путь. - Ташкент: Шарқ, 2000.

- [43] Ртвеладзе Э.В., Лившиц В.А. Памятники древней письменности. - Ташкент: Фан, 1985. - 38 с.
- [44] Сагдуллаев А., Ртвеладзе Э. В стране золотого огня. - Ташкент: Узбекистан, 1983. - С.77-83.
- [45] Филанович М.И. Религиозная толерантность городов на Великом шелковом пути // Бағрикенглик - жамият барқарорлигининг асоси. - Тошкент, 2003.
- [46] Буряков Ю. Становление христианства в Средней Азии (по письменным и вещественным источникам) // Русская православная церковь в Средней Азии. 140 лет. Добрососедства с исламом. Материалы межд.конф.- Ташкент, 2011. - С.20-21.
- [47] По стопам Фомы. Христианство в Центральной Азии. - М., 2011. - С.40.
- [48] Дресвянская Г.Я. Некрополь старого Мерва // Труды ЮТАКЭ Ашхабад, 1989. Т.ХІХ; Усманова З.И. Христианские памятники Туркмении // Из истории древних культов Средней Азии. Христианство. - Ташкент, 1994. - С.29-31;
- [49] Логинов С., Симсон О.Дж. Раскопки в Мерве на городище Эркале в 1992-1993 гг. // Тезисы докладов научной конференции / Мерв в древней и средневековой истории Востока. - Мары, 1994. - С.51.
- [50] Лившиц В.А., Хромов А.Л. Согдийский язык // Основы иранского языкознания. Средне-иранские языки. - М.: Наука, 1981. - С.354-361; Жумагулов Ч. Язык старотюркских несторианских памятников Киргизии. - Фрунзе, 1971. - С.10-12.
- [51] Никитин А.Б. Христианство в Центральной Азии (древность и средневековье) // Восточный Туркестан и Средняя Азия. История. Культура. Связь. - М., 1984. - С.122.
- [52] Гафуров Б.Г. Таджики. Книга первая. - Душанбе: Ирфон, 1988. - С.310.
- [53] Болтабоев Ҳ. Маҳмудов М. Адабий-эстетик тафаккур тарихи. I жилд. Қадимги давр. - Тошкент: Mumtoz so'z, 2013. - Б.386.
- [54] Кобзева О.П. Исторические корни толерантности в Узбекистане. / Межнациональное согласие в Узбекистане и толерантность: взгляд сквозь призму веков. - Ташкент: Turon-Iqbol, 2018. - С.9.
- [55] Содиқов К. Эски уйғур ёзуви. - Тошкент, 1989. - Б.42.
- [56] Самарқанд тарихи. Икки томлик. Итом. - Тошкент: Фан, 1971. - Б.128-129.
- [57] Гафуров Б.Г. Таджики. Книга первая. - Душанбе: Ирфон, 1988. - С.358.
- [58] Бернштам А.Н. Среднеазиатская древность и ее изучение за 30 лет. // ВДИ, 1997. - №3. - С.88.
- [59] Отахўжаев А. Илк ўрта асрларда Сўғдаги миллий ва диний бағрикенглик (суғд ёзма манбалари асосида) // Бағрикенглик - жамият барқарорлигининг асоси. Республика илмий-амалий анжуман материаллари. - Тошкент, 2003. - Б.171.
- [60] Тугушева Л.О. Уйгурская версия биографии Сюань-Цзянь. - М.: Наука, 1991. - С.5-7.
- [61] Исҳоқов М.М., Отахўжаев А. Сўғдарнинг буддавий фалсафий-ахлоқий меросидан // Қадимги ёзма ёдгорликлар. - Тошкент: Ёзувчи, 2000. - Б.33-38.


# ЎТМИШГА НАЗАР ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST

Эргашева Юлдуз Алимовна

Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти  
Ўзбекистон тарихи кафедраси мудири,  
тарих фанлари доктори, профессор

## ЎЗБЕКИСТОНДА "МАДАНИЙ ИНҚИЛОБ" СИЁСАТИ ВА УНИ АМАЛГА ОШИРИШ УСУЛЛАРИ

*For citation:* Ergasheva Yulduz Alimovna. "CULTURAL REVOLUTION" POLICY IN UZBEKISTAN AND ITS IMPLEMENTATION METHODS. Look to the past. 2020, vol. 1, issue 3, pp. 22-29

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2020-1-2>

### АННОТАЦИЯ

Мақолада Ўзбекистонда "маданий инқилоб" сиёсатини амалга оширилиши, унинг моҳияти ва мафкуравий асослари, совет ҳокимиятининг миллий маданиятни советлаштириш борасидаги тадбирлари каби масалалар таҳлил қилинган. Халқнинг маънавий ва маданий ҳаётига совет маданий сиёсатини жорий этишнинг ижобий ва салбий натижалари кўрсатилган.

**Калит сўзлар:** "маданий инқилоб", мактаб, халқ таълими, зиёлилар, маданий мерос, диний қадриятлар.

Эргашева Юлдуз Алимовна

доктор исторических наук, профессор, заведующая кафедрой Истории  
Узбекистана Каршинского инженерно-экономического института

## ПОЛИТИКА "КУЛЬТУРНОЙ РЕВОЛЮЦИИ" В УЗБЕКИСТАНЕ И МЕТОДЫ ЕЁ ОСУЩЕСТВЛЕНИЯ

### АННОТАЦИЯ

В статье анализируются вопросы осуществления политики "культурной революции" в Узбекистане, её сущность и идеологические основы, а также мероприятия советской власти по советизации национальной культуры. Освещаются позитивные и негативные последствия внедрения советской

культурной политики на духовную и культурную жизнь народа.

**Ключевые слова:** "культурная революция", школа, народное образование, интеллигенция, культурное наследие, религиозные ценности.

**Ergasheva Yulduz Alimovna**

doctor of historical sciences, professor, head of the Department of History of Uzbekistan, Karshi Engineering Economic Institute

## "CULTURAL REVOLUTION" POLICY IN UZBEKISTAN AND ITS IMPLEMENTATION METHODS

### ABSTRACT

The article analyzes the implementation of the policy of the "cultural revolution" in Uzbekistan, its essence and ideological foundations, as well as the activities of the Soviet government on the Sovietization of national culture. The positive and negative consequences of the introduction of Soviet cultural policy on the spiritual and cultural life of the people are highlighted.

**Index Terms:** "cultural revolution", school, public education, intelligentsia, cultural heritage, religious values. "cultural revolution", school, public education, intelligentsia, cultural heritage, religious values.

### 1. Долзарблиги:

Мустақил Ўзбекистон чуқур ўзгаришлар йўлини босиб ўтиб, ўзига хос миллий ривожланиш стратегиясининг асоси сифатида юксак маънавиятга эришиш ва маънавий соғлом жамиятни шакллантиришни устувор вазифа қилиб қўйди. Ўзбекистоннинг маънавий-ахлоқий янгиланиши ва маданий ривожланишининг кенг кўламли дастурини амалга оширишда мамлакат тарихини, хусусан, унинг турли босқичларидаги одамларни маънавий ва маданий ҳаётининг хусусиятларини объектив ўрганиш муҳим аҳамият касб этади. Чунки халқ маданияти жадал ривожланаётган жараён бўлиб, унинг мазмуни ва ўзига хослиги мамлакатнинг тарихий шароитлари билан белгиланади. Маданий-тарихий жараённинг узлуксизлиги ижтимоий тараққиётнинг муҳим шартларидан бири бўлиб, жамиятнинг жадал ривожланишини зарурий шarti, маданиятни ривожлантиришнинг методологик асосидир. Шу муносабат билан, ўзбек халқининг маънавий ҳаётини сиёсийлаштиришга, унинг кўп асрлик маънавий меросини йўқ қилишга қаратилган совет давридаги "маданий инқилоб" сиёсатининг моҳияти ва амалиётини ўрганиш шубҳасиз, катта қизиқиш уйғотади.

### 2. Методлар ва ўрганилганлик даражаси:

Мақола умум қабул қилинган тарихий методлар-тарихийлик, қиёсий-мантиқий таҳлил, кетма-кетлик, холислик тамойиллари асосида ёритилган бўлиб, унда 1920-1930 йилларда ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маънавий соҳаларда социалистик қайта қуриш ва маданий ривожланишнинг совет моделини жорий этиш шароитида туб ўзгаришлар рўй берганлиги ўрганилди. Бироқ, бу даврда, Ўзбекистон халқларининг маданий ҳаётида, кўп жиҳатдан миллий зиёлилар вакилларининг саъй-ҳаракатлари туфайли маълум ижобий ўзгаришлар юз берди. Хусусан, айнан шу даврда мусулмон аҳолининг анъанавий урф-одатлардан дунёвий

маданиятга ўтишининг мураккаб жараёни тасвирланган.

### 3. Тадқиқот натижалари:

Большевиклар томонидан амалга оширилган социализм қуришнинг ленинча режасида машҳур учлик - саноатлаштириш, коллективлаштириш, маданий инқилобга алоҳида ўрин берилди. Айнан шу ерда социалистик маданият муаллифлари "коммунистик" типдаги шахсни шакллантириш воситасини кўрган. Большевикларнинг маданий сиёсатининг концептуал тамойиллари қуйидагилардир: коммунистик мафкура, синфий ва партиявийлик, большевиклар талқинидаги миллат, социалистик интернационализм, жангари атеизм.

Тўғри, амалий сиёсатда янги коммунистик марказнинг туб аҳолини ғоявий бўйсундириш учун асос сифатида мутлақ партиявийлик ва синфийликка устунлик берилди. Бундан ташқари, маҳаллий аҳолига нисбатан бой маданий ва маънавий меросидан фарқли ўлароқ, шовинистик афсонанинг "маданий жиҳатдан орқада қолган", мутлақо саводсиз ва "кўпроқ иқтисодий ва маданий ривожланган давлатлар"нинг ёрдамига муҳтожлиги ҳақидаги миш-мишлар доимий равишда тарғиб қилинди. "Биз бизданда қолоқ ва эзилган халқларга беғараз маданий ёрдам беришга ҳаракат қиламиз"[1] деб ёзган эди Ленин. Октябрдан кейинги даврнинг биринчи кунларидан бошлаб, янги ҳукуматнинг "беғараз ёрдами" ахлоқий тарбиясини, адабиётни ва санъатни самарали миллий ўзагидан узишга, миллий менталитетга бегона бўлган "пролетар маданияти" ва коммунистик мафкуранинг намуналарини мажбуран сингдиришга қаратилган эди. "Маданий қурилиш"нинг ленинча дастури "оддий одамлар" учун ташқи томондан ўзига жалб этадиган муайян қоидаларни ўз ичига олди: бепул ва мажбурий таълим олиш талаби, "ишчилар"нинг саводхонлик даражасини кескин ошириш зарурияти ва бошқалар.

1920-1930 йилларда "маданий инқилоб"нинг мазмуни ва маъносини белгилаб берган таркибий қисмлари қуйидагилар эди: таълим ва маърифатнинг социалистик тизимини яратиш, эскиларнинг "қайта ўқитиш" ва янги, "социалистик" зиёлиларнинг шаклланиши, "социалистик" адабиёт ва санъатнинг, янги маданиятнинг шаклланиши, ахлоқ ва дунёқараш, коммунистик мафкура қоидаларини тасдиқлаш.

Уни амалга оширишнинг асл мақсади шубҳасиз совет тузуми ва коммунистик партияга содиқ янги одамни шакллантиришдир. Уни амалга оширишнинг ҳақиқий натижалари ноаниқ ва қарама-қарши эди. Бир томондан, маълум ижобий натижаларга эътироз билдириш қийин: саводсизликни тугатиш, мактаблар, олий ва ўрта махсус ўқув юртларининг кенг тармоғини яратиш, театрлар, клублар, кинотеатрлар қуриш, оммавий нашрлар, турли хил адабиётларни чоп этиш, зиёлиларнинг шаклланиши ва бошқалар. Бошқа томондан, уларга эришилиши борасидаги усуллар тузатиб бўлмайдиган интеллектуал йўқотишларга олиб келди.

"Маданий инқилоб"нинг ленинча ғоясини амалга оширишдаги дастлабки қадам бу аввалги шакллардан воз кечган совет таълим тизимини яратиш эди. Большевик-совет ҳокимияти турли хил чоралар - маъмурий-репрессиялардан тортиб иқтисодиётгача альтернатив таълим муассасаларининг барча имкониятларини тўсиб қўйди.

Маълумки, XIX аср охири - XX аср бошларида жадидларнинг таълимни ислоҳ қилиш ва янги услубдаги мактаблар ташкил этишдаги фаолияти миллий анъаналарга асосланган эди. Бироқ, бу ёш авлодни коммунистик идеаллар руҳида тарбиялаш учун совет мафкуравий кўрсатмаларига мос келмайдиган нарса совет таълим тизимининг монополиясини тасдиқлаш йўли 1920 йилларнинг охирига келиб мактаб таълимининг конфессиявий моделини тугатиш билан яқунланди. 1940



йил бошига келиб, Ўзбекистонда табиий равишда фақат совет типдаги 4838 ўрта мактаб мавжуд бўлиб, улардаги ўқувчилар сони 1263 минг нафарни ташкил этарди. Совет таълим тизимидаги ўзгаришлар, унинг ҳаддан ташқари мафкураланиши ва анъанавий мусулмон мактабининг мажбуран бўлиб ташланиши маълум даражада кенг оммани бегона "социалистик мактаб" дан ажралиб туришига олиб келди. Бу эса ўз-ўзидан большевиклар раҳбарияти томонидан "ўзига хос" тарзда баҳоланди. Масалан, "Правда Востока" газетасининг 1938 йил январь сонидида "Мактабда ишлаш тўғрисида"ги мақоласи чоп этилган бўлиб, унда: "Барча собиқ халқ комиссарлари халқнинг энг ёвуз душманлари бўлиб чиқди. Худди шу бандитлар кўплаб шаҳар ва вилоят таълим бирлашмалар ҳамда мактаблар аппаратларига ҳам тиқиштирилди. Улар халқ душманлари сифатида жуда катта зарар етказдилар. Уларнинг ҳалокатли ишлари натижасида мактаб ёшидаги болаларнинг мажбурий таълими ҳали ҳам тўлиқ амалга оширилмади... Халқ душманлари ўзбек болаларининг тўлиқсиз ўрта ва ўрта мактабларни тугатишига тўсқинлик қилди. Шунинг учун 8-10-синф ўқувчилари орасида маҳаллий миллат фарзандларининг атиги 11 фоизни ташкил этди... Ўқитувчилар тайёрлашга бўлган зарарли муносабат туфайли, Ўзбекистон мактабларида 2176 та ўқитувчи етишмаяпти". Шундай қилиб, тизимнинг нуқсонлари "душман"ларга ағдарилди ва қатагон режими оқланди. [2]

Шу билан бирга, яратилган совет мактаб тизими, маълум бир ижобий миқдорий кўрсаткичларга қарамай, "саводсизликни қатъият билан йўқ қилиш" йўналиши билан биргаликда 40-йилларнинг бошларига келиб саводсизликни тўлиқ бартараф этишда кутилган натижага олиб келди. 1939 йилда Расмий маълумотларга кўра, Ўзбекистон аҳолисининг умумий саводхонлиги 78,7% га етди. [3]

Бошланғич таълимдан олий таълимгача унинг ҳар бир қуйи тизимлари учун аниқ белгиланган вазифаларни ўз ичига олган мувофиқлаштирилган таълим тизимини яратиш - совет мактабининг шубҳасиз муваффақиятидир. Аммо вақт кўрсатдики, маданий инқилоб йилларида пайдо бўлган ҳаддан ташқари сиёсийлаштирилган, мафкуравий, бирлаштирилган таълим тизими бошланғич ва ўрта таълимнинг бошланғич масалаларини ҳал қилишга имкон берган бўлсада, умуман ўзини оқламади. Ушбу тизим ўқувчиларнинг индивидуал қобилиятларини ривожлантириш, ташаббускорлик, инновация ва ижодкорлик, миллий хусусиятларини инобатга олмади. Совет мактабининг ягона модели, мантиқий якунига етди, шунга қарамай, тоталитар тизимнинг асосий мезонларига жавоб берди. Ягона ўқув дастурлари, дарсликлар, методологияси, маъмурий ва бюрократик бошқарув орқали авторитар педагогика орқали бирлаштирилган ғоялар, догмалар совет иттифоқи режимига содиқ қолган ягона "социалистик" шахсни шакллантиришга ёрдам берди. Ўқув жараёнини ҳаддан ташқари мафкуравийлаштириш ва руслаштириш тенденцияларини кучайтириш буюк куч сиёсати билан бирлаштирилди. Миллий мактабларда ва бошқа ўқув юртларида рус тилини ўрганишни мажбурий равишда жорий этиш амалиёти алифбонинг икки маротаба ўзгариши (1929 йилда араб ёзуви - лотин ҳарфлари асосида ўзбек ёзувига алмаштириш, 1940 йилда - кирилл алифбосига) ўзбек тилини иккинчи даражали тилга айланишига олиб келди. Бундан ташқари, олий ўқув юртларида ўқув жараёнининг руслаштирилиши, уларда тубжой миллат талабалари сонининг кўпайишига тўсқинлик қилди. Масалан, 1939 йилда ЎзДУда ўзбекларнинг улуши 46%, САГУда - 30%, 3 та кундузги давлат педагогика институтларида - 53%, 6 та кечки педагогика институтларида - 48% эди. [4] Таълим тизими асосан ижтимоий вазифани бажаришга кенг ёндашишга, мустақил фикрлаш ва миллий ўзига хосликни

ривожланишига тўсқинлик қилишга, тарихий миллий илдизлардан ва кўп асрлик миллий маданиятдан ажралиб чиққан, шубҳасиз тоталитар-империал тузумга бағишланган шахс турини шакллантиришга қаратилган эди.

Тоталитар ҳукумат янги жамият қуриш ва коммунистик типдаги шахсни тарбиялаш борасидаги конструктив саъй-ҳаракатлар билан биргаликда ўтмишдаги маданий меросни йўқ қилишга ҳаракат қилди. "Совет давридан олдинги" даврда одамларнинг соғлом ахлоқий тамойилларини сақлашга, оилавий ва ички муносабатлардаги юқори ахлоқий фазилатларни мустаҳкамлашга ҳисса қўшган омил бу- ислом дини эди. 30-йилларда динга қарши террор ташкил этилди. Нафақат дин арбоблари ва мусулмон институтлари, балки таниқли диний ҳуқуқшунослар, файласуфлар, сўфий мутафаккирлари Имом ал-Бухорий, Имом ат-Термизий, Аҳмад Яссавий, Баҳоуддин Нақшбанд, Ҳамадоний, Нажмиддин Кубро, Сўфи Оллаёр ва бошқаларнинг ижодий, маънавий мероси таъқиб қилинди, қатағонликларга ва тақиқларга дучор бўлди. Атеистик экстремизм сиёсати "октябрдан кейинги" ўн йилликда исломнинг контекстуал муҳитини йўқ қилишга, баъзи кундалик маросимлар орқали жон сақлаб қолишига ва натижада миллат ривожланишининг диний, маънавий асосларига жиддий путур етказди.

Совет ҳокимияти анъанавий миллий қадриятларни бузиш учун фойдаланган яна бир муҳим восита - бу маданий меросга табақалаштирилган ёндашув тўғрисида ленинча қарашнинг киритилиши эди. "Ҳар бир миллий маданиятдан" фақатгина "демократик ва унинг социалистик элементларини" олиш... Саралаш тамойили фақат бир томонга қаратилиб, яъни большевикларнинг сиёсий ва мафкуравий талабларига жавоб берган тақдирдагина қимматли ҳисобланди. Шунинг учун агар Навоий, Бобур, Машрабнинг асарлари "қисқартирилган" шаклда нашр этилган бўлса, Ҳусайн Бойқаро, Умархон ва Фирузнинг "тож кийган" шоирларнинг асарлари умуман эсга олинмади. Адабиёт ва санъатга қарши курашиш баҳонасида миллий маданиятнинг кўплаб дурдоналари рад этилди.

"Маданий сиёсати"да маданий ва маърифий ташкилотларнинг "инқилобдан олдинги" инфратузилмасини тугатиш, илгари мавжуд бўлган "маданият марказлари"ни ижтимоийлаштириш ва совет маданий ва маърифий муассасаларини ташкил этиш бўйича қатъий чоралар алоҳида ўрин эгаллади. Совет давридаги маънавий ҳаётнинг барча институтлари сингари, уларнинг маданий-трансформацион жараёнлардаги роли ноаниқ эди. Бир томондан, одатдаги иш шакллари ва усулларида улар аҳолини оммабоп маданий қадриятлар билан таништирдилар, илмий билимларни тарғиб қилдилар, аҳолининг ўз-ўзини тарбиялашига, халқ санъатининг ривожланишига ҳисса қўшдилар, аммо, бошқа томондан улар коммунистик мафкурани тарқатиш, коммунистик дунёқарашни шакллантириш учун кучли омил бўлиб хизмат қилдилар ва расмий сиёсат учун восита ролини бажардилар. Маданият ва маърифат муассасаларининг ҳукмрон элита учун зарур бўлган ижтимоий онг шаклини шакллантиришдаги аҳамиятини инобатга олган ҳолда, "маданий инқилоб" йилларида "қизил чойхоналар", клублар, кўчма ўқув хоналари, кутубхоналар ва бошқаларнинг кенг тармоғи шакллантирилди. Масалан, 1920 йилда Туркистонда 177 социалистик кутубхона, 97 та клуб, 76 та қизил чойхона, 172 та кўчма ўқув хоналари бўлган [5], 1922 йилда Ўзбекистон ҳудудида атиги 40 та клуб бўлса, 1938 йилга келиб, уларнинг сони 3 мингдан ошди [6]. Музейларнинг роли кучайтирилди. 1940 йилда Ўзбекистонда 17 та музей муассасалари, шу жумладан 1 та тарихий-инқилобий, 12 та тарихий, 4 та саноат институтлари фаолият кўрсатди, ташриф буюрувчилар сони 789 минг кишига

етди.

Маданий-маърифий муассасалар фаолияти синфий қарама-қаршиликка мос равишда қурилган. Улар миллий ўзига хослик ва урф-одатларни ҳисобга олмадилар, миллий диний ва умуминсоний маънавий қадриятларни инкор этдилар. 20-30-йилларда миллий маданиятнинг муҳим тармоғи даврий матбуот ва китоб нашрлари эди. Расмий статистикага кўра, 30-йилларнинг охирига келиб, Ўзбекистонда бир қатор давлат нашриётлари фаолият кўрсатган, хусусан 200 та газета бир марталик тиражи қарийб 900 минг нусхада чоп этилган. Улардан ўзбек тилидаги 124 та газета (542 минг нусха), журналларнинг сони 52 тани ташкил этди. Уларнинг йиллик бир марталик тиражи 1,6 млн. нусхани ташкил этди.

Шу йилларда маданий қурилишнинг бошқа соҳаларига ҳам катта эътибор берилиб, халқнинг маънавий тарбияси ва жамиятни мафкуралаш воситаси сифатида кинематографиянинг аҳамияти оширилди. Шу муносабат билан кинотеатрлар сони кўпайди. 1933 йилда Ўзбекистонда 562 та кинотеатр фаолият кўрсатган бўлса, улардан 294 таси қишлоқ жойларида фаолият юритди. Мусиқа ва драма театрлари тармоғи кенгайди. 1940 йилда Ўзбекистонда 45 театр мавжуд бўлиб, улардан 2 таси опера ва балет, 32 та драма, комедия ва мусиқали, 11 таси болалар ва ёш томошабинлар театрлари эди. [7]

Мадрасаларда таълим олган "эски" зиёлиларни зарарсизлантириш ва янги "социалистик" зиёлиларнинг шаклланиши "маданий инқилоб"нинг муҳим таркибий қисми бўлган. Большевиклар минтақа зиёлиларини миллий ватанпарварликни намойиш этиб, туб аҳолининг сиёсий фаоллигини намойиш этадиган жиддий рақиб эканлигини тушунар эдилар ва шунинг учун, "маданий инқилоб" йилларида эски миллий зиёли кадрлар орасидан бир қисми совет ҳукумати билан ҳамкорлик қилиши учун қисман, асосан маъмурий усуллар билан жалб қилинди, бир қисми чет элга кўчиб кетди ва уларнинг яна бир қисми, айниқса, ватанпарвар ва большевикларга қарши бўлганлари қатағон қилинди.

Большевик раҳбарияти миллий зиёлиларга нисбатан олиб борган сиёсатида мафкуравий, маъмурий, ижтимоий ва маънавий босим усуллари билан биргаликда рағбатлантиришдан ҳам фойдаланди. Зиёлиларнинг катта қисми партия-совет тамойилларига амал қилишга мажбур бўлган ва совет ҳукумати билан ҳамкорликка ўтган ёки унга нисбатан бетараф позицияни эгаллаганига қарамай, у мунтазам равишда мафкуравий муомала, таъқиб ва қатағонларга дучор бўлди. Кўплаб миллий зиёлилар вакилларининг туб аҳоли манфаатларига содиқлиги шу қадар сезилиб турдики, большевик ҳокимияти мунтазам равишда унга қарши ҳужумга ўтди.

"Социалистик қурилиш соҳасидаги қатағон ҳужумнинг зарурий элементи"... деб таъкидлаган эди Сталин. [8] Шу сабабли, зиёлиларга қарши ноқонуний сиёсий қатағонлар етакчи усул сифатида муҳим роль ўйнай бошлади. Шундай қилиб, 20-йилларнинг охири ва 30-йилларнинг бошларида, миллий зиёлиларнинг бир қисми қатағон қилинган, "18 лар гуруҳига", "Иноғомовчилик", "Қосимовчилик", "Бадриддиновчилик" ва бошқа миллатпараст ташкилотларга алоқадорликда айбланган. 30-йилларнинг охирида миллий зиёлиларга қарши қатағонлар кенг тарқалди. Партия-совет раҳбарлари (Ф. Хўжаев, А. Икромов, С. Сегизбаев, А. Каримов ва бошқалар) билан бирга кўпчилик ўқитувчилар, ёзувчилар, шоирлар, олимлар, жамоат арбоблари (Фитрат, Чўлпон, А. Қодирий, У. Носир, П. Солиев, А. Шакури, Элбек, Зиё Саид, Ғози Олим ва бошқалар) миллатнинг интеллектуал элитаси қатағон қилинди.

Расмий маълумотларга кўра, Ўзбекистонда 1937-1939 йилларда. фақат

республиканинг НКВД "учликлари" 41 мингдан ортиқ одамни ҳибсга олишди ва суд қилинди, шундан 6 минг 920 киши отиб ўлдирилган. [9] Натижада, "маданий инқилоб" йилларида, эски ва янги зиёлиларнинг интеллектуал ва ахлоқий узвийлик даражаси бузилди. Совет режимининг бундай жазо амалиёти биринчи навбатда зиёлиларни танқидий фикрлашдан четлатишга қаратилган эди.

#### **4. Хулосалар:**

"Маданий инқилоб" даврида маданият соҳасидаги ўзгаришлар зўравон усуллар билан ва тарихий ўтмишга, халқнинг урф-одатларига нигилистик муносабат руҳида олиб борилди. Шу билан бирга, одамларнинг очиқ ва яширин қарама-қаршиликлари, уларнинг ижодий саъй-ҳаракатлари, "қизил империя" доирасидаги маданий ривожланиш туфайли ижодий ва бузғунчи жараёнларнинг қарама-қарши томони пайдо бўлди. Совет маданий қурилиши тоталитар-мустамлакачилик тузумининг барча ҳалокатли оқибатларига қарамасдан, ижтимоий ривожланиш ва халқ ижодиётининг объектив эҳтиёжларига мувофиқ равишда ўзгаришлар минтақа учун янги фан, маданият ва таълимнинг кўплаб янги соҳаларини шаклланишига ҳисса қўшди. Шу маънода, совет давридаги ўзбек маданияти тоталитар ҳукуматнинг расмий давлат сиёсати тенг аҳамиятли эмас эди. Бироқ, тарихий йўқотишлар жуда катта эди. "Маданий инқилоб" аянчли "таълим" ва шахснинг таназзулига айланди. Бироқ, бу даврда 1920-йилларнинг иккинчи ярми ва 1930-йилларнинг бошларида маданий қурилишда юксак муваффақиятларга эришилди ёки фақат салбий жиҳатлар билан ажралиб турди деб баҳолаш хато бўлади. Таъкидлаш жоизки, ижтимоий ҳаёт ва маданий қурилишнинг мафкуравий ривожланиши кўп жиҳатдан маданий ривожланишга тўсқинлик қилди. Яккамафкура маданиятнинг чинакам эркин, плюралистик мавжудлигини инкор этди. Маданий инқилоб жуда чекланган ва расмий миқдорий кўрсаткичлардан бошқа нарса эмас эди.

Кучли мафкуравий таъсир маданиятни "октябрдан кейинги дастлабки йилларда" тўлиқ ўзига бўйсундирди. Бутун маданият ва барча маънавий ҳаёт синфийлик ва партиявийлик, даҳрийлик ғоялари билан уйғунлаштирилди, коммунистик партия томонидан монополиялаштирилиб, давлат манфаатига бўйсундирилди. Ижодкорлик ва ўзгача фикр эркинлиги тор доирада мавжуд бўлган бўлсада, умумий маданий макон, коммунистик типдаги мафкура ва ахлоқни акс эттирувчи янги шахсни шакллантиришни тезлаштириш учун хизмат қилган. Унинг асосий мафкуравий таркибий қисмларида маънавий ҳаёт коммунистик партиянинг монополияси томонидан олдиндан белгилаб қўйилган эди. Ижод эркинлиги чекланган ва кейинчалик умуман бекор қилинган. "Маданий инқилоб" тоталитар тузумни маъқуллашнинг занжирига айланди, буйруқ ва ижро этиш маданияти моделини шакллантирди. 30-йилларда маданиятнинг ушбу тоталитар модели шу қадар қатъий ўрнатилдики, уни бузиш масаласи фақат мустақиллик билан ҳал қилиниши мумкин эди.

#### **Иқтибослар/Сноски/References**

[1] Ленин В.И. Полн. собр.соч. Т.30, -С. 120.( Lenin V.I. Full Collected T.30, -P. 120.).

[2] Эргашева Ю.А. Культура Узбекистана: тенденции и проблемы развития. - Т., "Фан", 1997, -С. 31.( Ergasheva Yu.A. Culture of Uzbekistan: tendencies and problems of development. - Т., "Fan", 1997, -P. 31.).

[3] Народное образование, наука и культура в СССР. Стат. Сборник. -М., 1971,

-С.21.( Public education, science and culture in the USSR. Stat. Collection. -М., 1971, р.21.).

[4] ЎзР.ПДА, ф. 58, оп. 9, д.820, л. 80,84.( ААР RUz, f. 58, op. 9, d.820, l. 80.84.)

[5] ЎМА. Р, ф. 25, оп.1., д.679, л.32-34.( CGA RUz. f. 25, op.1., D.679, l.32-34.).

[6] Культурное строительство в СССР.-М. 1970, с. 159. (Cultural construction in the USSR. - М. 1970, p. 159.).

[7] Народное хозяйство Узб.ССР за 70 лет Советской власти.-Т., Узбекистан, 1987. -С.280,281.( The national economy of the Uzbek SSR for 70 years of Soviet power. - Т., Uzbekistan, 1987. -P. 280, 281.).

[8] Сталин И.В. Соч. т. 12, с 309.( Stalin I.V. Op. t. 12, -P. 309.).


[9] Совет Ўзбекистони, 1991, 15 сентябрь. (Soviet of Uzbekistan, 1991, September 15.)

# ЎТМИШГА НАЗАР ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST

Абдуллаев Диёржон Нодиржон ўгли  
Тошкент давлат педагогика университети,  
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори,  
электрон манзил: adn20@mail.ru

## АМИР ТЕМУР ВА ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИДА ХАЙРИЯ ВА ҲОМИЙЛИК ФАОЛИЯТИ

*For citation: Diyorjon Abdullaev. CHARITY AND SPONSORSHIP IN THE TIME OF AMIR TEMUR AND TEMURIDS. Look to the past. 2020, vol. 1, issue 3, pp. 30-36*

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2020-1-3>

### АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада Темурийлар даври тарихий шахсларининг маданият ва илм-фан соҳасидаги ҳомийликлари, боғ-роғ, иморат, маданий обидалар қурганлиги, сув иншоотлари, канал ва ариқлар ўтказганлиги, мактаб, мадраса, масжид, шифохона, ҳаммом, рабоб ва карвонсаройлар барпо этиб, давлатнинг ижтимоий-маданий жиҳатдан тараққий этишига қўшган хиссаси, уларнинг хайрли ишлари ҳамда ҳомийлик фаолиятлари ёритилган.

**Калит сўзлар:** Темурийлар давлати, "Темур тузуклари", "Ҳайрат ул-аброр", саховат, хайрия, ҳомийлик, ижтимоий ҳимоя, кебекий.

Абдуллаев Диёржон Нодиржон угли  
ТГПУ имени Низами, доктор философии по историческим наукам (PhD)  
электрон почта: adn20@mail.ru

## БЛАГОТВОРИТЕЛЬНОСТЬ И СПОНСОРСТВО ВО ВРЕМЕНА АМИРА ТИМУРА И ТИМУРИДОВ

### АННОТАЦИЯ

В этой статье описывается, как историки эпохи Тимуридов создавали культурные и научные основы, сады, здания, культурные объекты, водные сооружения, каналы и арки, школы, медресе, мечети, больницы, бани, рабат и караван-сараяев, содействие социально-культурному развитию государства, их благотворительная деятельность и спонсорство.

**Ключевые слова:** государство Темуридов, "правила Темура", "Хайрат уль-аброр", щедрость, благотворительность, спонсорство, социальная защита, особенность.

**Diyorjon Abdullaev**

TSPU named after Nizami,  
Doctor of Philosophy in historical sciences (PhD)  
e-mail: adn20@mail.ru

## CHARITY AND SPONSORSHIP IN THE TIME OF AMIR TEMUR AND TEMURIDS

### ABSTRACT

This article describes how the historians of the Temurid epoch created cultural and scientific foundations, gardens, buildings, cultural objects, water facilities, canals and arches, schools, madrasas, mosques, hospitals, bathhouses, rabbats and caravanserais, promoting social cultural development of the state, their charitable activities and sponsorship.

**Index Terms:** state of Temurids, "rules of Temur", "Khairat ul-abror", generosity, charity, sponsorship, social protection, peculiarity.

### 1. Долзарблиги:

Тарихий жиҳатдан олиб қараганда, ижтимоий ҳимоялаш тизимидаги хайрия ва ҳомийлик қадриятлари умумбашарий қадрият бўлиб, аждодларимизнинг феъл-атвори, турмуш-тарзи, хатти-ҳаракатига сингиб, ушбу фазилатлари бевосита жамоавийлик билан уйғунлашиб кетган. Чунки жамоавийлик туйғуси бор халқда сахийлик, саховатлилик фазилатлари камол топади. Халқимизнинг "бир майизни қирқ киши бўлиб ебди", деган нақли ҳам бежиз айтилмаган, албатта. Саховатнинг асл манбаи минг-минг йиллар мобайнида ўз бошидан не-не синовларни ўтказган халқимизнинг биргаликда, ҳамжиҳатликда яшашнинг афзаллигини туйишидан, ҳар қандай фавқулодда содир бўлган воқеа-ҳодисаларни юртга келган тўй дея мардона кутиб олиб, уларни бир ёқадан бош чиқариб бартараф этиши, оғир кунларда бир бурда нонни қўни-қўшниси билан баҳам кўриши ва асрий турмуш тарзи тажрибасидан ҳосил бўлган маънавий дунёсидан келиб чиқади.

### 2. Методлар ва ўрганилганлик даражаси:

Мақола умум қабул қилинган тарихий методлар - тарихийлик, қиёсий-мантиқий таҳлил, кетма-кетлик, холислик тамойиллари асосида ёритилган. Дарҳақиқат, тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, Ўзбекистон тарихининг муҳим тарихий даврларидан бири ҳисобланган Темурийлар давлати ҳукмдорлари ҳамда ижод қилган илм-маърифат вакиллари томонидан кишиларга ғамхўрлик кўрсатиш, аҳолига ёрдам ва имтиёзлар бериш, ҳар хил қулайликлар яратиш одат бўлган. Тарихга чуқурроқ назар ташласак, ўтмишда хайрли ишлар билан кўплаб давлат арбоблари, йирик мулк эгалари, илм-фан вакиллари, тижоратчилар, дин ва тасаввуфнинг етакчи вакиллари ҳам шуғулланганлигининг гувоҳи бўламиз. Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Шохруҳ, Ҳусайн Бойқаро, Хўжа Аҳрор, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий каби тарихий шахсларнинг нафақат маданият ва илм-фан ҳомийлари бўлганликлари, балки боғ-роғлар, иморатлар, маданий обидалар қурганлиги, сув иншоотлари, канал ва ариқлар ўтказганлиги, мактаб, мадраса, масжид, шифохона, ҳаммом, работ ва карвонсаройлар барпо этишда ҳомийлик

қилганликлари учун ҳам катта шуҳратга эга бўлганлар.

### **3. Тадқиқот натижалари:**

Хусусан, Соҳибқирон Амир Темур даврида фан, маданият, санъат ва адабиёт юксалиши билан биргаликда йирик қурилиш ва бунёдкорлик ишлари амалга оширилган. Мамлакатда касалхоналар, дорихоналар, кутубхоналар барпо этилган. Соҳибқирон Амир Темур даврида Жаҳонни ҳозир ҳам лол қолдираётган меъморий обидалар барпо этилган. Амир Темурнинг саъй-ҳаракатлари билан мадрасалар, масжидлар, хонақоҳлар, саройлар, бозорлар, работ-у карвонсаройлар, кўприклар, сув ҳавзалари ва бошқа иншоотлар бунёд этилган. Амир Темур томонидан барпо этилган давлат бошқаруви фаолияти инсонпарварлик ва меҳр-шафқат тамойиллари асосида иш кўрган. У ўз давлатида аҳолининг ночор қатламларига ғамхўрлик муносабатида бўлганлигини кузатамиз. Масалан, Темурийлар даврида қашшоқликни тугатиш мақсадида бошпаналар ташкил қилиниб, камбағаллар улардан нафақалар олиб турганлар [13,Б.23-24]. Бундан ташқари Амир Темурнинг солиқлар ҳақидаги қоидаларида ҳам "Солиқлар йиғишда халқни оғир аҳволга солишдан, ёки ўлкани қашшоқликка тушириб қўйишдан эҳтиёт бўлиш зарур. Негаки, халқни хонавайрон қилиш давлат хазинасининг беқувватлиги ҳарбий кучларнинг тарқоқланишига, бу эса, ўз навбатида ҳокимиятнинг кучсизланишига сабаб бўлиши..." таъкидлаб ўтилган [12,Б.12]. Амир Темур ўз даврида аҳолининг ижтимоий аҳволи ҳақида қайғурган ва ўз аҳолиси орасида ночорлар сонининг ортиб кетмаслиги чораларини кўрган. У ночорлар орасида ногиронлар ва заифлар ҳақида ҳам алоҳида ғамхўрлик қилган. Бу ҳақида Темур тузукларида шундай таъкидланган: "Амр этдимки... фақиру мискин, бирон касб қилишга ожиз шол кўрларга нафақа белгилансин... Яна буюрдимки, ҳар бир мамлакат фатҳ этилгач, у ернинг гадоларини тўплаб, кундалик емиш, ичишларини бериб, уларга бирон вазифа белгилансин. Ҳамда барча тамғалансинлар, токи бошқа гадолик қилмасинлар. Яна амр этдимки, катта-ю - кичик ҳар бир шаҳар, ҳар бир қишлоққа масжид, мадраса ва хонақоҳлар бино қилсинлар, фақиру мискинларга лангархоналар, йўловчилар кўниб ўтадиган жой ғарибхона, кексалар учун шифохона қурдирсинлар ва уларда ишлаш учун табиблар тайинлансинлар" [10,Б.67]. Шунингдек, халқнинг соғлигини сақлаш, беморларни даволаш, етим-есирлар ҳақида ғамхўрлик қилиш борасида муҳим ишлар амалга оширилган.

Шунингдек, Амир Темур хоҳ Самарқандда бўлсин, хоҳ сафарда бирор жойда озгина тўхтаб қолса, албатта бир хайрли ишни амалга оширишни режалаштиради, деб ёзган эди, тарихчи Шарафуддин Али Яздий [15,Б.194]. Соҳибқироннинг хайрия бобида қилган ишларидан бири сифатида 1381 йил Хуросонга юриши чоғида Мурғоб водийсида тўхтаб, у ерда кўплаб ариқлар чиқаришни буюрган [2,Б.132]. Шунингдек, Амир Темур 1403 йили Қорабоғда қишлаб қолган вақтида Байкалон шаҳрини [4,Б.132] қайта тиклашга буйруқ берган. Соҳибқироннинг бундай хайрли ишларига яна кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Жумладан, "Биз ҳазрати Темурни буюк бунёдкор деб бошимизга кўтарамиз. Рўйи заминнинг сайқали бўлмиш Самарқандда, Шаҳрисабз, Бухоро, Тошкент ва соҳибқирон барпо этган бепоён салтанатнинг бошқа ҳудудларида бунёд этилган нодир меъморий обидалар, тенгсиз боғу роғлар Темурбек бобомизга хос амалий шижоат самарасидир" [6,Б.167] - деб бежиз айтилмаган эди.

Бундай юксалиш, айниқса, Амир Темурнинг набираси Мирзо Улуғбек (Муҳаммад Тарағай Кўрагоний) замонасида ҳам давом этган. Мирзо Улуғбек



салтанат ҳукмдори ва машҳур астроном бўлиши билан бир қаторда мамлакатда адолат ўрнатишга, илм-фан ривожини таъминлашга ҳомийлик қилган. Унинг даврида бугун жаҳонга донғи кетган Самарқанд расадхонаси қад кўтарди, қатор масжид, мадрасаларни қуриш ниҳоясига етказилди, унинг атрофида жам бўлган илм аҳлига, мадрасалар талабаларига етарли шароит яратиб беришга ҳаракат қилинди, ҳукмдорлар ўртасидаги уруш-низоларни бартараф этишга алоҳида эътибор қаратиб келинди, халқ фаровонлиги ва юрт ободончилигини амалга оширишни ўзининг олий мақсади деб билди. Улуғбек Самарқанд, Бухоро ва бошқа шаҳарларда ўнлаб масжидлар, ҳаммомлар, карвонсаройлар, йўллар, шифохоналар қурдирди. Булар ичида энг машҳури 1414-1428 йиллари Самарқанд яқинидаги Оби-Раҳмат ёқасида қурилган расадхонадир. Одамларга меҳрибонлик қилиш, қийин шароитларда уларга ҳамдард бўлиш ҳар бир кишининг Аллоҳ олдидаги муқаддас бурчи эканлигини эътироф этиб, Мирзо Улуғбек кўп жабр ва ортиқча зулм ўтказган Ашраф ибн Темиртош, ибн Чўпон Сулдуз каби хонларни қоралаган. Улуғбек бандаларининг каттаси ҳамда кичигининг ҳам бошини марҳамат қўли билан сийлаган Тўқта Бойхон ва Тармаширхон ибн Дуво Чечанхон каби ҳукмдорларнинг номларини ҳурмат билан тилга олади [7, Б.231, 249-250].

Замонасининг етук олими Абдураҳмон Жомий сахийлик деганда, эвазига бирор нарса талаб қилмайдиган, беминнат ва холис ёрдамни тушунган. "Саҳоват, - деб таъкидлайди Жомий, - бирор нарсага қараб ёки эвазига бирор нарса талаб бўлса, ҳатто талаб этилган нарса мақтов ва миннатдорчилик бўлгани тақдирда ҳам, у саҳоват эмас" [1, Б.14].

"XV-XVI аср Самарқанд хужралари" номи билан О.Д.Чехович томонидан нашрга тайёрланган вақф хужжатлари тўғрисидаги китобда Хожа Аҳрор Валийнинг Темурийлар саройидаги баланд мартабаси, унинг Ўрта Осиё ва Афғонистондаги улкан бойликлари, сон-саноксиз мулклари ҳақида гувоҳлик берилган [5, Б.12]. Нақшбандия тариқатининг назарий, амалий жиҳатларини бойитиб, бу таълимотнинг машҳур бўлишига ҳисса қўшган Ҳазрат Ҳожа Убайдуллоҳ Аҳрор ўз хўжалик фаолиятдан олган даромаднинг кўпгина қисмини, шахсий маблағларини мадраса, хонақоҳ ва масжидлар қуриш, мударрис ва талабалар, хонақоҳ кўноқлари, масжид хизматчиларини моддий таъминлаш баъзан эса бир шаҳар аҳолиси бошига тушган оғир солиқларни тўлаш, муҳтожларга доимий тарзда хайр-эҳсон қилиш каби ишларга сарфқилган. Жумладан, Муҳаммад Қозининг "Силсилат ул-орифийн" асарида баён қилинишича, умрининг охирларида Тошкентга борганида қаҳатчилик ва вабо туфайли Туркистондан кўчиб келганларга ҳар куни кўй, мол сўйиб, нон ёптириб, бегараз ёрдам кўрсатганлар [8, Б.87-88]. Шунингдек, Умаршайх Мирзо Тошкент аҳолисидан 250 000 динор ҳажмида солиқ талаб қилганида Хожа Аҳрор бу маблағнинг ҳаммасини ўзи тўлаб, яна 70000 динорни ҳам солиқ йиғувчиларга топширган. Шунингдек, Хожа Аҳрор томонидан Самарқандда, Тошкентда ва Қобулда ҳам мадрасалар қурдирилганлиги ҳақида манбаларда учрайди [9, Б.11].

Ўзбек адабий тилининг асосчиси, Темурийлар даври илм-фан ҳомийси, мутафаккир, давлат арбоби Алишер Навоий ижодида меҳр ва мурувват, хайру-эҳсон, хайру саҳоват, сахийлик ғояларини ўзига сингдирган ахлоқий тарбия масалалари катта ўрин тутди. "Ҳайрат ул-аброр" асарининг бешинчи мақоласида Навоий хайру эҳсон (карам) масаласига тўхталади. Бу бобда ҳам шоир ўз фикрларини чиройли, силлиқ баён этишга ҳаракат қилади. Унинг мулоҳазаларига кўра, хайр саҳоват шундай улуғ нарсаки, уни давлатманд одамнинг бошидаги тож (афсар)га ўхшатиш мумкин. Шу тожга қадалган қимматбаҳо гавҳарни эса

карам деб тасаввур этса арзийди. Навоий фикрича, хайру саховат кўрсатишга қодир одам ҳеч маҳал бахиллик (бухл) йўлини тутмаслиги, бойлик даражасига эришганидан хурсанд бўлиб, Оллоҳ таолога шукрлар қилиб яшаши зарур. Алишер Навоий бутун умри давомида халқпарварлик ва ватанпарварлик ғояларини юксак бадиий маҳорат билан умрбоқий асарларида ифодалаш билан чекланиб қолмай, амалий фаолиятида миллат ва давлат равнақи йўлида тинимсиз фаолият олиб борган. Алишер Навоий хайрия ва ҳомийликка оид фикрларни билдириш билан бирга, уни амалга оширишга ҳам ҳаракат қилган. У бутун умрини, бутун кучини, бутун маблағини мамлакатни обод қилиш, илм ва маърифатни ривожлантириш йўлида сарфлаган. Навоий халқ фойдаси учун улкан ва маҳобатли мадрасалар, кутубхоналар, касалхоналар, ҳаммомлар, работлар, ҳовуз, кўприк ва бошқа бинолар қурдирган. Тарихчи Хондамир Алишер Навоий қурдирган иморатлар орасида 52 та работ, 19 та ҳовуз, 16 та кўприк, 8 та ҳаммом, кўплаб масжид, 12 та мадраса, 5 та мақбара, кутубхона, шифохона ва бошқа бинолар борлигини бирма-бир кўрсатиб ўтади [1,Б.23]. Айрим маълумотларга кўра Хуросонда, хусусан, Ҳирот ва унинг атрофларида Навоий ва унинг сафдошларининг ташаббуси билан 300 дан ортиқ жамоат бинолари, шунингдек, истироҳат боғлари, суғориш иншоотлари, ҳовуз, ариқ, кўприк, сув омборлари, тўғонлар қурилган. Буюк мутафаккир Алишер Навоий қурдирган бинолар, суғориш иншоотларидан халқ оммаси кенг кўламда фойдаланганлар. Алишер Навоий янги бинолар қуриш билан бирга эски биноларни таъмирлашга ҳам эътибор берди. Жумладан, у таъмир эттириб, зеб бердирган Жомеъ масжиди ҳовлисининг узунлиги 114 метр, эни 84 метр бўлиб, унинг 6 та дарвозаси бўлган. Бу Жомеъ масжиди ҳозир ҳам Ҳиротнинг энг гўзал меъморий обидаларидан бири ҳисобланади [9,Б.13]. Навоий Ҳиротда Инжил дарёсининг ёқасида Ихлосия, Қудсия, Сафоия, Шифоия ва Унсия номли маҳобатли бинолар барпо қилдирган. Унсияда ўзи яшаб мукамал кутубхонага асос солган. Ушбу кутубхонадан ўз замонасининг барча илм ва санъат арбоблари фойдаланган. Хуросон ва Астробод йўлида Работи Ишқ, Тус ва Ҳирот йўлларида Работи Сангбаст, Нишопур ёнида Диробод сингари карвонсаройлар солдирган. Ўз маблағлари ҳисобидан Тус вилоятининг юқори томонида бўлган Чашмаи Гулистон булоғидан Машҳадга сув келтириш учун ўнта тош келадиган ергача ариқ қазиш ишини амалга оширган. "Бадоеъ ул вақоеъ" ("Нодир воқеалар") асарининг муаллифи Восифий ўз асарида бир кун Алишер замонасининг, атоқли артисти, ҳажвчиси Абдулвосийннинг ижодини тақдирлаб уни ўнг минг танга пул, зийнатли эгар анжомини билан бир от, энг яхши мовутдан тикилган чакмон билан мукофотлаганини сўзлайди. Алишер Навоий ҳатто умрининг сўнгги йилларида ҳам хайрли ишларни мутассил давом эттирган. Мисол учун, 1500 йилда Ҳирот шаҳри ва унинг атрофидаги аҳолидан 100 минг кебекий [14,Б.218] солиқ тўлаш талаб этилганда ва 50 минг кебекийни Ҳирот аҳлидан ундириб олишга буйруқ берилганда Навоий ҳозирги фурсатда халққа ўринсиз солиқ солиш Султон Ҳусайн Бойқаро давлатига муносиб бўлмас, элда норозилик уйғотар, деб шунча пулни ўзи тўлаб юборган. Алишер Навоийнинг бутун ер-суви, мол-мулкидан ҳар куни 18 минг шоҳруҳий динор миқдорида даромад келишига қарамай, бу пуллар юқоридаги каби хайрли ишларга сарф этилган [3,Б.54]. Алишер Навоийнинг гамхўрлиги ва ҳомийлиги остида бу даврда Хондамир, Мирхонд, Давлатшоҳ каби етук тарихчилар, Беҳзод, Шоҳ Музаффар каби истеъдодли рассомлар, уста Муҳаммад Сабзий, уста Кавомиддин каби кучли архитекторлар, Султон Али каби машҳур ҳаттотлар, Ҳусайн Удий, Қулмуҳаммад найи каби буюк

мусиқашунослар яшаб ижод этганлар. Навоий ғамхўрлиги ва раҳбарлигида олимлар томонидан йигирмага яқин тарихий, илмий асарлар яратилган [11,Б.14-16].

#### 4. Хулосалар:

Хулоса ўрнида, шуни айтиш жоизки, халқимиз улуғ фазилятлари хайрия ва ҳомийлик фаолиятининг натижаси энг аввало, жамиятда бунёдкорлик ишларининг амалга ошганлигида, жамият аҳолисининг моддий-маънавий юксалишида кўринади. Ўзбекистон тарихининг турли даврларида жумладан, Темурийлар даврида ҳукмдор, давлат арбоблари, олим ва мутаффакирлар томонидан шахсга, халқга, ватанга бўлган эътибор ўз ижод ва ижтимоий фаолиятлари мағзида ифодаланган. Тарихий шахслар ўз замонасидаги зулм ва қашшоқлик исканжасида қолган халқни улуғлаб, умуминсоний фазилятларни тағиб этиш билан, халқни бахтиёр қилиш йўлида, бутун вужуди билан кураш олиб борганлар. Улар томонидан амалга оширилган хайрли ишлар бугунги кунда ёдга олиниб, ҳамон эъзозланиб, қадрланиб келинади. Ватанамиз тарихида ўчмас из қолдирган тарихий олимлар, тарихимиз фидойи даргаларининг хайрия ва ҳомийлик бобида олиб борган бемисл фаолиятлари замондошларимизни, биринчи галда, ёш авлодни хайрия ва ҳомийлик руҳида тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади.

#### Иқтибослар/Сноски/References

[1] Алиқулов Х. ва бошқалар. Ҳомийлик ва саҳоват - энг олий қадрият. Тошкент: И.М.Мўминов номидаги Фалсафа ва ҳуқуқ институти, 2006. - Б. 14.(Alikulov H. and others. Sponsorship and generosity are the highest value. Tashkent: Institute of Philosophy and Law named after I.M.Muminov, 2006 - P.14.)

[2] Амир Темур сабоқлари. (Иккинчи қисм) 1998 йил Тошкентда "Амир Темур илм-фан ва маданият ҳомийси" мавзусида ўтказилган Халқаро илмий конференция материаллари.- Тошкент: Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва саънат нашриёти, 1999. - Б. 132. (Lessons of Amir Temur. (Part Two) Proceedings of the International Scientific Conference "Amir Temur Sponsor of Science and Culture", Tashkent, 1998. - Tashkent: Gafur Gulom Literature and Art Publishing House, 1999. - P. 132.)

[3] Азиз Қаяумов. Алишер Навоий. Тошкент, 1976 й. - Б. 54. (Aziz Kayumov. Alisher Navoi. Tashkent, 1976 - P. 54.)

[4] Байкалон шаҳри - Аракс ва Куа дарёлари бирлашадиган мавзе яқинидаги ўрта аср шаҳри; 1221 йили мўғуллар истилоси даврида вайрон қилинган ва 1403 йил Амир Темур фармони асосида бир ойда қайта тикланган. Амир Темур сабоқлари. (Иккинчи қисм) 1998 йил Тошкентда "Амир Темур илм-фан ва маданият ҳомийси" мавзусида ўтказилган Халқаро илмий конференция материаллари.- Тошкент: Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва саънат нашриёти, 1999. - Б. 132. (Baikalon City is a medieval city near the Araks and Qua rivers; It was destroyed during the Mongol invasion in 1221 and restored in 1403 by the decree of Amir Temur in a month. Lessons of Amir Temur. (Part Two) Proceedings of the International Scientific Conference "Amir Temur Sponsor of Science and Culture", Tashkent, 1998. - Tashkent: Gafur Gulom Literature and Art Publishing House, 1999. - P. 132.)

[5] Болтабоев С.Д. Туркистондаги вақф мулклари тарихи. Ўқув-услубий қўлланма. - Наманган, 2005. - Б. 12.(Boltaboev S.D. History of foundation properties in Turkestan. Educational-methodical manual. - Namangan, 2005. - P. 12.)

[6] Каримов И.А. Халқимиз бор экан, Амир Темур номи барҳаётдир. "Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби". 5-том. Тошкент: Ўзбекистон, 1997. - Б. 167.

(Karimov I.A. While we have people, the name of Amir Temur is still alive. "New thinking and working time requirement". 5th. Tashkent: Uzbekistan, 1997. - P. 167.)

[7] Мирзо Улуғбек. Тўрт улус тарихи. Б.Ахмедовнинг таҳрири остида. Тошкент: Чўлпон, 1994. - Б. 231, 249-250. (Mirzo Ulugbek. The history of the four ulus. Edited by V.Akhmedov. Tashkent: Chulpon, 1994. - P. 231, 249-250.)

[8] Раҳматова Х.Ҳ. Хожа Аҳрор Валийнинг ижтимоий-фалсафий қарашлари. Монография. - Бухоро, 2014. - Б. 87-88. (Rakhmatova H.H. Socio-philosophical views of Khoja Ahror Wali. Monograph. - Bukhara, 2014. - P. 87-88.)

[9] Саховатли инсонлар ва саломатлик посбонлари: Метод.-библиогра.қўлл. - Тошкент: Алишер Навоий ном. Ўзбекистон Миллий к-наси нашриёти.- 2006. - Б. 13. (Good people and health guards: Manual-bibliogr. - Tashkent: Publishing House of the National Library of Uzbekistan named after Alisher Navoi. - 2006. - P. 13.)

[10] Темур тузуклари. - Тошкент: Ф.Фулом нашриёти, 1991. - Б. 67.(Temur's traps. - Tashkent: G. Gulam Publishing House, 1991. - p. 67.)

[11] Уйғун. Алишер Навоий. Ойбек мухаррирлиги остида: Тошкент: ЎзССР "Фан", 1942. - Б. 14-16.(Uygun. Alisher Navoi. Edited by Oybek. - Tashkent: Science of the Uzbek SSR, 1942. - P. 14-16.)

[12] Хайруллаев М.М. Маънавият юлдузлари. - Тошкент: А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 2001. - Б. 12. (Khairullaev MM Stars of Enlightenment. - Tashkent: A. Kadiri Publication Publishing House, 2001. - P. 12.)

[13] Холикулова Ҳ. Ўзбекистонда имконияти чекланган шахсларни ҳимоя қилиш сиёсати (1991-2014 йй).: Тарих.фан.бўйича фалсафа доктори (PhD) ... дисс. - Тошкент, 2018. - Б. 24-25.(Holiqulova H. Policy for the Protection of Persons with Disabilities in Uzbekistan (1991-2014): Doctor of Philosophy (PhD) in History ... diss. - Tashkent, 2018. - P. 24-25.)

[14] Чигатой улуси хони Кебекхон томонидан 1321 йилда пул ислоҳоти ўтказилган. Хулагийлар ва Олтин Ўрда тангаларига тақлидан икки хил: Оғирлиги 1.4. граммга тенг кумуш танга - динор ва майда кумуш танга - дирҳам зарб эттиришни йўлга қўйган. Кебекхон томонидан ягона умудавлат пуллари муомилага киритилиб, улар Кебекхон номидан (кепакий) асосан Бухоро, Самарқанд ва Ўтрор зарбхоналарида зарб қилиниб, унинг қиймати 6 та ( бир кумуш танга 6 та кумуш дирҳамга тўғри келган) кичик дирҳамга тенг эди. Қаранг Эшов Б. Ўзбекистон давлатчилиги ва бошқаруви тарихи. Тошкент, 2012. - Б. 218. (In 1321 the king of Chigatay ulus Kebek Khan carried out monetary reform. Two different types of coins of the Hulaguids and Golden Horde: Weight 1.4. grams of silver - dinar and fine silver - dirham. The only coins issued by Kebek Khan were coins in the name of Kebek Khan (kepakiy), mainly in Bukhara, Samarkand and Otrar, whose value was 6 dirams (6 silver coins per silver). See Eshov B. History of statehood and governance in Uzbekistan. Tashkent, 2012. - P. 218.)

[15] Шарафуддин Али Яздий. "Зафарнома". А.Ўринбоев таҳрирлиги остида. Тошкент: Шарқ, 1997. - Б. 194. (Sharafuddin Ali Yazdi. "Zafarnoma"(Victory). Edited by A. Urinboev. Tashkent: East, 1997. - P. 194)

# ЎТМИШГА НАЗАР ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST

**Bakhtiyorzoda Oydinhon**

O'zbekiston Respublikasi Fanlar Akademiyasi

Tarix Instituti doktoranti

email: oybakht@gmail.com

## ZAMONAVIY BOSQICHDA O'ZBEKISTON OLTIN QAZIB OLISH SANOATINI RIVOJLANTIRISH ISTIQBOLLARI

---

*For citation: Bakhtiyorzoda Oydinkhon. PROSPECTS FOR THE DEVELOPMENT OF THE GOLD MINING INDUSTRY OF UZBEKISTAN AT THE MODERN STAGE. Look to the past. 2020, vol. 1, issue 3, pp. 37-41*

---



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2020-1-4>

### ANNOTATSIYA

Maqolada so'nggi ikki yil ichida yanada rivojlanish uchun kuchli turtki olgan O'zbekiston oltin qazib olish sanoatini rivojlantirish istiqbollari muhokama qilinadi. Oltin va boshqa nodir tuproq metallarini qazib olish tajribasi va yutuqlari tahlil qilinadi.

**Kalit so'zlar:** Navoiy tog'-kon metallurgiya kombinati, Olmaliq Tog'-kon metallurgiya kombinati, oltin konlari, qimmatbaho va rangli metallarning geologiyasi, oltin va uran qazib olish.

---

**Бахтиёрзода Ойдинхон**

докторант Института Истории АН РУз

E-mail: oybakht@gmail.com

## ПЕРСПЕКТИВЫ РАЗВИТИЯ ЗОЛОТОДОБЫВАЮЩЕЙ ПРОМЫШЛЕННОСТИ УЗБЕКИСТАНА НА СОВРЕМЕННОМ ЭТАПЕ

### АННОТАЦИЯ

В статье рассматриваются перспективы развития золоторудной промышленности Узбекистана, которая получила за последние два года мощный импульс для дальнейшего развития. Анализируется опыт и достижения в сфере добычи золота и других редкоземельные металлов.

**Ключевые слова:** НГМК, АГМК, золотоносные месторождения, геология драгоценных и цветных металлов, добыча и разработка золота и урана.

**Mrs. Bakhtiyorzoda Oydinkhon**  
PhD student, Institute of the History,  
Academy of Sciences of Uzbekistan  
Email: oybakht@gmail.com

## **PROSPECTS FOR THE DEVELOPMENT OF THE GOLD MINING INDUSTRY OF UZBEKISTAN AT THE MODERN STAGE**

### **ABSTRACT**

The Article considered projects of the development of gold industry of Uzbekistan, which has received over the past two years a powerful push for further development. Analyzed the experience and achievements in the extraction of gold and other rare earth metals in Uzbekistan.

**Index Terms:** Navoi Mining Company, Almaliq Mining Company, gold deposits, geology of precious and non-ferrous metals, mining and development of gold and uranium.

### **1. Введение и актуальность темы:**

Ускоренные темпы развития республики Узбекистана в XXI веке predetermined общими тенденциями развития науки, техники, экономики, промышленности в условиях глобализации.

### **2. Методы и уровень обучения:**

В основе статьи лежат общепринятые исторические методы - исторический, сравнительно-логический анализ, последовательность, объективность.

### **3. Результаты исследований:**

Геологическая наука Узбекистана, в целом, золотодобывающая промышленность в этот период должны сыграть свою важную роль как генераторы развития целого ряда технических направлений и отраслей промышленности, что соответствует основным целям и задачам поставленным в "Стратегии действий по дальнейшему развитию республики Узбекистана на 2017-2021 гг."

Также в феврале 2017 года Президент Республики Узбекистан Ш.М.Мирзиёев выступил с предложением создать Единую Геологическую службу. По задумке она позволит обеспечить экономику Узбекистана минерально-сырьевыми ресурсами для производства конкурентоспособной промышленной продукции. Служба была создана на базе Государственного комитета Узбекистана по геологии и минеральным ресурсам. В ее состав вошли геологические подразделения "Геология драгоценных металлов и урана" Навоийского и "Геология цветных металлов" Алмалыкского горно-металлургических комбинатов.

По общим запасам золота Узбекистан стоит на четвертом месте в мире, по добыче золота занимает седьмое место, а среди государств СНГ - он стоит на втором месте.

Крупный золотодобывающий центр - Навоийский горно-металлургический комбинат. Созданное в Зарафшане совместное узбекско-американское предприятие по добыче золота "Зарафшан-Ньюмонт" вырабатывало продукцию с 1995 года. Рудник Мурунтау является самым большим среди золотодобывающих рудников не только в Узбекистане, но и в Евразии, так как объем места разработки

составляет площадь в 2х4 км и в глубину более 400 метров.

Большая роль в открытии золотоносных месторождений республике и их разработке принадлежит геологам Узбекистана. Сумма чистых золотовалютных резервов нашей страны составляет 27 млрд. долларов США.

В Узбекистане действуют два производителя золота - Навоийский и Алмалыкский горно-металлургические комбинаты. По данным Госкомгеологии, на конец 2017 года в республике было открыто 65 месторождений золота. По экспертным оценкам, размер разведанных и подтвержденных запасов золота в Узбекистане составляет более 2500 тонн.

Однако на сегодняшний день из известных участков недр нашей страны более 80% не охвачены среднесрочными и долгосрочными программами развития, что негативно сказывается на развитии горнодобывающей отрасли и пополнении минерально-сырьевой базы Узбекистана.

По итогам 2017 года Узбекистан увеличил добычу золота на 6% по сравнению с 2013 годом до 112 тонн. По данным Геослужбы США такой рост позволил Узбекистану переместиться с восьмого на седьмое место среди стран-производителей драгоценного металла. В тройку лидеров мировой добычи вошли Китай, Россия и Австралия.

В настоящее время за счет активизации геологоразведочных работ к освоению подготовлено 26 новых месторождений вместо 7 запланированных, в том числе 5-добыче золота. В 2018-2019 годах за счет увеличения запасов 25 видов полезных ископаемых и активизации геологоразведочных работ будут подготовлены к промышленному освоению 5 новых месторождений, в том числе 22 месторождения золота, 3- урана, 2 - цветных металлов.

Увеличение добычи связано с постепенным вовлечением в разработку новых месторождений, уже с 2013 года это позволило обеспечить превышение приращенных запасов золота над погашаемыми. В настоящее время правительство Узбекистана утвердило перечень двенадцати месторождений золота для их промышленного освоения с участием иностранных инвестиций. В указанный перечень включены месторождения преимущественно золото-кварцевых и золото-сульфидных руд в четырех регионах страны - Ташкентской, Самаркандской, Навоийской областях, а также автономной республике Каракалпакстан. Совокупные запасы предлагаемых месторождений (категория С2) составляют более 14,5 тонны золота.

К числу главных критериев отбора предлагаемых месторождений иностранными инвесторами относится их отсутствие в долгосрочных программах развития ГП "Навоийский ГМК" и АО "Алмалыкский ГМК" - двух производителей золота в Узбекистане. "Предлагаемые месторождения также находятся вне пределов охраняемых природных территорий, приграничных зон, зон проявлений опасных геологических процессов и развития градостроения, глубина их расположений находится в пределах экономически обоснованных границ", - указывается в тексте документа.

Указанный перечень месторождений подлежит обновлению с периодичностью до 5 лет с учетом получения новой геологической информации в ходе геологоразведочных работ за соответствующий период согласно соответствующему постановлению.

Среди новых проектов сотрудничества можно отметить совместную работу турецких и узбекистанских геологов по разведке трех месторождений на территории

Узбекистана. Соглашение об этом было подписано главами двух стран в ходе государственного визита в Узбекистан президента Турции Реджепа Тайипа Эрдогана.

Отмечается, что на площадях Хуроб в Джизакской области и Айдым-Джетымтау в Навоийской области работы будут сосредоточены на поиске и дальнейшей добыче золота. В настоящий момент запасы на указанных месторождениях не изучены. Также турецкие геологи помогут коллегам освоить Сарытауское рудное поле (Навоийская область). Здесь, согласно прогнозным показателям узбекской стороны, расположены залежи вольфрама - 740 тыся тонн, молибдена - 24 тысячи тонн и золота - 75,2 тонны. Проведение работ рассчитано на три года, за это время Турция инвестирует в проект \$ 5 млн.

Согласно данным Центрального банка, валовые золотовалютные резервы Узбекистана на 1 апреля 2018 года составляют 28,4 млрд долларов США, из них 14,5 млрд. активны в иностранной валюте и 13,9 млрд. монетарное золото.

В 2017 году заработал новый завод по добыче золота в Навоийской области Узбекистана стоимостью 396 миллионов долларов. Таким образом, был дан старт освоению Ауминза-Амантайских золоторудных месторождений. Согласно проекту, новое предприятие будет перерабатывать 5 миллионов тонн руды в год, работы будут осуществлять специалисты Навоийского горно-металлургического комбината (НГМК).

НГМК является основным производителем золота и монопольным производителем урана в Узбекистане. Производство золота на НГМК в последние годы составляло более 60 тонн при общей добыче этого металла в республике порядка 90 тонн. Производственный комплекс НГМК объединяет четыре металлургических завода в Навои (ГМЗ-1), Зарафшане (ГМЗ-2), Учкудуке (ГМЗ-3) и Зармитане (ГМЗ-4).

На узбекском государственном предприятии "Навоийский горно-металлургический комбинат" впервые был применен новый способ извлечения золота из упорных сульфидных золотомышьяковых руд. Данный способ используется в биогидрометаллургии золота, а именно при извлечении золота из упорных сульфидных золотомышьяковых руд. Его задачей является повышение извлечения золота из упорных сульфидных золотомышьяковых руд, содержащих углистые вещества. Новая технология включает дробление, измельчение, флотационное обогащение исходного сырья, бактериальное выщелачивание флотоконцентрата при рН 1,5-1,8, противоточную декантационную промывку пульпы продукта бактериального выщелачивания водой.

Также на НГМК в 2017-2026 годах намечена реализация 27 проектов. Их общая стоимость - 3,063 млрд. долларов. Благодаря их реализации производственная мощность комбината возрастет на 30%. Будут дополнительно созданы около 31 тысячи рабочих мест.

#### **4. Выводы:**

Особо необходимо отметить реализацию в ближайшее время нескольких крупных проектов с Российской Федерацией, которые могут явиться началом для будущих работ в сфере добычи и разработки золота. Это сталелитейный завод в Каракалпакстане (Тебинбулакское месторождение), меднообогатительный комплекс в Ташкентской области (совместно с АО "Алмалыкский ГМК") и металлургический завод в Ташкенте.

Как следует отметить из всего вышесказанного золоторудная промышленность



Узбекистана в последние два года получила мощный импульс дальнейшего перспективного развития.

### Иқтибослар/Сноски/References

---

[1] Указ Президента Республики Узбекистан Ш.М.Мирзиёева "О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан" от 7 февраля 2017 г. // [lex.uz/pages/getpage](http://lex.uz/pages/getpage) (Decree of the President of the Republic of Uzbekistan Sh.M. Mirziyoyev "On an action strategy for the further development of the Republic of Uzbekistan" dated February 7, 2017 // [lex.uz/pages/getpage](http://lex.uz/pages/getpage))

[2] Постановление Президента Республики Узбекистан № ПП3004 "О создании в системе Госкомгеологии единой геологической службы" от 24.05.2017// [www.norma.uz](http://www.norma.uz) (Decree of the President of the Republic of Uzbekistan No. PP3004 "On the creation of a unified geological service in the system of the State Committee on Geology" of 05.24.2017 // [www.norma.uz](http://www.norma.uz))

[3] Экономика Узбекистана // [www.sport.uz./2018/02/03/gold](http://www.sport.uz./2018/02/03/gold) (The economy of Uzbekistan // [www.sport.uz./2018/02/03/gold4](http://www.sport.uz./2018/02/03/gold4). According to the gold reserves of Uzbekistan ... <http://m.ok.ru/zarafshan.live/topic>)

[4] По запасам золота Узбекистана/ <http://m.ok.ru/zarafshan.live/topic> (According to the gold reserves of Uzbekistan ... <http://m.ok.ru/zarafshan.live/topic>)

[5] [www.uzgeolcom.uz](http://www.uzgeolcom.uz).

[6] United States Geological Survey Report. -N.-Y., 2018. - P.91.

[7] Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан январь 2018 // [www.lex.uz](http://www.lex.uz) ( Resolution of the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan January 2018 // [www.lex.uz](http://www.lex.uz))

[8] Народное слово. 2018. 2 мая. (Popular word. 2018.2 May.)

[9] там же. (ibid)

[10] [www.sputnik-news.2017](http://www.sputnik-news.2017). июнь([www.sputnik-news.2017](http://www.sputnik-news.2017). June)

[11] Пресс-службы Агенства по интеллектуальной собственности Узбекистана. - 2017, январь (Press services of the Intellectual Property Agency of Uzbekistan. - 2017, January)

[12] Шавкат Мирзиёев дал старт строительству нового завода// [www.gazeta.uz/2017.29](http://www.gazeta.uz/2017.29) марта. Новые инвестиции и развитие узбекистанско-российского сотрудничества//[www/m.ru/sputnik.news/9/10/2018](http://www/m.ru/sputnik.news/9/10/2018) (Shavkat Mirziyoyev launched the construction of a new plant // [www.gazeta.Uz/2017.29](http://www.gazeta.Uz/2017.29) March. New investments and the development of Uzbek-Russian cooperation // [www / m.ru / sputnik.news/9/10/2018](http://www/m.ru/sputnik.news/9/10/2018))


# ЎТМИШГА НАЗАР ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST

**Комилов Ойбек**

Тарих фанлари доктори, профессор в.б.,  
Бобур номидаги Андижон давлат университети,  
Андижон, Ўзбекистон (oybek.komilov@bk.ru)

## ФАРҒОНА ВОДИЙСИДА СУҒОРИШ ИШЛАРИНИНГ ПАХТАЧИЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА ЙЎНАЛТИРИЛГАНЛИГИ ВА УНИНГ ОҚИБАТЛАРИ (XX АСРНИНГ 50-70-ЙИЛЛАРИ МИСОЛИДА)

*For citation: Komilov Oybek. DIRECTION OF IRRIGATION WORKS IN THE DEVELOPMENT OF COTTON GROWING IN THE FERGHANA VALLEY AND ITS RESULTS (AS AN EXAMPLE 50-70-S OF THE XX CENTURY). Look to the past. 2020, vol. 1, issue 3, pp. 42-48*

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2020-1-5>

### АННОТАЦИЯ

Мақолада 1950-1970 йиллари пахта яккаҳоқимлиги шароитида Фарғона водийсидаги ирригация-мелиорация ишлари ҳолати атрофлича ўрганилган. Бундан ташқари, совет ҳукумати томонидан суғориш тизимини тараққий эттириш бўйича олиб борилган чора-тадбирлар ва унинг оқибатлари бирламчи манбаларга асосан таҳлил қилинган.

**Калит сўзлар:** Фарғона водийси, ирригация-мелиорация, пахта яккаҳоқимлиги, совет ҳукумати, суғориш тизими, колхоз, совхоз, дренаж, коллектор, кўриқ ерлар.

**Комилов Ойбек**

Доктор исторических наук, и.о. профессор,  
Андижанский государственный университет имени  
Бабура, Андижан, Узбекистан (oybek.komilov@bk.ru)

## НАПРАВЛЕНИЕ ИРРИГАЦИОННЫХ РАБОТ В РАЗВИТИЕ ХЛОПКОВОДСТВА В ФЕРГАНСКОЙ ДОЛИНЕ И ЕГО ПОСЛЕДСТВИЯ (НА ПРИМЕРЕ 50-70-Х ГОДАХ XX ВЕКА)

**АННОТАЦИЯ**

В статье подробно освещена проблема состояния ирригации и мелиорации Ферганской долины в условиях хлопковой монокультуры в 1950-1970 годах. Кроме того, на основе первоисточников проанализированы мероприятия Советского правительства направленные на развитие оросительной системы и их последствия.

**Ключевые слова:** Ферганская долина, ирригация-мелиорация, хлопковая монокультура, советское правительства, ирригационная система, колхоз, совхоз, дренаж, коллектор, целинные земли.

**Komilov Oybek**

Doctor of Sciences in History, Professor,  
Andizhan State University named after Babur,  
Andizhan, Uzbekistan (oybek.komilov@bk.ru)

**DIRECTION OF IRRIGATION WORKS IN THE DEVELOPMENT OF COTTON GROWING IN THE FERGHANA VALLEY AND ITS RESULTS (AS AN EXAMPLE 50-70-S OF THE XX CENTURY)****ABSTRACT**

In the article the state of irrigation-land-reclamation of Ferghana valley in the condition of cotton monopoly in 1950-1970 is closely observed. Besides, the measures on improvement of irrigation system by Soviet government and their results are analyzed in the article on the grounds of primary sources.

**Index Terms:** Ferghana valley, irrigation-land-reclamation, cotton monopoly, Soviet government, irrigation system, collective farm, state farm, drainage, collector, virgin lands.

**1. Долзарблиги:**

**М**аълумки, совет ҳукмронлиги йиллари Ўзбекистон, қолаверса Фарғона водийси қишлоқ хўжалигида пахта яккаҳокимлиги сиёсати ўрнатилиб, суғориш ишлари ҳам унга тамомила бўйсундирилди. Пахта яккаҳокимлигини амалга оширилиши маҳаллий аҳолини дон, гўшт ва сут бўйича, яъни энг зарур озиқ-овқат таъминоти бўйича марказга қарамлигини кучайтирди. Айнан XX асрнинг 50-70-йиллари Фарғона водийсида мустамлакачилик тартиби ўрнатилди. Жумладан, совет ҳукумати айниқса пахта етиштириш учун қулай табиий шароит, иқлим ва имкониятга эга бўлган Фарғона водийсида пахтачиликни янада жадаллаштиришга алоҳида ургу берди. Хусусан, собиқ СССР Министрлар Советининг 1952 йил 2 сентябрдаги "Пахтачиликни келгусида ривожлантириш учун Ўзбекистон ССРнинг Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятларидаги ерларни суғориш ва ўзлаштириш тўғрисида"ги қарор [9,Б.14]нинг қабул қилиниши фикримизни яққол далилидир. Қарорда, яқин 4-5 йил ичида, яъни 1953 йилдан бошлаб, Марказий Фарғонадаги 65 минг га қўриқ ерларни (шу билан бирга ирригация тармоғида мавжуд бўлган 15 минг га қаровсиз қолдирилган ерларни) ўзлаштириш масаласи кўриб чиқилди. Бироқ, маълумотлардан маълум бўлишича, мазкур тарихий қарорнинг қабул қилиниши ўз навбатида водийда совет ҳукуматининг пахта яккаҳокимлиги сиёсатининг янада авж олганлигидан далолат беради.

Совет ҳукуматининг раҳбар органлари томонидан қишлоқ хўжалиги, айниқса

пахтачиликни тез фурсатда тараққий эттиришга доир бир қанча кўрсатмалар ва вазифалар ишлаб чиқилди. КПСС МҚнинг 1953 йилдаги сентябрь Пленумида пахта етиштиришни қисқа муддатда кўпайтириш масаласига алоҳида ургу берилди. Шу билан бирга, мазкур Пленумда қуйидаги вазифалар белгилаб олинди: "колхоз ва совхозларда пахта ҳосилдорлигини анча ошириш ва фойдаланилмасдан ётган ерларни ишга солиб, янги суғориладиган ерларни ўзлаштириб, шу тариқа экин майдонини кенгайтириш, шунингдек, ерларнинг мелиорация ҳолатини яхшилаш йўли билан пахта етиштиришни янада кўпайтириш лозим" [7,Б.436]. Таъкидлаш жоизки, советларнинг бу тadbирдан кўзлаган асосий мақсади марказни пахта хом ашёси билан янада кўпроқ таъминлашдан иборат бўлган. Янги ерларнинг ўзлаштирилиши натижасида пахтачилик соҳаси жадаллашди, бироқ аҳолининг саломатлиги масаласида бир қатор жиддий муаммоларни келтириб чиқарди.

1953-1955 йилларда Наманган вилоятининг колхозларидаги ўзлаштирувчилар сони 48 нафарни ташкил этиб, янги ўзлаштириладиган ерлар асосан Дамқўл, Оққум, Момохон, Аччиқ кўл, Қорақалпоқ, Мингбулоқ, Найман ва Бўз массивларида жойлашган [8,Б. 3]. Ўзлаштирилган ерларда бир гектар ердан 8-10 центнергача пахта ҳосили олинди. Задарё (Мингбулоқ) туманининг "Гигант" колхозида қайтадан ўзлаштирилган ерларнинг биринчи йилидаёқ га дан 18 - 20 ц. гача пахта ҳосили олинди [10,Б. 3]. 1953 йилда Марказий Фарғонанинг кўчма колхозлари пахтадан яхши ҳосил олишга эришди. Жумладан, Бўз тумани Киров номли колхози гектаридан 25,3 ц.гача, Холдеворбек тумани (ҳозирги Шаҳрихон туманига қарашли) даги "Ленинчи" колхози гектаридан 26,4 ц.гача, Задарё (Мингбулоқ) туманидаги "Гигант" колхози эса гектаридан 30,3 ц.гача пахта ҳосили олди [11,Б.52]. Ҳосилдорликнинг ортишига эса марказнинг пахта яккаҳокимлиги деб номланган сиёсати таъсир ўтказди. Унинг авж олиши бошқа экин майдонларини тўлалигича қисқаришига олиб келди. Натижада аҳолининг бошқа зарурий дон маҳсулотлари билан боғлиқ эҳтиёжлари қондирилмади.

Айнан шу йилда Бўз туман хўжаликлари шартнома бўйича давлатга 10900 т. пахта топшириши керак бўлиб, амалда эса ҳар га да 16 ц.дан пахта етиштирилиб, 8689 т. пахта топширилди ҳамда режа 80 %га бажарилган. Туманнинг пахта тайёрлаш давлат режасини бажаришда "XVII партия съезди" колхози 863 га пахта майдонининг ҳар га. дан 21,5 ц. дан ҳосил олиш ўрнига 15,4 ц. дан ҳосил олган. Пахта тайёрлаш давлат режаси 71,6 % бажарган. Тумандаги 13 та колхоздан 5 та колхоз 15 ц. гача, 7 колхоз 15 ц.дан 20 ц. гача ва фақат битта колхоз 25 ц. дан 30 ц.гача пахта ҳосили етиштирган [14,Б.7]. Келтириб ўтилган рақамлардан ҳам кўриниб турибдики, туман қишлоқ хўжалигида пахтачилик соҳаси ҳукмронлик қилган ва совет ҳокимиятининг бу соҳадаги буйруқбозлик режаси ҳам аста-секин кучайиб борган.

## **2. Методлар ва ўрганилганлик даражаси:**

Мақолада қиёсий-таҳлил, тарихийлик методларидан фойдаланилиб, мавзуга доир материаллар хронологик тарзда таҳлил этилди. Хусусан, Иттифоқ Министрлар Совети ва КПСС МҚнинг 1954 йил 9 февралдаги "1954-1958 йилларда ЎзССРда пахтачиликни янада ривожлантириш тўғрисида"ги қабул қилган қароридан суғориладиган майдонларни (600 минг га, шу жумладан, пахтани 300 минг га) кенгайтириш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини сезиларли даражада яхшилаш, колхозлар ва совхозларда сувдан фойдаланишни йўлга қўйиш кўриб чиқилди [6: 96]. Мазкур қарор Фарғона водийсида пахта яккаҳокимлигини янги босқичини бошлаб берди. Жумладан, Андижон вилоятининг 6-беш йилликдаги (1956-1960) пахтачиликни ривожлантириш бўйича топшириқларда колхозларнинг истиқболли

режасида суғориладиган ерлардаги экин майдонларини 235,9 минг га га етказишга эришиш (ундан 158,6 минг га пахта экиладиган майдон) ҳамда ялпи пахта етиштиришни 482,1 минг т.га етказиш, шу билан бирга, вилоят бўйича бутун ҳосилдорликни гектаридан 30,4 гектарга орттириш кўриб чиқилди. Ана шу топшириқни амалга ошириш учун эса 6-беш йилликнинг қолган 4 йили давомида пахта экиладиган майдонларни 7,7 минг га га кенгайтириш ва пахта ялпи хом ашёсини 84,1 минг т.га етказиш мажбурияти ҳам юклатилди [1,Б.32]. Бу қатъий мажбуриятлар жойлардаги совет органлари томонидан йилдан йилга кучайтириб борилди.

1957 йилда Фарғона вилояти Тошлоқ туманининг колхозчилари ва механизаторлари квадрат-уялаб экиш ҳамда ғўзани икки томонлама парвариш қилиш усулларини барча пахта майдонларига жорий қилди. Жумладан, туман колхозлари 12 минг га дан иборат бўлган пахта умумий майдонининг 9 минг га да ғўзаларни икки томонлама парвариш қилди ва вилоятда пахта тайёрлаш давлат режасини биринчи бўлиб бажарди [2,Б.87]. Туман бўйича ўртача ҳосилдорлик 1956 йилдаги 27 ц. ўрнига 28,3 ц. ни ташкил қилди. Марказий Фарғона ерларида шу йилда ташкил қилинган "Гулистон" колхозига бириктирилган ерларнинг қишлоқ хўжалиги учун мутлақо яроқсиз бўлганлиги ҳамда кўплаб ишчи кучи, моддий-техника ва пул маблағлари сарфланишига қарамасдан бу ерда пахтадан ўртача миқдорда ҳам ҳосил олиб бўлмаган. Жумладан, пахта ҳосили 1958 йилда 11,70 ц. ни, 1959 йилда 11,91 ц. ни, 1960 йилда 8,46 ц.ни ва 1961 йилда 9,14 ц.ни ташкил қилиб, бирор йил ҳам пахта тайёрлаш режаси бажарилмади [3,Б.6]. Шунинг учун ҳам колхознинг молиявий аҳволи 1962 йил 1 январи ҳолатига кўра, картотекада капитал бўйича 48000 рубль қарзни ташкил қилди.

1958 йил 13 январда ЎзССР Министрлар Совети "Фарғона ва Андижон вилоятларида ҳамда республика бўйича ирригацион-мелиоратив ишларнинг бориши тўғрисида"ги қарорни қабул қилди [4,Б.62]. Унда ЎзССР Министрлар Советининг қайд қилишича, 1958 йилда суғориш тизимини вегетация (ўсиш) суғоришига тайёрлаш бўйича ишлар ҳолати, ювиш ва захира суғориши бўйича тадбирлар тўла ҳолда уддаланмаган. Шу туфайли республика бўйича 1958 йилнинг 5 январидаги ҳолатга кўра, суғориш тармоғини тозалаш ишлари 58,5 % га бажарилди. Шу билан бирга режадан 68,2 % механизмлар билан ва 44,3 % эса қўл кучи ёрдамида амалга оширилди. Айниқса суғориш тармоғини қўл кучи ёрдамида тозалаш Наманганда 2,4 % га, Андижонда 3,3% га ва Фарғонада 7,1% га адо этилди. Мазкур ишлар бажарилмай қолишига асосий сабаб, совет ҳукумати суғориш тизимини етарлича техника ва асбоб-ускуналар билан таъминлай олмаганлигидир.

### **3. Тадқиқот натижалари:**

Фарғона водийси ҳудудида 1959 йил ташкил этилган "Коммунизм" колхозини пахта ва бошқа қишлоқ хўжалиги экинларидан юқори ҳосил олишга эришди. Жумладан, 1961 йилда мазкур колхоз 670 га майдоннинг бир га дан 25 ц. дан ҳосил олди. Шу билан бир қаторда айнан 1959 йилда ташкил этилган Охунбобоев ишлаб-чиқариш бошқармасининг Карл Маркс номли колхозини ҳам 720 га майдонга пахта экиб, 1962 йилда га дан 27,4 ц. дан ҳосил олишга эришди [12,Б.2]. 1959 - 1961 йилларда Тўрақўрғон туманининг "Гулбоғ" совхозидеги янги ерларни тайёрлаш режасини 1-қурилиш монтаж бошқармасини томонидан 2675 га ни ташкил қилиб, у амалда 2407 га га бажарилди ёки 89%. Мазкур йилларда "Гулбоғ" совхозини машина-мелиоратив отряди режа бўйича 597 га ни тайёрлаши керак бўлиб, амалда

эса у 372 га тайёрланди ёки 62,3 % га бажарилди [5,Б.77]. Бироқ, туман колхозларининг 1959-1961 йиллар мобайнида пахтадан ҳосил олиши йил сайин қисқариб борди. 1959 йилда ҳосилдорлик га 30 ц. ни, 1960 йилда 28,1 ц. ни, 1961 йилда 25,2 ц. ни ташкил қилди.

1963 йил 10 майдаги ҳолатга кўра, Марказий Фарғонада 9706 га янги ерлар комплекс тайёрланди, 7196 га ювилди, жами 1991 га уруғ сепилди. Унинг 463 га пахта, 1117 га макка ва жўхори ҳамда 411 га бошқа қишлоқ хўжалиги экинлари экилди. Мазкур янги ерлардаги колхоз ва совхозларда 857 киши ва 75 та трактор ишлади [13,Б.31]. Марказий Фарғона кўриқ ерларини ўзлаштириш ишларида айниқса колхоз кўчма бригадаларининг ўрни ҳам катта бўлди. "Мазкур колхозларнинг кўчма бригадалари 1964 йилдан 1971 йилга қадар бир неча бўлакка бўлинган участкаларда 1200 га га яқин янги ерни ўзлаштирди. Масалан, ўзлаштирилганидан кейинги биринчи йил - 1964 йилда ҳар га ердан 20 ц. дан, 1965 йилда - 26,3 ц. ва 1972 йилда 47 ц. дан ҳосил олинди" [15,Б.37]. Келтирилган мисоллардан ҳам кўриниб турибдики, водий худудида пахтадан ҳосил олиш сезиларли даражада ўсиб борган. Етиштирилган пахтанинг аксарият қисми марказга ташиб кетилган. Ачинарлиси шуки, у маҳаллий аҳоли эҳтиёжини эмас балки собиқ Иттифоқ хирмонини бойитишга хизмат қилди.

Пахта яккаҳокимлиги сиёсати негизида Марказий Фарғона ерларини ўзлаштириш ишлари кейинги йилларда ҳам кучайиб борди. Хусусан, 1973 йил 15 ноябрда ЎзССР Министрлар Советининг "Ўзбекистон КП МК ва ЎзССР Министрлар Советининг Марказий Фарғона худудида ерларни қишлоқ хўжалик жиҳатидан ўзлаштириш, суғориш, янги хўжаликларни ташкил қилиш ва комплекс қурилиш масалалари бўйича қарори бажарилишининг бориши тўғрисида" мажлиси бўлиб ўтди. Мазкур мажлис баённомасида Ўзбекистон КП МК ва ЎзССР Министрлар Советининг 1971 йил 1 ноябрдаги "Марказий Фарғона ерларини суғориш ва қишлоқ хўжалик жиҳатдан ўзлаштиришни жадаллаштириш чоратадбирлари тўғрисида"ги қарорига асосан ишлаб-чиқариш объектлари, тураржой ва маданий-маиший объектлар қуриш ишларининг бажарилиши ҳамда 1972-1973 йилларга режалаштирилган далаларнинг ўрмон ихотасини барпо қилиш топшириғининг бажарилиши таҳлил қилинди. Шу билан бирга, 1972 йилда ЎзССР Қишлоқ хўжалиги вазирлиги "Узгипрозем" институтининг кучи билан Совхозлар вазирлиги ҳамда Мелиорация ва сув хўжалиги вазирлиги билан ҳамкорликда Марказий Фарғона худудини ташкил қилишнинг бош схемаси таҳрир қилинди.

Фарғона водийсидаги "Ферганаводстрой", "Андижанводстрой" ва "Наманганводстрой" трестлари ҳамда вилоятларнинг суғориш бошқармалари 19 йил (1953-1972 йй.) мобайнида 1634039 м<sup>3</sup> ҳажмда ер қазиш, бетон ва темир-бетон ишларини амалга оширди, шундан 650526 м<sup>3</sup> Фарғона, 833821 м<sup>3</sup> Андижон, 149692 м<sup>3</sup> Наманган вилоятига тўғри келди. 1977 йилда "Наманганводстрой" трестининг совети томонидан янги ерларни ўзлаштириш бўйича белгиланган топшириқни бажариш бўйича жорий йил биринчи чорагида 460 га янги ерларни киритиш вазифаси қўйилди. Жумладан, шу йил 8 февраль ҳолатига кўра М-1 каналининг иккинчи навбати бўйича 40 га янги суғориладиган ерлар ўзлаштирилди, 4,9 км труба ётқизилди. Қурилиш-монтаж ишлари февраль ойининг биринчи ўн кунлигида 57 минг рубль ўрнига 16 минг рубль, ёки 28 % га бажарилди. Айниқса, февраль ойида топширилиши режалаштирилган Задарё (Мингбулоқ) тумани 184 га майдонли "Комсомол" жамоа хўжалигидаги суғориладиган ерлар бўйича ишлар тўла бажарилмади. Бундай ҳолатларнинг етилишига марказдан

турли мазмундаги топшириқларнинг тез-тез келиб туриши, уларни бажариш ўта мажбурийлиги, ҳали бир топшириқ уддаланилмасидан яна бошқасининг юклатилиши сабаб бўлди.

#### 4. Хулосалар:

Хулоса сифатида алоҳида қайд этиб ўтиш жоизки, XX асрнинг 50-70-йиллари водий қишлоқ хўжалигида советларнинг пахта яккаҳокимлиги сиёсати ҳукмронлик қилди, бу ердаги суғориш ишлари тўлалигича мазкур сиёсатга бўйсундирилди. Ана шу мақсад йўлида кўплаб қўриқ ерлар ўзлаштирилиб, уларнинг ўрнида пахта майдонлари ташкил этилди. Совет ҳукумати ушбу амалиёти асосида пахтадан кўпроқ ҳосил олишга ва пахта экин майдонларини янада кенгайтиришга муҳим эътибор қаратди. Бунинг натижасида водий вилоятларида пахта яккаҳокимлиги янада кучайиб борди ва деҳқонлар ҳаёти тобора оғирлаша борди.

#### Иқтибослар/Сноски/References

- [1] Андижон вилоят давлат архиви (АВДА), 608 - жамғарма, 1 - рўйхат, 844-йифма жилд (Andizhan Regional State Archive (ARSA), Fund - 608, List -1, Folding volume - 844).
- [2] АВДА, 619 - жамғарма, 1 - рўйхат, 113 - йифма жилд (ARSA, Fund - 619, List-1, Folding volume - 113).
- [3] АВДА, 608 - жамғарма, 1 - рўйхат, 1617 - йифма жилд (ARSA, Fund - 608, List - 1, Folding volume - 1617).
- [4] АВДА, 612 - жамғарма, 1 - рўйхат, 6 - йифма жилд (ARSA, Fund - 612, List - 1, Folding volume - 6).
- [5] АВДА, 619 - жамғарма, 1 - рўйхат, 101 - йифма жилд (ARSA, Fund - 619, List-1, Folding volume - 101).
- [6] Игамбердыев Р.С., Раззаков А.А. История мелиорации в Узбекистане (на материалах Голодной степи). - Ташкент: Фан, 1978 (Igamberdiev R.S., Razzakov A.A. The history of the land reclamation in Uzbekistan (by the materials of Mirzachul).- Tashkent: Fan, 1978).
- [7] КПСС съездлари, конференция ва МК пленумларининг резолюция ва қарорлари. VI том.-Тошкент: Ўзбекистон, 1985 (Decisions and resolution of the KPSS congresses, conferences, and the plenums of the Central Committee. Volume VI.- Tashkent: Uzbekistan, 1985).
- [8] Наманган вилоят давлат архиви, 275-жамғарма, 1-рўйхат, 1341-йифма жилд (Namangan Regional State Archive, Fund-275, List-1, Folding volume-1341).
- [9] Фарғона вилоят давлат архиви (ФВДА), 1151-жамғарма, 1-рўйхат, 3-йифма жилд (Ferghana Regional State Archive (FRSA), Fund-1151, List-1, Folding volume-3).
- [10] ФВДА, 1151 - жамғарма, 1 - рўйхат, 14 - йифма жилд (FRSA, Fund-1151, List-1, Folding volume - 14).
- [11] ФВДА, 1151 - жамғарма, 1-рўйхат, 12-йифма жилд (FRSA, Fund-1151, List-1, Folding volume - 12).
- [12] ФВДА, 1151-жамғарма, 1-рўйхат, 78-йифма жилд (FRSA, Fund-1151, List-1, Folding volume - 78).
- [13] ФВДА, 1151-жамғарма, 1-рўйхат, 87-йифма жилд (FRSA, Fund-1151, List-1, Folding volume - 87).
- [14] Ўзбекистон Республикаси Президенти администрацияси архиви Андижон

вилоят бўлими, 155-жамғарма, 1-рўйхат, 108-йиғма жилд (Andizhan Regional Branch of the Presidency Administration archive of the Republic of Uzbekistan, Fund-155, List-1, Folding volume-108)

[15] Гофуров А. Ирригация ва мелиорацияни ривожлантиришнинг иқтисодий проблемалари. - Тошкент: Ўзбекистон, 1974 (Gofurov A. Economical issues of the irrigation and land reclamation.-Tashkent: Uzbekistan, 1974).




# ЎТМИШГА НАЗАР ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST

Маткаримов Хамиджон

Урганч давлат университети Тарих кафедраси ўқитувчиси

## ХОРАЗМ ВОҲАСИДА ҚАДИМГИ ДАВРГА ОИД АРХЕОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАРНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

*For citation: Matkarimov Hamidjon. MAIN DIRECTIONS OF ARCHAEOLOGICAL STUDIES OF ANCIENT PERIOD IN THE KHOREZM OASIS. Look to the past. 2020, vol. 1, issue 3, pp. 49-58*

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2020-1-6>

### АННОТАЦИЯ

Мазкур илмий мақолада Хоразм воҳасида ўтган асрнинг 50-30 йилларида олиб борилган археологик тадқиқотлар очиб берилган. Хоразм воҳасининг қадимги қалъалари, уларнинг меъмерий қиёфаси ва муҳофаа иншоотлари ҳақида маълумотлар таҳлил этилади. Шунингдек, бу борада изланишлар олиб борган бир қанча археолог олимлар қарашларига таянган ҳолда илмий хулосалар чиқарилган.

**Калит сўзлар:** Хоразм, археологик тадқиқотлар, Тупроққалъа, Қизилқалъа, неолит даври, Сувёрган маданияти, Қуйи Амударё.

Маткаримов Хамиджон

преподаватель исторического факультета  
Ургенчского государственного университета

## ОСНОВНЫЕ НАПРАВЛЕНИЯ АРХЕОЛОГИЧЕСКИХ ИССЛЕДОВАНИЙ ДРЕВНЕГО ПЕРИОДА В ХОРЕЗМСКОМ ОАЗИСЕ

### АННОТАЦИЯ

В данной научной статье рассматриваются археологические исследования в Хорезмской оазиси в 50-30-е годы прошлого века. Анализируются сведения о древних крепостях Хорезмского оазиса, их архитектурном облике и оборонительных сооружениях. Также, на основе мнений нескольких ученых-археологов, сделаны научные выводы.

**Ключевые слова:** Хорезм, археологические раскопки, Тупруккала, Кызылкала, неолит, Сурярганская культура, Нижняя Амударья.

**Matkarimov Hamidjon**

Lecturer, Department of History, Urgench State University

## MAIN DIRECTIONS OF ARCHAEOLOGICAL STUDIES OF ANCIENT PERIOD IN THE KHOREZM OASIS

### ABSTRACT

This scientific article discusses archaeological research in the Khorezm oasis in the 50-30s of the last century. The information about the ancient fortresses of the Khorezm oasis, their architectural appearance and defenses is analyzed. Also, based on the opinions of several archaeological scientists, scientific conclusions have been drawn.

**Index Terms:** Khorezm, archaeological site, Tuprukkala, Kyzylkala, Neolithic, Suryargan culture, Lower Amudarya.

### 1. Долзарблиги:

Қадимги Хоразм тарихи ва маданиятига оид айрим маълумотлар "Авесто", юнон-рим тарихчилари ва ўрта асрлар муаллифларнинг (Мақдисий, Беруний, Казвиний ва бошқ.) асарларида ҳамда Хива хонлигида бўлган сайёҳатчилар, элчилик ва дипломатик миссиялар аъзоларининг ҳисоботларида ёритилган.

Ёзма манбалар асосида XIX асрнинг 70-йилларидан бошлаб, Фарбий Европада нашр қилинган асарларда Хоразм тарихига доир баъзи бир масалалар (тарихий география ва Хоразм атамасининг этимологияси, қадимги Хоразм тили ва дини ҳақида қисқа маълумотлар) ўз аксини топган [1].

XVIII аср - XIX асрнинг биринчи ярми мобайнида Россия ва Хива хонлиги ўртасида иқтисодий алоқаларнинг кенгайиб бориши натижасида, ўзаро элчилик миссиялар билан алмашиб туриш кенг йўлга қўйилган [2]. XIX асрда Хоразмга юборилган Россия элчилари ҳамда Хивага сайёҳат қилган венгер шарқшуноси А. Вамбери томонидан йиғилган маълумотлар Хива хонлигини ўрганишда муҳим манба бўлиб хизмат қилди [3]. 1873-йилда Россия армияси Хивани босиб олишга тайёргарлик кўриги пайтида, Хоразм воҳасининг географик, этнографик ва тарихий-маданий жиҳатдан ўрганиш мақсадида режа ишлаб чиқилди [4].

### 2. Методлар ва ўрганилганлик даражаси:

Илмий мақолада манбалар ва масала тарихшунослигини очиб бериш, таққослаш, илмий қарашлар ва ёндашувларнинг қиёсий таҳлили, тарихий маълумотларни умумлаштириш ва ҳолислик тамойиллари усулларида фойдаланилган.

Ўрта Осиёда ибтидоий жамоа тузуми ва илк давлатчилик тарихи манбалари, уруғ жамоаси тузуми тарихининг ўрганилиши натижалари ва илк давлатчилик тарихшунослиги масалалари алоҳида даврларга ажратилган ҳолда бир қанча археолог олимлар ишларига асосланган ҳолда очиб берилган.

### 3. Тадқиқот натижалари:

Россия империяси Хива хонлигида ўз ҳукмронлигини ўрнатилгандан кейин рус мутахассислари (ҳарбийлар, топографлар, географлар, рассомлар) асарларида Хива хонлиги сарҳадини геологик ва геоморфологик тузилиши, ҳудуддаги фойдали қазилмалар, транзит савдо йўллари ҳамда шу йўллар бўйлаб жойлашган шаҳар ҳаробалари ва қалъалари ҳақида маълумотлар ўрин олди. Улар топографик хариталарда қайд қилинди ҳамда алоҳида археологик ва меъморий обидаларнинг расмлари тасвирланди.

Шу боис Норинжонқалъа, Тупроққалъа ва Қизилқалъа тўғрисида маълумотлар[5], Чилпиқ топографик тузилиши, Султон Увайс Говурқалъасининг мудофаа тизимига илк бор таъриф берилган [6]. Шунингдек нашрларда Аёзқалъа, Думанқалъа ва Катта Гулдурсун ёдгорликлари мудофаа тизими тарихига оид маълумотлар ўз аксини топган [7]. Султон Увайс тоғидаги табиий бойликларни текшириш жараёнида Жампиққалъа тўғрисидаги маълумотлар қайд этилган [8] ва алоҳида мақолада Чилпиқ мудофаа девори ҳақида тарихий далиллар ўрин олди [9].

XX аср бошлари ишларида Катта Гулдурсун ва Қизилқалъа ёдгорликлари ҳамда Оқчадарё ҳавзасидаги Эресқалъа, Аёзқалъа ва Қизилқалъанинг мудофаа тизими тасвирланган [10].

Қадимги Хоразм маданияти тарихига оид А.Л.Кун, Н.И.Веселовский ва К.А.Иностранцевнинг асарларини қайд этиб ўтиш лозим [11] .

XX асрнинг бошларигача Хоразм воҳасида тарихий обидалар ўрганилишининг айрим натижалари С. П. Толстов ва М. Е. Массоннинг монографияларида қисқача тавсифланган [12].

Қуйи Амударё ҳудудларида археологик ёдгорликлар ўрганилиши илк босқичлари тарихининг баъзи масалалари Н.Юсупов ва Ю.П.Маниловнинг мақолаларида ёритилди [13].

XIX асрнинг сўнгги чораги ва XX аср бошларида қадимги Хоразм маданияти кузатув ва сўров услуби орқали ўрганилиб, тадқиқотларнинг илмий-назарий асослари ишлаб чиқилмаган, негаки бу даврда Туркистонда мутахассис қадимшунослар деярли йўқ эди, Туркистон археология ҳаваскорлари тўғараги аъзоларига (тўғарак 1895 йили декабрь ойида ташкиллаштирилган) археологик тадқиқотларни олиб бориш учун Россия давлати томонидан маблағ ажратилмаган[14]. Шу тариқа Туркистон археологияси ўлкашунослик даражасида ривож топган.

XX асрнинг 30-йилларига келиб Хоразм воҳаси ривоятлари, этнография ва археология материалларини мақсадли йиғиш масаласи рўёбга чиқарилди. 1928-1929 йилларда А. Ю. Якубовский Кўҳна Урганч ва Хўжайли атрофидаги Миздақхон шаҳар ҳаробаларида дастлабки археологик ишларни амалга оширди [15].

1936 йили Хоразм воҳасида Я. Фуломов бошчилигида археологик тадқиқотлар бошланди. Улар ҳақида 1936 йили ташкил қилинган Хоразм археологик экспедицияси раҳбари С. П. Толстов шундай ёзган: "1936 йилда тошкентлик археологлар Я.Фуломов ва Т.Мирғиёсовлар экспедицияси Манғит қишлоғи яқинидаги Кубатов тепалигидан янги эранинг I минг йиллиги ўрталарига мансуб зардуштийлик қабристонини топиб, биринчи марта қадимий исломга қадар Хоразм ёдгорлигига дуч келдилар.

1937 йили Я. Ф. Фуломов Жанубий Қорақалпоғистоннинг "қадимда суғорилган ерлари" ва археологик қозишмаларини қайтадан бошлади ва ўрта асрларга мансуб Гулдурсун ва Норинжон шаҳар ҳаробаларини ҳамда Шаббоз яқинидаги Пилқалъанинг янги эранинг дастлабки асрларига мансуб баҳайбат ҳаробаларини текшириб чиқди.

Ўша йили худди шу жойда бизнинг экспедициямиз ҳам иш бошлади" [16].

Я.Ф. Фуломовнинг археологик ишларини С.П.Толстов томонидан ижобий баҳолаш сабаблари шундаки, XX асрнинг 30-йилларигача қадимги Хоразм, яъни исломга қадар бўлган даврга оид биронта ёдгорлик археологик жиҳатдан ўрганилмаган бўлиб, бу борада Кубатов ва Пилқалъада амалга оширилган

тадқиқотлар дастлабки кашфиётлар эди.

Хоразм археология экспедициясининг ташкил қилиниши (1945 йилдан- археологик - этнография экспедицияси) Ўрта Осиё илмий ҳаётида катта воқеа бўлди. Ўтган асрнинг 30 - йиллари ўрталарида минтақа халқлари тарихини ёзиш вазифаси илгари сурилди. Мазкур масалани ечиш жараёни археология маълумотларини йиғиш мақсади билан чамбарчас боғланди [17].

Хоразм экспедициясининг ишлари дастлабки археологик қидирув тадқиқотлардан бошланди. Бу ишлар 1937 йилда А.И.Тереножкин томонидан амалга оширилган [18]. Кейинги уч йил мобайнида турли даврларга оид (неолит, бронза, илк темир асри, антик даври) бугунги кунда жаҳон археологияси машҳур ёдгорликлар - Жонбос 4, Кузалиқир, Жонбосқалъа, Тўпроққалъа ва бошқалар кашф этилди [19].

1948 йилда С.П.Толстовнинг "Древний Хорезм" ("Қадимги Хоразм") ва "По следам древнехорезмийской цивилизации" (Ўзбек тилидаги бу асар "Қадимги Хоразм маданиятини излаб" номида илова билан тўлдирилган ҳолда 1964 йилда чоп этилди) деган монографиялари нашр қилинди [20].

Мазкур монографияларда Қадимги Хоразм маданияти, ҳунармандчилик, меъморчилик, санъат соҳаларига тегишли фанда номаълум бўлган кўпдан-кўп материаллар илк бор тавсифланди. Шунингдек, Хоразм воҳаси ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий тарихи бўйича фикр - мулоҳазалар билдирилди ҳамда ўрганилган археологик ёдгорликлар алоҳида маданий мажмуалар сифатида қўйидаги даврларга ажратилди:

I. Ибтидоий Хоразм:

1. Калтаминор маданияти - мил.авв. IV - III мингйилликлар.
2. Тозабөгёб маданияти - мил.авв. II мингйиллик.
3. Амиробод маданияти - мил.авв. I мингйилликнинг биринчи ярми.

II. Антик Хоразм:

1. "Деворлар ичида одам яшайдиган шаҳарлар" маданияти. Аҳамонийлар даври - мил. авв. VI - IV асрлар.
2. Қанғуй маданияти. Эллинистик даври - мил.авв. IV аср - милодий I аср.
3. Кушон маданияти. Рим даври. Милодий II-III асрлар.
4. Кушон-африғийлар маданияти. III-V асрлар. Хоразм антик маданиятининг инқироzi.

III. Ўрта асрлар даври Хоразм:[21]

Қадимги Хоразм тарихи бўйича С.П.Толстовнинг илмий қарашлари ўз даври учун янгилик бўлган. Уларнинг баъзи бирлари тадқиқотчилар томонидан қабул қилиниб қувватланган, бошқалари эса кейинчалик қайта кўриб чиқилди.

Иккинчи жаҳон урушидан сўнг Хоразм экспедициясининг тадқиқотлари кенг қулоч ёйиб, янги услубий асосда олиб борилди ва комплекс мазмунга эга бўлди. Экспедиция ишларида турли соҳа мутахассислари - археологлар, этнографлар, антропологлар, географлар, геоморфологлар, тупроқшунослар ва рассомлар - санъатшунослар иштирок этишди.

Шунингдек, Хоразм экспедициясида жаҳон археологияси тажрибасида илк бор қадимги ёдгорликларни аэросуратда олиш усули амалга оширилди [22].

XX асрнинг 50 - йилларига келиб, Ўрта Осиё археологиясининг умумий йўналишлари сифатида ибтидоий жамоа тузуми (тош даври) ёдгорликларини ўрганиш, қадимий зироатчилар ва чорвадорларнинг манзилгоҳларини кашф этиш ҳамда қадимий ирригация-сунъий суғориш иншоотларини ўрганиш муҳим муҳим

вазифага айланди [23]. Айнан шу пайтда, Ўзбекистоннинг турли вилоятларида пахтачиликни кенг ривожлантириш мақсадида бўз ерларини ўзлаштириш масаласи рўёбга чиқарилган эди. Шу боис қадимги сугорилиш ерларида археологик изланишлар, янги ирригация тизимини барпо этиш билан шуғулланган геологлар, геоморфологлар ва муҳандис - ирригаторларга амалий жиҳатдан кўмаклашган [24].

1957 йилда Хоразм сугорилиши тарихига бағишланган Я.Ф. Фуломовнинг фундаментал монографияси нашр қилинди [25]. Мазкур асар ҳозирда ҳам ўз илмий аҳамиятини йўқотмаган ва кўп жиҳатдан муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

Калтаминор маданияти деб аталган Хоразм неолит даври маданиятига оид дастлабки ёдгорлик Жонбосқалъа 4 макони 1939 йилда топилган. Бу макон С.П.Толстов томонидан катта конуссимон синчли кулба (майдони 26x17 м) кўринишида тикланган. Эҳтимол, шунга кўра, тадқиқотчи ўз монографиясида Хоразм воҳаси неолит даврига нисбатан, шартли равишда, "Балиқчилар чайлалари даври" деган сарлавҳани ишлатган [26].

Жонбосқалъа 4 маконининг ички тузилишининг ўзига хослиги жиҳатдан ажралиб туради. Кулбанинг марказида айланаси бир метрча келадиган ўчоқ жойлашган. Бош ўчоқнинг атрофи бўйлаб овқат пиширадиган қатор ўчоқлар бўлган. Уларнинг ёнида тошдан ва суякдан ишланган тош қуроллар, сопол идишлар парчалари, ёввойи қушлар ҳамда балиқ суяклари (чўртан, лаққабалиқ) топилган. Натижада, Ўрта Осиё археологиясида илк бор неолит даврига оид катта уруғ жамоасига тегишли уй-жой текширилди. Тахминан бу маконда 100-120 кишидан иборат уруғдош жамоаси истиқомат қилган [27].

Иккинчи жаҳон урушидан илгари ва урушдан кейинги йилларда Ўрта Осиёда тадқиқотлар олиб борган археология экспедициялари олдида турган долзарб илмий масала ислом динидан аввалги даврда минтақанинг ижтимоий-иқтисодий тузуми тарихи эди. Ўз пайтида С.П. Толстовнинг ёзишича, Ўрта Осиё халқлари "юксак ва ўзига хос маданият яратган бўлиб, уларнинг тарихи, айниқса, қадимги давр ёзма манбаларда жуда кам ёритилган. Бу маданиятларнинг ислом динидан аввалги даврдаги ижтимоий - иқтисодий базаси характерининг ўзи ноаниқ бўлиб келмоқда"[28]. Шу боис 1945-1950 йилларда антик даври ёдгорликлари Эллиққалъа туманида жойлашган Тупроққалъада (1945-1950 йиллари), Тўрткўл туманидаги Қўйқирилганқалъа ва Кофирқалъада (1951-1957 й.) ҳамда Шимолий Туркманистонда (Тошҳовуз вилояти), Қалъалиқир 1, Қалъалиқир 2 ва Кўзалиқирда кенг археологик тадқиқотлар амалга оширилган [29].

1950-1956 йиллари мобайнида Хоразм экспедициясининг илмий тадқиқотлар режасида Амударёнинг қадимий ўзанлари тарихи ва палеогеографияси муаммоларини ўрганиш алоҳида аҳамият касб этиб, мазкур мавзу Амударё қадимий ўзанлари - дельталарининг шаклланишини ва ривожланиши, дарёнинг Узбой ўзани орқали Каспий денгизга қуйилиши масаласи билан боғланди. Бу тадқиқотларда С.П.Толстов, А.С. Кесь, М.А. Итина, Б.В. Андрианов, Т.А. Жданко, О.А. Вишнева ва Н.Н. Вактурская иштирок этганлар.

Натижада, Қуйи Амударёнинг турли тарихий даврларда ривож топган қадимий ўзанлари ўрганилди, жумладан, Жанубий Оролбўйи худудларида Оқчадарё ва Оролбўйи ўзанлари - дельталари, ҳозирги Шимолий Туркманистон ерларидан ўтган Довдон ва Дарёлиқ ўзанлари (Сариқамишбўйи дельтаси) ҳамда Сариқамиш кўлидан бошланиб, Каспий денгизга оқиб қуйилган Узбой ўзани [30]. Бу тадқиқотларда ҳаводан археологик ёдгорликларнинг жойлашишини аниқлаш,

авиақидирув ва аэрофото (аэросурат) усули[31] ҳамда жойлардаги археологик-топография услубидан кенг фойдаланилганлиги туфайли геоморфологик ва археологик хариталар тузилиб, Жанубий Оролбўйидан Сарикамиш ва Узбойнинг қуйи қисмига қадар кенг ҳудудларда янги археологик материалларни олишга эришилди [32].

Қадимги даврларда ҳозирги Шўраҳон атрофларида бошланган шимолий йўналишдаги Амударёнинг Оқчадарё ўзани (узунлиги 75 км) соҳилларини инсон томонидан ўзлаштириш жараёни мураккаб тарихга эга. Неолит даврида - мил. авв. V-IV минг йилликларда Жанубий Оқчадарё дельтасининг соҳилларида қадимий балиқчилар ва овчилар зич жойлашиб, бу даврда, Калтаминор маданиятига оид маконлар вужудга келган.

Оқчадарё ўзани қирғоқларида Тозабогёб маданияти ёдгорликлари қаторида бронза даври Сувёрган маданияти маконлари (Жонбос 6, Қамишли) аниқланган. Я.Ф.Фуломов Сувёрган маданияти келиб чиқиш жиҳатдан Калтаминор маданиятининг ривожланиш давоми - мероси сифатида тавсифлаб, у маҳаллий илдизларга эга бўлганлигини уқтириб ўтган [33].

С.П.Толстов, аксинча, Сувёрган маданиятининг Хоразм воҳасида пайдо бўлишини янги этник гуруҳлар, Эроннинг шимоли-шарқидан кўчиб келган қабилалар билан боғлаган [34]. Бироқ, кейинчалик, сувёрганликлар маҳаллий аҳоли вакиллари эканлиги, янги археологик материаллари асосида исботлаб берилди. Шунингдек, Оқчадарё ўзани бўйлаб бронза, илк темир ва антик даврларга оид кўп сонли ёдгорликлар аниқланди.

#### **4.Хулосалар:**

Хулоса қилиб айтганда, XIX асрнинг сўнгги чорагида ва XX аср бошларида Хоразм воҳасида тарих ва этнография бўйича қўлга киритилган материаллар турли соҳа мутахассислари (география, геодезия, тупроқшунослик, зоология) ва ҳарбий муҳандислар ишларида қўшимча маълумотлар сифатида баён этилган (бу маълумотлар, кўп ҳолларда қадимиётга, тарихга қизиқиш сабабли йиғилган), мазкур давр шарқшуносларнинг тадқиқотлари эса махсус муаммоли мавзулардан йироқ бўлиб, илмий усулларга асосланмаган эди.

XX асрнинг 30-йилларида бошланган дастлабки археологик тадқиқотлар ва Хоразм археология экспедициясининг ташкил этилиши тарих фани соҳасида катта воқеа бўлди. Экспедиция ўз ишларини мақсадли археологик изланишларидан бошлаб, кейинги йилларда тадқиқотлар Хоразм воҳаси доирасидан чиқиб, кенг ҳудудларни қамраб олди (Қуйи Сирдарё, Қизилқум, Узбой ўзани). Экспедициянинг дастлабки изланишлари ва кашфиётлари таниқли олимлар - С.П.Толстов, Я.Ф.Фуломов, С.А.Ершов ва А.И.Тереножкинлар илмий фаолияти билан боғлиқ бўлди

Изчил археологик тадқиқотлар Хоразм воҳаси тарихининг даврлаштириш, воҳа ҳудудларини инсон томонидан ўзлаштириш хусусиятлари, уй-жойлар қурилиши, хўжалик шакллари ва моддий маданиятнинг ривожланиши, деҳқончилик ва чорвачилик тарихи, ибтидоий жамоа тузумидан илк давлатчилик муносабатларига ўтиш, иқтисодий-маданий алоқалар каби муҳим масалаларни ўрганишга имкон яратди.

#### **Иқтибослар/Сноски/References**

---

[1] Sachau E. Zur Geschichte und chronologie von Khwarizm // Sitzungsberichte

der philosophischen Classe der kais. Akademie der Wissenschaften. - Wien, 1873. - S.473; Kiepert H. Lehrbuch der alten Geographie. - Berlin 1878. - S. 60 - 62; Tomaszek W. Chorasmia // Pauly's Real Encyclopaedie der klassischen Altertums wissenschaft. Bd. 3. -Stuttgart, 1894. - S. 2406.

[2] Гуломов Х. Дипломатические отношения государств Средней Азии с Россией в XVIII - первой половине XIX века. - Ташкент: Фан, 2005. - С. 219-261.

[3] Путешествие в Туркмению и Хиву в 1819-1820 гг. Капитана Николая Муравьева, посланного в эти страны для переговоров. - М., 1822. Ч. I. - 179 с.; Ч. 2. - 144 с. (Travel to Turkmenistan and Khiva in 1819-1820 Captain Nikolai Muravyov, sent to these countries for negotiations. - M., 1822. Part I. - 179 p.; Part 2.)

[4] Вопросы, предлагаемые географическим обществом при исследовании Хивинского ханства...в географическом, этнографическом и культурно-историческом отношениях // Известия Русского географического общества. - СПб., 1873. Кн. IX. - С. 43-73. (Issues proposed by the geographical society in the study of the Khiva khanate ... in geographical, ethnographic and cultural-historical relations / Bulletin of the Russian Geographical Society. - SPb., 1873. Book. IX. - S. 43-73.)

[5] Кун А.Л. Поездка по Хивинскому ханству в 1873 г. // Записки Русского географического общества. Т.Х. - СПб., 1874.- С.17-58.(Kuhn A.L.A trip to the Khiva Khanate in 1873 // Notes of the Russian Geographical Society. T. Kh. - SPb., 1874. - S. 17-58.)

[6] Каульбарс А.В. Низовья Амударьи, описание по собственным исследованиям в 1873 г. // Записки Русского географического общества. Т. 9.- СПб., 1881. - 320 с. (Kaulbars A.V. The lower reaches of the Amu Darya, a description of their own research in 1873 // Notes of the Russian Geographical Society. T. 9.- SPb., 1881.)

[7] Богданов М.Н. Очерки природы Хивинского оазиса и пустыни Кызылкум. - Ташкент, 1881. - С. 54; Иванин М.И. Хива и река Амударья. - СПб., 1873. - С. 37-39. (Bogdanov M.N. Essays on the nature of the Khiva oasis and the Kyzylkum desert. - Tashkent, 1881. - S. 54; Ivanin M.I. Khiva and the Amu Darya River. - St. Petersburg, 1873.)

[8] Барбот де Марни Н.П. О геологических исследованиях в Амударьинском крае // Записки Русского географического общества. Т. 9. - СПб., 1875. - С. 114-115. (Barbot de Marni N.P. On geological research in the Amudarya Territory // Notes of the Russian Geographical Society. T. 9. - SPb., 1875. - S. 114-115.)

[9] Россикова А.Е. По Амударье от Петро - Александровска до Нукуса // Русский вестник. - СПб., 1902, август. - С. 641-643. (Rossikova A.E. On the Amu Darya from Petro - Alexandrovsk to Nukus // Russian Bulletin. - SPb., 1902, August. - S. 641-643.)

[10] Герасимовский А.М. Древности Хивы и Амударьинского отдела // Исторический вестник. - СПб., 1909 (Вып. XVII, сентябрь). - С. 971-973; Димо Н.А. Почвенные исследования в бассейне р. Амударьи. - М., 1913. - С. 20-21, 36-38. (Gerasimovsky A.M. Antiquities of Khiva and Amudarya Department // Historical Bulletin. - St. Petersburg, 1909 (Issue XVII, September). - S. 971-973; Dimo N.A. Soil research in the river basin Amu Darya. - M., 1913. - S. 20-21, 36-38.)

[11] Кун А.Л. Культура низовьев Амударьи // Материалы для статистики Туркестанского края. - СПб., 1876. Вып. IV. - С. 237-257; Веселовский Н. Очерк историко-географических сведений о Хивинском ханстве. От древнейших времен до настоящего. - СПб., 1877; Иностранцев К.А. О домусульманской культуре Хивинского оазиса. - СПб., 1911. - С. 2-29. (Kuhn A.L. Culture of the Lower Amu

Darya // Materials for Statistics of the Turkestan Territory. - SPb., 1876. Issue. IV. - S. 237-257; Veselovsky N. Essay on historical and geographical information about the Khiva Khanate. From ancient times to the present. - St. Petersburg, 1877; Foreigners K.A. About the pre-Islamic culture of the Khiva oasis. - SPb., 1911. - S. 2-29.)

[12] Толстов С.П. Қадимги Хоразм маданиятини излаб.- Тошкент: Фан, 1964. - Б. 19-20.; Массон М.Е. Средневековые торговые пути из Мерва в Хорезм и в Мавераннахр // Тр. ЮТАКЭ. Т. XIII. - Ашхабад, 1966. - С. 202, 217-218. (Tolstov S.P. Hadimghi Khorasm Madaniyatini is weak. - Toshkent: Fan, 1964. - B. 19-20 .; Masson M.E. Medieval trade routes from Merv to Khorezm and Maverannahr // Tr. Utake. T. XIII. - Ashgabat, 1966. - S. 202, 217-218.)

[13] Юсупов Н. Из истории археологического изучения низовьев Амударьи // Археология Приаралья.- Ташкент: Фан, 1984. Вып. II. - С. 3-8; ўша муаллиф. К истории археологического изучения Южной Каракалпакии // Археология Приаралья. -Ташкент: Фан, 1986. Вып. III. - С. 3-11; Маньлов Ю. П. К изучению городища Кят // Вестник Каракалпакского филиала АН УзССР. - Нукус, 1966. №2. - С. 51. (Yusupov N. From the history of archaeological study of the lower reaches of the Amu Darya // Archeology of the Aral Sea region. - Tashkent: Fan, 1984. Issue. II. - S. 3-8; Our muallif. On the history of the archaeological study of South Karakalpakia // Archeology of the Aral Sea region. - Tashkent: Fan, 1986. Vol. III. - S. 3-11; Manylov, Yu. P. On the study of the settlement of Kyat // Bulletin of the Karakalpak branch of the Academy of Sciences of the Uzbek SSR. - Nukus, 1966. No. 2. - S. 51.)

[14] Курбанова Д. Ш. Хоразм воҳасининг қадимги ва илк ўрта асрлар маънавий маданияти. - Тошкент: А. Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2015. - Б. 54. (Kurbanova D. Sh The ancient and early medieval spiritual culture of the Khorezm oasis. - Tashkent: A. Published by the National Library of Uzbekistan named after Navoi, 2015.)

[15] Толстов С.П. Қадимги Хоразм маданиятини излаб. - Тошкент: Фан, 1964. - Б. 32-33. (Tolstov S.P. In search of ancient Khorezm culture. - Tashkent: Science, 1964. - B. 32-33.)

[16] Толстов С.П. Қадимги Хоразм маданиятини излаб... Б. 32-33. (Tolstov S.P. In search of ancient Khorezm culture. - Tashkent: Science, 1964. - B. 32-33.)

[17] Толстов С.П. По древним дельтам Окса и Яксарта. - М.: ИВЛ, 1962. - С. 5-6; Итина М.А. Хорезмская экспедиция - основные итоги и перспективы исследований // Культура и искусство древнего Хорезма. - М.: Наука, 1981. - С. 4. (Tolstov S.P. According to the ancient deltas of Oks and Yaksart. - M.: IVL, 1962. - S. 5-6; Itina M.A. Khorezm expedition - the main results and prospects of research // Culture and art of ancient Khorezm. - M.: Nauka, 1981. -S. 4.)

[18] Тереножкин А.И. Археологические разведки в Хорезме // СА. - 1940. Т., VI. - С. 168-189. (Terenzhkin A.I. Archaeological Intelligence in Khorezm // SA. - 1940.T., VI. - S. 168-189.)

[19] Толстов С.П. Хорезмская экспедиция (предварительный отчет) // КСИИМК. - М., 1940. Вып. VI. - С. 70-79; ўша муаллиф. Древности Верхнего Хорезма (Основные итоги работ Хорезмской экспедиции ИИМК. 1939 г.) // ВДИ. - М., 1941. №1. - С. 155-184. (Tolstov S.P. Khorezm expedition (preliminary report) / / KSIIMK. - M., 1940. Issue. VI. - S. 70-79; the same author. Antiquities of Upper Khorezm (The main results of the Khorezm expedition ИМК. 1939) // VDI. - M., 1941. No. 1. - S. 155-184.)

[20] Толстов С.П. Древний Хорезм. Опыт историко-археологического



исследования. - М.: МГУ, 1948. -352 с.; ўша муаллиф. По следам древнехорезмийской цивилизации. - М. -Л.: АН СССР, 1948. - 328 с. (Tolstov S.P. Ancient Khorezm. The experience of historical and archaeological research. - М.: MSU, 1948. -352 p.; Our muallif. In the footsteps of the ancient Khorezm civilization. - М. -L.: Academy of Sciences of the USSR, 1948. - 328 p.)

[21] Толстов С.П. Древний Хорезм. Опыт историко-археологического исследования... С. 32-33. (Tolstov S.P. Ancient Khorezm. The experience of historical and archaeological research. - М.: MSU, 1948. -P.32-33).

[22] Итина М.А. Хорезмская экспедиция - основные итоги и перспективы исследований // Культура и искусство древнего Хорезма. - М.: Наука, 1981. - С. 5. (Itina M.A. Khorezm expedition - the main results and prospects of research // Culture and art of ancient Khorezm. - М.: Nauka, 1981. - S. 5.)

[23] Жданко Т.А., Итина М.А. Второе среднеазиатское совещание археологов и этнографов // СЭ, 1957. №2. - С. 146-163. (Zhdanko T.A., Itina M.A. The second Central Asian meeting of archaeologists and ethnographers // SE, 1957. No. 2. - S. 146-163.)

[24] Толстов С.П., Андрианов Б.В. Новые материалы по истории развития ирригации в Хорезме // КСИЭ. Вып. XXVI, 1957. - С. 5-11. (Tolstov S.P., Andrianov B.V. New materials on the history of the development of irrigation in Khorezm // KSIE. Vol. XXVI, 1957. - С. 5-11.)

[25] Гулямов Я.Г. История орошения Хорезма с древнейших времен до наших дней. - Ташкент: Фан, 1957. -313с.; ўша муаллиф. Хоразмнинг суғорилиш тарихи. - Тошкент: Фан, 1959. - 324 б. (Gulyamov Ya.G. The history of the irrigation of Khorezm from ancient times to the present day. - Tashkent: Fan, 1957. -313c.; the same author.. Horazmning suғorilish tarihi. - Toshkent: Fan, 1959.- 324 b.)

[26] Толстов С.П. Древний Хорезм. Опыт историко-археологического исследования... С. 59.

[27] Толстов С.П. Қадимги Хоразм маданиятини излаб. - Тошкент: Фан, 1964. - Б. 74-78.

[28] Толстов С.П. Қадимги Хоразм маданиятини излаб... Б. 347. (Tolstov S.P. In search of ancient Khorezm culture. - Tashkent: Science, 1964. - 347p.)

[29] Толстов С.П. Қадимги Хоразм маданиятини излаб... Б. 189-191; (Tolstov S.P. In search of ancient Khorezm culture. - Tashkent: Science, 1964. - В. 32-33.) ўша муаллиф. Работы Хорезмской археолого - этнографической экспедиции 1951-1954 гг. // Вопросы истории. - М., 1955. №3. - С. 176-177. (The works of the Khorezm archaeological - ethnographic expedition 1951-1954. // Questions of history. - М., 1955. No. 3. - S. 176-177.)

[30] Толстов С.П., Кесь А.С. История первобытных поселений на протоках древних дельт Аму-Дарьи и Сыр-Дарьи // Вопросы географии. - М. - Л., 1956. - С. 327-336. (Tolstov S.P., Kes A.S. The history of primitive settlements on the channels of the ancient delta of Amu - Darya and Syr - Darya // Problems of Geography. - М. - L., 1956. - S. 327-336.)

[31] Игонин Н.И. Применение аэрофотосъемки при изучении археологических памятников // Археология и естественные науки. - М.: Наука, 1965. - С. 257-260. (Igonin N.I. The use of aerial photography in the study of archaeological sites // Archeology and natural sciences. - М.: Nauka, 1965. - S. 257-260.)

[32] Низовья Амударьи, Сарыкамыш, Узбой. История формирования и заселения // МХЭ. - М., 1960. Вып. 3. -348 с. (The lower reaches of the Amu Darya,

Sarykamysh, Uzboy. The history of formation and settlement // МСЕ. - М., 1960. Issue. 3. -348 p.)

[33] Фуломов Я.Ф. Хоразмнинг суғорилиш тарихи. - Тошкент: Фан, 1959. - Б. 55-56. (Gulyamov Ya.G. The history of irrigation in Khorezm. - Tashkent: Science, 1959. - В. 55-56.)


[34] Толстов С.П. Итоги двадцати лет работы Хорезмской археолого-этнографической экспедиции (1937-1956) // СЭ. - М., 1957. №4. - С. 41; Толстов С.П., Итина М.А. Проблема Суярганской культуры // СА. - М., 1960. - С. 14-35 (Tolstov S.P. The results of twenty years of work of the Khorezm archaeological - ethnographic expedition (1937-1956) // SE. - М., 1957. No. 4. - S. 41; Tolstov S.P., Itina M.A. The problem of Suyargan culture // SA. - М., 1960. -S.14-35.)

# ЎТМИШГА НАЗАР ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST

Махмудов Бехзод Хамидович  
Ислон Каримов номидаги  
Тошкент давлат техника университети  
Олмалиқ Филиали ўқитувчиси, т.ф.н.,  
E-mail: bekozod.makhmudov@list.ru

## ҚАРЛУҚ-ҚОРАХОНЛАР ДАВЛАТИНИ ЮЗАГА КЕЛИШИНИНГ ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ОМИЛЛАРИ

*For citation: Makhmudov Bekhzod Khamidovich. SOCIO-POLITICAL FACTORS OF THE EMERGENCE OF THE KARLUK STATE OF KARAKHANIDS. Look to the past. 2020, vol. 1, issue 3, pp. 59-65*

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2020-1-7>

### АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада илк ўрта асрларда ўлкада мавжуд бўлган Турк ҳоқонлиги ва Туркаш давлатининг фаолияти ҳамда инқирози сабаблари қисқача таҳлил этилган. Шунингдек, инқирозга учраган мазкур давлатларнинг ўрнида, туркий қабилаларнинг янгидан бирлашуви асосида яна бир туркий давлат "Қарлуқ-Қорахонлар" ҳоқонлигининг ташкил топиши жараёни ёритилган.

**Калит сўзлар:** Турк ҳоқонлиги, Туркаш давлати, Қарлуқ-Қорахонлар, Ишбара ҳоқон, дулу, нушиби, бек, элтибор, жабғу, Сўёб, қарлуқ, чигил, яғмо, тўхси, уйғур, ўғуз.

Махмудов Бехзод Хамидович  
к.и.н., старший преподаватель Алмалыкского  
филиала Ташкентского государственного политехнического  
университета имени Ислама Каримова  
E-mail: bekozod.makhmudov@list.ru

## СОЦИАЛЬНО-ПОЛИТИЧЕСКИЕ ФАКТОРЫ ВОЗНИКНОВЕНИЯ ГОСУДАРСТВА КАРЛУКОВ- КАРАХАНИДОВ

**АННОТАЦИЯ**

В этой статье дан краткий анализ деятельности и причин кризиса существовавших в крае в эпоху раннего средневековья государств Тюркский каганат и Тюркешский каганат. Также в ней раскрыт процесс образования на месте государств, вступивших в кризис, и на основе вновь объединившихся тюркских племен, еще одного тюркского государства - Карлукско-Караханидского каганата.

**Ключевые слова:** Тюркский каганат, государство Тюркеш, Карлуки-Караханиды, каган Ишбара, дулу, нушиби, бек, элтибор, ябгу, Суёб, карлук, чигил, ягмо, тухси, уйгур, уг

**Makhmudov Bekhzod Khamidovich**

PhD., Senior Lecturer Almalyk branch of TSPU  
named after Islam Karimov E-mail: bekzod.makhmudov@list.ru

**SOCIO-POLITICAL FACTORS OF THE EMERGENCE OF THE KARLUK STATE OF KARAKHANIDS****ABSTRACT**

This article provides a brief analysis of the activities and causes of the crisis of the Turkic Kaganate and Turgesh Kaganate states that existed in the region in the early middle Ages. It is also disclosing the process of the formation of the states that entered the crisis on the spot, and on the basis of the newly united Turkic tribes, another Turkic state of the Karluk-Karakhanid kaganate.

**Index Terms:** Turkic Kaganat, Turgesh state, Karluk-Karakhanids, kagan Ishbara, nushibi, bek, eltibor, yagbu, Suyob, karluk, chigil, yagmo, tuhksi, uygur, uguz.

**1. Долзарблиги:**

Қорахонийлар давлати тарихий-илмий асарларда кўп бора тилга олинсада, мазкур давлатнинг бир қанча муҳим жиҳатлари ҳануз тадқиқотчилар ўртасида баҳс-мунозарага сабаб бўлмоқда. Жумладан, давлат айнан қайси санада, қаерда ва қайси этник гуруҳлар томонидан ташкил этилди. Давлатнинг илмий адабиётларда ва тарихий манбалардаги номланиши ҳамда бошқарув тизими хусусида ҳам кўплаб масалалар ўз ечимини кутмоқда. Ушбу илмий мақолада айнан шу масалалар имкон қадар ёритилган.

**2. Методлар ва ўрганилганлик даражаси:**

Қорахонийлар давлати тарихи хусусида ўз даврида Махмуд Қошғарий, Юсуф Хос Ҳожиб асарларида қимматли маълумотлар берилган бўлса, айни шу маълумотлар асосида кўплаб олимлар ўз тадқиқот ишларини олиб боришган. Улар сирасига Гумилев Л.Н., Бартольд В.В., Кораев О., Шониёзов К.Ш. каби тадқиқотчиларни киритиш мумкин. Шундай бўлсада, мазкур давлат тарихи хусусида кўплаб масалалар ҳануз ўз ечимини кутмоқда.

**3. Тадқиқот натижалари:**

Маълумки, қадимдан Ўрта Осиёнинг Олтой жанубий ёнбағридан бошланадиган шарқий қисмида, Марказий Тяньшань этакларида, Чу, Ила, Норин, Талос дарёлари водийлари бўйлаб то Помирғача бўлган ҳудудларда туркий тилда сўзлашувчи қабилалар яшаган. Мазкур қабилалар VI асрнинг иккинчи ярмидан то VIII аср бошларигача Турк ҳоқонлиги тасарруфида бўлиб келган. Турк ҳоқонлиги

ташқи душманлар билан олиб борилган урушлар ва ички қабилавий низолар натижасида 603 йил Ғарбий ва Шарқий ҳудудларга бўлиниб кетади. Ҳоқонликнинг бўлиниб кетиши давлат таркибидаги туркий халқларнинг хоҳиш иродасига зид равишда, кўпроқ ташқи душманларнинг таъсир кучи остида юз берганлиги сир эмас, албатта[1, С162]. Чунки яхлит бир қудратли ҳоқонликнинг иккига бўлиниши, уларнинг ҳар иккиси аҳволини янада оғирлаштирди. Аниқроқ айтадиган бўлсак, бу уларнинг ҳар иккисининг ҳалокатини тезлаштирган асосий омиллардан бири бўлди.

Умуман олганда, 630 йилда Ғарбий ҳоқонликда ички қабилавий низолар кескинлашиб кетади. Бу даврда ҳоқонликда ҳокимият учун кураш асосан икки, яъни дулу ва нушиби қабилалари ўртасида кечган. Мавжуд оғир вазиятдан чиқиш ва аҳволни яхшилаш учун ҳоқон Ишбара (634-639й.) маъмурий ислоҳот ўтказди. Унга кўра, ҳоқонлик таркибидаги қабилаларни иккига бўлиб, бештасини дулуга, қолган бешта қабилани эса нушибига тақсимлаб беради. Қабила иттифоқининг ҳар бирига чорва молларини боқиш учун яйлов ерларини ва кўчиб юрадиган ҳудудларининг чегараларигача аниқлаб беради.

Кўришиб турибдики, бу вақтда давлатнинг асосини ва яшовчанлик қобилятини унинг такибидаги туркий қабилаларнинг бирлиги ва уларнинг жанговар ҳарбий кучи ташкил этган.

Лекин ҳоқон Ишбаранинг икки йирик қабилани ўзаро келиштириш йўлидаги тадбирларидан ҳеч бир натижа чиқмайди. Сулола таянчи бўлган бу икки қабила ўртасидаги низолар эса ҳоқонликни заифлаштиради. Одатда, қайси давлатни ички низолар чулғаб олиб, уни кучсизлантирса, ўша давлатга қўшни давлатларнинг босқини муқаррар бўлиб келган. Ўз даврининг қудратли давлати бўлган Турк ҳоқонлигининг ҳам бундай вазиятда душман-лари етарлича бор эди. Чунки Хитой қўшинлари ҳоқонликнинг бу оғир аҳво-лидан фойдаланиб, 658-659 йилларда унинг асосий ҳудуди бўлган Еттисувнинг катта қисмини эгаллайди[2, С.264-265]. Аммо кейинчалик туркийлар Хитой қўшинларини ўлкадан суриб чиқаради. Уруш натижасига кўра, ҳар икки томон катта талофатлар кўради. Турк ҳоқонлиги бу йўқотишлар эвазига ўз ҳудудини сақлаб қолади. Лекин узоқ вақт давом этган ички ва ташқи уруш-лар ҳоқонликни кучсизлантириб, унинг емирилишини тезлаштиради. Унга тегишли ҳудудларда эса 707 йилда Туркаш давлати ташкил топади.

Туркашларнинг асосий қисми бу вақтларда (VIII асрнинг иккинчи ярмида) Ила дарёси водийсида, Шимолий Тяньшань ёнбағирларида жойлашиб, дулу қабила иттифоқи таркибида бўлиб келган[3, С.155].

Албатта, Турк ҳоқонлигининг ҳам Туркаш давлатининг ҳам аҳолисини таркибий асосини туркий қабилалар ташкил этган. Бунда давлатўзгармаган, балки давлатни бошқарган сулолаларни ўзаро ўрни алмашган, холос.

Туркашлар ҳокимиятни эгаллаб, эндигина кучга кириб бораётган бир вақтда Хитой империяси ўз чегараларини ғарбга томон кенгайтириш сиёсатини ҳам жадаллаштиради. Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, Хитой императорлари доимий равишда ўз ҳудудларини кенгайтириш, босиб олинган ўлка аҳолисини хитойлаштириш ва бу ерда ўз маъмурий бошқарув тизимини ўрнатиш каби катта даврий тажрибага эга бўлган сиёсатларини изчил олиб боришган.

Шунинг учун Хитой империяси ўзининг шимолий ва ғарбий чегаралари узра жойлашган туркий сулолаларнинг кучайиб кетишини хоҳламаган. Бунинг учун улар туркий қабилалар ўртасига турли низо уруғларини сочиб, уларни бир-бирига

қарши гиж-гижлаш усулларидан фойдаланишган. Шунингдек, Хитой дипломатияси анъанавий равишда ўзининг эски усулини, яъни марказдан норози кучларни қўллаб-қувватлаш чора-тадбирларини кенгқўллаган. Бундан кўзланган мақсад эса туркий давлатларни заифлаштириш орқали улар устидан ўз ҳукмронлигини ўрнатиш бўлган. Албатта, Хитой ҳукмдорларининг бу ниятини ўз вақтида англаб, шунга мос ҳолда сиёсат олиб борган ҳоқонлар ҳам бўлган [4, С.16-30].

Умуман олганда, Туркаш давлати ўзининг қисқа умри давомида оғир аҳволни бошидан кечирди. Чунки айнан шу даврда, яъни шарқий чегараларни ҳимоя қилиб душманлар билан кураш олиб бораётган бир вақтда, ғарбдан араб халифалигининг Мовароуннаҳрга бошлаган ҳарбий юришлари туркашлар аҳволини янада оғирлаштирди.

Араб халифалигига қарашли ҳарбий кучларнинг Мовароуннаҳрга кириб келишлари ва мазкур ҳудудда халифалик тартиботини ўрнатишга туркий сулолалар бефарқ қараб тура олмас эдилар. Чунки Мовароуннаҳр ижтимоий-иқтисодий ва маданий жиҳатдан уларнинг асосий таянч ҳудудлари ҳисоблан-ган. Бу ўлкаларда қадимдан жуда кўп туркийзабон аҳоли яшаб келган. Шу боис Туркҳоқонлиги ва Туркаш давлати мазкур ҳудудларни ҳимоя қилишни ўз вазифаси, бурчи деб билган. Араб ҳарбий қўшинларининг кириб келишлари биланоқ, туркашлар маҳаллий ҳукмдорлар билан бирлашиб, уларга қарши кураш олиб борадилар. Жумладан, 707 йил Туркаш ҳоқони Соге ўзининг атрофига катта ҳарбий қўшин йиғиб, Қутайба бошлиқ араб ҳарбий қўшинига қаттиқ талофат етказди. Аммо шу вақтда туркашларда ички қабилавий низолар ҳам авж олади. Хитой империяси эса ўз ҳарбий тазйиқини янада кучайтиради [5, С.384-385].

Натижада, туркашларнинг ҳарбий кучлари бўлиниб, уларнинг бир қисми шарқда Хитой қўшинларига қарши кураш билан банд бўлса, иккинчи бир қисми халифалик қўшинларига қарши ташланган эди. Учинчи қисми эса, ички қабилавий курашлар билан овора бўлган. Албатта, ҳар бир давлат учун ташқи душмандан кўра, ички низолар ва у асосда юз берадиган ўзаро қирғин барот урушдан-да каттароқ хавф бўлмайди.

Еттисувда туркашларнинг икки этник гуруҳи "сариклар" ва "қоралар" ўртасида ҳокимият учун кураш бир неча йиллардан буён давом этиб келар эди [6, С.382-397]. Улар ўртасидаги бу низолар 738-759 йилларда ниҳоятда кучайиб, ўзаро қирғинга айланиб кетади [7, С.298-300]. Буларнинг барчаси Туркаш давлатини заифлаштириб, унинг барҳам топишига сабаб бўлади. Мавжуд вазиятдан фойдаланган қарлуқ қабиласи 759 йилда туркашлар ҳудудига бостириб кирадилар. 766 йилга келиб қарлуқлар Еттисув, Талос, Чу водийсини эгаллаб, Ғарбий Тяньшаньга қадар бўлган ҳудудларга кириб боришади [8, С.347].

Қарлуқ қабиласи ва қарлуқлар ҳақида жуда кўп манба ва адабиётлар мавжуд [9, С.192]. Қарлуқлар қадимда Олтойнинг ғарбий минтақаларида яшаганлар. Улар Турк ҳоқонлиги даврида эса сиёсий жараёнларда фаол иштирок эта бошлашган. Ҳоқонлик ташкил топган вақтда қарлуқлар Ғарбий Олтойдан чиқиб, Иртиш дарёсининг соҳилларига, Олтойнинг жанубий ёнбағирларида то Ила дарёсини шимолигача бўлган ҳудудларда жойлашган эди.

Қарлуқларнинг Ила дарёси бўйида қолган қисми учта катта қабилага бўлинган. Хитой манбаларида бу қабилалар меуло, чижиси ва тошили деб эслатилади. Мазкур қабилалар жойлашган ҳудудлар Ғарбий ва Шарқий Турк ҳоқонларининг шимолий чегаралари туташган қисми бўлган. Шунинг учун ҳар икки ҳоқонлик қарлуқлар

жойлашган бу ҳудудларни ўзларига тобе этишга уринишган. Натижада, 646 йил Олтой қарлуқларини Шарқий ҳоқонлик ўзига бўйсундириб олади. Ўз вақтида Фарбий ҳоқонлик ҳукмдори Ашина Хелу ҳам Тарбағатойда яшовчи қарлуқларни ўз тасарруфига олади[10, С.269-293]. Шундай бўлса-да қарлуқ қабилалари ўз эркинликлари учун доимий равишда кураш олиб борадилар. Уларнинг бу курашлари ўша даврдаги тош битикларда ҳам муҳрланиб қолган[11, С.40-46].

Шундай қилиб, қарлуқлар 766 йилда заифлашиб қолган туркашлар устидан галаба қозониб, Еттисувни эгаллашади. Уларни ҳокимларининг қароргоҳи Чу дарёси воҳасидаги Сўёб шаҳри эди. Шу вақтдан бошлаб қарлуқ жабғулари Жунғория тоғларидан то Сирдарёга қадар бўлган ҳудудларни бошқара бошлайдилар[12, С.300-308]. Улар айна вақтда, қудратли Турк ҳоқонлиги ва ундан сўнг қисқа давр мобайнида ҳукмронлик қилган Туркаш давлатининг вориси сифатида ҳам фаолият юритишган.

Манбаларда кўрсатилган маълумотлардан англаш мумкинки, VIII асрга қадар қарлуқларнинг ҳаёт тарзи қабила-уруғ шаклида бўлиб, бир қанча уруғ бир бўғинни, бўғинларнинг бирлашмаси эса қабилани ташкил этган. Уруғларни беклар бошқарса, уруғ бирлашмаларини эса "элтибор" унвонидаги киши бошқарган. Уларнинг барчасини юқорисида "жабғу" турган. Жабғу бутун қабилалар иттифоқининг бошлиғи бўлиб, уни қабилавий йиғинда сайлов йўли билан шу вазифага тайинлашган[13, С.35-36].

Қарлуқлар Еттисувни эгаллагандан сўнг (VIII асрнинг 60-йиллари) ушбу тартиб-қоидалар бироз ўзгариб, эндиликда жабғунинг ваколат доираси илга-ригига нисбатан анча кенгайди. Чунки бу вақтга келиб жабғулар нафақат қабила иттифоқининг бошлиғи, балки қарлуқлар эгаллаган ҳудудда яшовчи барча қабилалар ва ўтроқ аҳоли устидан ҳам ҳукмронлик қила бошлайди. Бу давр манбаларида қарлуқлар яшаётган ва ҳукмронлик қилаётган ҳудудлар "Қарлуқ давлати", подшолари эса "жабғу" деб қайд қилинган бўлса-да[14, С.35-40], тадқиқотчи олим К.Ш. Шониёзовнинг таъкидлашича, қарлуқларда давлат то IX аср ўрталаригача бўлмаган. Бу даврдаги қарлуқларнинг бошқарув усулини у "йирик қарлуқ қабила иттифоқи бирлиги" деб номлайди[15, С.161].

Қарлуқларнинг мазкур давлат бошқарув усулини "йирик қабилалар иттифоқи", деб шартли равишда номлашбалки тўғридир. Лекин фикримизча, бу ўринда "давлат" иборасини қўллашда туркий қабилаларнинг ўзига хос хусусиятлари, жумладан, давлат бошқарувидаги удумлари, мафкуравий қарашлари ҳамда маънавий хусусиятларини ҳам ҳисобга олиш керак. Чунки туркий давлатлар, туркий сулолалар энг кучайган давр-ларда, жумладан, бутун Ўрта Осиёдан тортиб, Кичик Осиёга қадар бўлган ҳудудларда яшовчи халқлар устидан сиёсий устунликни қўлга киритган ва давлат тепасида турган ҳоқонларнинг ваколат доираси мутлақ кенгайган вақтларда ҳам, уларнинг давлатни бошқарув усулида анъанавий қабила-уруғчилик удумлари сақланиб келган ва такомиллашиб, янгича тусга кириб борган.

#### **4. Хулосалар:**

Юқорида келтирилган маълумотларни умумлаштирадиган бўлсак, Ўрта Осиёнинг Олтой жанубий ёнбағирларидан бошланадиган шарқий қисмида, марказий Тяньшань этакларида, Чу, Ила ва Норин дарёлари водийлари бўйлаб, то Помирғача бўлган ҳудудларда туркий тилда гаплашувчи қабилалар уюшмаси яшаган.

Бу улкан ҳудудда яшаган аҳоли таркибига туркий қабила ва уруғларнинг жуда кўплаб гуруҳлари, яъни қарлуқ, чигил, яғмо, тўхси, уйғур ва ўғуз каби қабилалар

кирган. Қарлуқлар эгаллаган бу ҳудудлар эса Қарлуқ-Қорахонийлар давлати вужудга келган ўлкалар ҳисобланади. Бундан қарлуқлар ва уларга тегишли ҳудудларда яшаган қабилалар Қарлуқ-Қорахонийлар давлатининг негизини ташкил этади, деган мазмун келиб чиқади.

### Иқтибослар/Сноски/References

[1] Гумилев Л.Н. Қадимги турклар / Таржимон ва нашрга тайёрловчи Б. Ўрдабекли., А.Айритомий. - Тошкент: Фан, 2007 йил. - Б. 162.(Gumilev L.N. Ancient Turks / Translator and editor B. Urdabekli., A. Ayritomiy. - Tashkent: Fan, 2007. - pp. 162.)

[2] Гумилев Л.Н. Қадимги турклар / Таржимон ва нашрга тайёрловчи Б. Ўрдабекли., А.Айритомий. - Тошкент: Фан, 2007 йил. - Б. 264-265. (Gumilev L.N. Ancient Turks / Translator and editor B. Urdabekli., A. Ayritomiy. - Tashkent: Fan, 2007. - pp. 264-265.)

[3] Шониёзов К.Ш. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни. - Тошкент: Шарқ, 2001.-Б.155. (Shoniyozov K.Sh. The process of formation of the Uzbek people. - Tashkent: Sharq, 2001.-B.155.)

[4] Қадимий ҳикматлар / Тузувчи. Н. Раҳмонов., махсус муҳаррир. А. Қаюмов. - Тошкент: Фафур Фулом, 1987. - Б. 16-30. (Ancient wisdoms/ author N.Rahmonov., editor A. Kayumov. - Tashkent: Gafur Gulyam, 1987. - pp.16-30)

[5] Гумилев Л.Н. Қадимги турклар / Таржимон ва нашрга тайёрловчи Б. Ўрдабекли., А.Айритомий. - Тошкент: Фан, 2007 йил. - Б. 384-385. (Gumilev L.N. Ancient Turks / Translator and editor B. Urdabekli., A. Ayritomiy. - Tashkent: Fan, 2007. - pp. 384-385)

[6] Гумилев Л.Н. Қадимги турклар / Таржимон ва нашрга тайёрловчи Б. Ўрдабекли., А.Айритомий. - Тошкент: Фан, 2007 йил. - Б. 382-397. (Gumilev L.N. Ancient Turks / Translator and editor B. Urdabekli., A. Ayritomiy. - Tashkent: Fan, 2007. - pp. 382-397)

[7] Бичурин Н.Я. Собрание сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена. - М.- Л.: Изд. АН СССР, 1950. Т. I. - С. 298-300. (Bichurin N.Ya. A collection of information about people who lived in Central Asia in ancient times. - M.- L.: Publ. USSR Academy of Sciences, 1950.V. I. - S. 298-300.)

[8] Бичурин Н.Я. Собрание сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена. - М.- Л.: Изд. АН СССР, 1950. Т. I. - С. 347. (Bichurin N.Ya. A collection of information about people who lived in Central Asia in ancient times. - M.- L.: Publ. USSR Academy of Sciences, 1950.V. I. - p. 347.)

[9] Шониёзов К.Ш. Қарлуқ давлати ва қарлуқлар. - Тошкент: Шарқ, 1999. - Б. 192. (Shoniyozov K.Sh. The kingdom of Karluks and Karluks. - Tashkent.: Sharq, 1999. - p.192)

[10] Бичурин Н.Я. Собрание сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена. - М.- Л.: Изд. АН СССР, 1950. Т. I. - С. 269-293. (Bichurin N.Ya. A collection of information about people who lived in Central Asia in ancient times. - M.- L.: Publ. USSR Academy of Sciences, 1950.V. I. - p. 269-293)

[11] Малов С.Е. Памятники древнетюркской письменности. - М-Л.: Изд. АН СССР, 1951. -С. 40-46. (Malov S.E. Monuments of ancient Turkic writing. - ML: Publ. USSR Academy of Sciences, 1951. -p. 40-46)



[12] Бичурин Н.Я. Собрание сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена. - М.- Л.: Изд. АН СССР, 1950. Т. I. - С. 300-308. (Bichurin N.Ya. A collection of information about people who lived in Central Asia in ancient times. - M.- L.: Publ. USSR Academy of Sciences, 1950.V. I. - p. 300-308.)

[13] Шониёзов К.Ш. Қарлуқ давлати ва қарлуқлар. - Тошкент: Шарқ, 1999. - Б. 35-36. (Shoniyozov K.Sh. The kingdom of Karluks and Karluks. - Tashkent.: Sharq, 1999. - p.35-36)

[14] Бартольд В.В. Очерк истории Семиречья. - М.: Изд. Вост. лит., Т. II. Ч. I. 1963. - С. 35-40. (Bartold V.V. Essay on the history of the Seven Rivers. - M.: Publ. East lit., Т. II. Part I. 1963. -- S. 35-40)


[13] Шониёзов К.Ш. Қарлуқ давлати ва қарлуқлар. - Тошкент: Шарқ, 1999. - Б. 161. (Shoniyozov K.Sh. The kingdom of Karluks and Karluks. - Tashkent.: Sharq, 1999. - p.161)

# ЎТМИШГА НАЗАР ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST

Рузматова Шаходат Абдукаххаровна  
Қўқон ДПИ, Тарих факультети,  
Тарих ўқитиш методикаси кафедра ўқитувчиси

## ҚЎҚОН ХОНЛИГИ ҲУДУДИДАГИ ШАҲАРЛАР ВА АҲОЛИНИНГ ГЕОГРАФИК ЖОЙЛАШУВИ

*For citation: Ruzmatova Shaxodat Abdukaxharovna. GEOGRAPHICAL LOCATION OF CITIES AND TOWNS IN THE TERRITORY OF KOKAND KHANATE. Look to the past. 2020, vol. 1, issue 3, pp. 66-71*

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2020-1-8>

### АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада XVIII-XIX асрларда Фарғона водийси шаҳарларининг ҳудуди, ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ўрни, аҳолисининг этник таркиби, халқларнинг географик жойлашуви ўша давр даврий нашрларига асосан ёритиб берилган.

**Калит сўзлар:** Қўқон, Андижон, Марғилон, Туз, Конибодом, бурут, ўзбек, сарт, қипчоқ, қирғиз, қайсақ, Вамбери, Туркистон тўплами.

Рузматова Шаходат Абдукаххаровна  
преподаватель кафедры методики преподавания  
истории исторического факультета  
Кокандского государственного педагогического института

## ГЕОГРАФИЧЕСКОЕ ПОЛОЖЕНИЕ НАСЕЛЕНИЯ И ГОРОДОВ НА ТЕРРИТОРИИ КОКАНДСКОГО ХАНСТВА

### АННОТАЦИЯ

В данной статье пишется про социально-экономической и политической роли городов Ферганской долины во время правления Кокандского ханства в XVIII-XIX вв., про этнический состав и географическое расположение населения Ферганской долины.

**Ключевые слова:** Коканд, Андижан, Маргилан, Туз, Канибадам, Вамбери, бурут, узбек, киргиз, кайсақ, кипчак, сарт, Туркестанский сборник.

**Ruzmatova Shaxodat Abdukaxharovna**  
Kokand State Pedagogical Institute, History faculty,  
teacher of history teaching methods chair

## **GEOGRAPHICAL LOCATION OF CITIES AND TOWNS IN THE TERRITORY OF KOKAND KHANATE**

### **ABSTRACT**

The article describes the territory, social, economic, political place of the Fergana Valley cities in the 18th-19th centuries, the ethnic composition of the population and the geographical location of the peoples of that time periodical.

Index Terms: Kokand, Andijan, Margilan, Salt, Konibodom, burut, uzbek, sart, kipchok, kyrgyz, kaysak, Vamberi, Turkiston collection.

### **1. Долзарблиги:**

**Ф**арғона водийси мустақил Ўзбекистонимизнинг энг қадимги ҳудудларидан бири ҳисобланиб, унинг тарихини ўрганиш Ўзбекистон тарихини ўрганишдаги долзарб мавзу ҳисобланади. Хусусан, Фарғона водийсининг Қўқон хонлиги таркибидаги даври тарихини ўрганиш бугунги кунда ҳам мамлакатимиз олимлари томонидан изланиш олиб боришга ундаётган муҳим муаммолардан биридир.

Жамият тараққиётида демографик жараёнлар ва уларнинг ривожланиш тарихини ўрганиш салмоқли ўрин эгаллайди. Ўзбекистон демографик ҳолатини ўрганиш (аҳоли жойлашуви, миллий таркиби, туғилиш, умр кўриш йили кўрсаткичи, депопуляция, миграция жараёнлари, шаҳар ва қишлоқ аҳолисининг ўсиш ва пасайиш даражалари, аҳолини иш билан таъминланганлиги, демографик тизимнинг шаклланиши) чуқур таҳлил қилиш ва турли босқичларда унга баҳо бериш зарурияти доимий долзарб мавзу. Бунинг учун албатта мамлакат тарихий демографиясини ўрганиш айти мурдао.

### **2. Методлар ва мавзунинг ўрганилганлик даражаси:**

Мақола умум қабул қилинган тарихий методлар-тарихийлик, қиёсий-мантиқий таҳлил, кетма-кетли, ҳолислик тамойиллари асосида ёритилган. Бугунги кунда Ўзбекистонда амалга оширилаётган сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, маданий ўзгаришларнинг барчаси аҳоли турмуш даражасини ошириш, меҳнат фаолиятини яхшилаш, ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, халқнинг фаровон турмуш кечиришига қаратилган. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон Фармони билан тасдиқланган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси [1, Б.2] мамлакатнинг давлат ва жамият ривожланиши истиқболини стратегик режалаштириш тизимига сифат жиҳатдан янги ёндашувларни бошлаб берди. Давлат дастурида ижтимоий соҳани ривожлантириш йўналишида белгиланган вазифаларга алоҳида эътибор қаратилди, жумладан аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва фуқаролар соғлигини сақлашни янада кучайтириш бўйича комплекс чора-тадбирларни рўёбга чиқариш, ижтимоий дорихоналарнинг ривожланган тармоғини яратиш, аҳоли бандлиги ва фуқароларнинг реал даромадларини оширишда масъулият билан ёндашиш, аҳолининг яшаш шароитини янада яхшилаш юзасидан намунавий лойиҳалар

бўйича арзон уй-жойлар қуриш аниқ ва мақсадли тизимнинг [2,Б.1] яратилганлиги дастур халқ манфаати учун хизмат қилишининг исботидир.

Мамлакатимиз сиёсий ҳаётида қабул қилинаётган қонунлар, қарорлар, устувор йўналишлар, ислоҳотларни амалга оширишда тарихий демография таҳлилларига суяниш энг тўғри йўлдир. Тарих берган сабоқ, ижобий ва салбий оқибатлар таҳлили бугунги кун ва келажакни белгилашда энг асосий кўрсатмалардан бири бўлиши шубҳасиз.

Халқнинг 200-300 йил олдинги ҳаёти, турмуш даражаси, иқтисодий аҳволи, иш билан бандлиги, оила-никоҳ муносабатлари, миграция жараёнларининг аҳоли ҳаётига ҳар жиҳатдан таъсири, хонларнинг аҳолига нисбатан олиб борган сиёсатлари, уларнинг оқибати, таҳлили бугунги кунда давлат томонидан олиб борилаётган сиёсатни тўғри ва аниқ белгилаб олишда керакли манба бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Мамлакатнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий жараёнларининг келиб чиқиши, тараққиёти кўп жиҳатдан демографик жараёнларга боғлиқ. Демографияни маълум бир давр, ҳудуд, давлат, аҳолига бўлиб ўрганиш мумкин. Биз кўриб чиқаётган мавзу Қўқон хонлиги даврида Фарғона водийси ҳудудлари аҳолисининг демографияси.

Қўқон хонлиги XVIII-XIX асрларда Ўзбекистон ҳудудининг катта қисмини эгаллаган давлат бўлиб, унинг тарихини ўрганиш мамлакатимиз тарихини ёритишда муҳим аҳамият касб этади. Хонлик тарихи турли даврларда кўплаб тадқиқотчи олимлар томонидан ўрганилган ва ёритилган, хусусан XVIII-XIX асрларда яшаб ижод этган маҳаллий муаррихлар томонидан битилган кўлөзма асарлар [3], архив материаллари [4] бирламчи манба ҳисобланса, мустамлака ва совет даврига оид асарлар [5], даврий нашрлар [6] ҳамда мустақиллик даврида нашр этилган тадқиқотлар [7] бунга яққол мисол бўла олади.

Юқоридаги манбалар ва адабиётларда Қўқон хонлиги даври тарихи, давлатчилиги, ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаёти билан бир қаторда аҳолининг ҳудудлар бўйича жойлашиши, этник таркиби, миграция жараёнлари ҳам акс этган. Ушбу манбалардан бири "Туркистон тўплами" ҳисобланади. Ушбу тўплам Туркистон генерал-губернатори К. П. Кауфман буйруғига асосан тузила бошланган бўлиб, у Ўрта Осиёнинг 1917 йилгача бўлган тарихи, этнографияси, маданияти ва географиясига оид ўзига хос энциклопедия ҳисобланади. "Туркистон тўплами" 594 томдан иборат. "Туркистон тўплами"га Чор Россиясининг Ўрта Осиё ҳудудидаги мустамлакаларига оид бўлган турли хил мавзудаги ҳар хил босма ҳужжат материаллари (китоблар, газета ва журналда чоп этилган маълумотлар, мақолалар) киритилган.

### **3.Тадқиқот найжалари:**

Қўқон хонлиги аҳолиси мураккаб этник таркибга эга бўлиб, аҳолининг асосий қисмини хонликнинг турли ҳудудларида яшаган ўзбеклар ташкил қилган. Булар асосан туркийзабон ва форсийзабон аҳолининг ассимиляцияси натижасида шаклланган кўчманчи ва ярим кўчманчи "сарт"лар, турк-мўғул уруғларидан ташкил топган туркийлар ва Муҳаммад Шайбонийхон сабаб Дашти Қипчоқ ҳудудидан кириб келган уруғлардир.

"Туркистон тўплами"да Қўқон хонлиги аҳоли жойлашуви географияси тўғрисидаги маълумотлар асосан 4, 23, 116, 185, 195, 249-томларида учрайди.

Хонлик ҳудудидаги шаҳарлар ва аҳоли сони тўғрисидаги маълумот тўпламнинг 23-томида келтириб ўтилади, унга кўра Қўқон шаҳри 12 қисмга бўлинган бўлиб

ҳар бир қисмида 50 тадан масжид мавжуд бўлган ва бу кўрсаткич албатта бўрттириб кўрсатилганлиги айтилган [8,Б.34].

Андижон шаҳри хонликнинг аввалги пойтахти бўлиб, Сирдарёдан унча узоқ бўлмаган хушманзара ҳудудда қурилганлиги, 20 минг аҳолига эга эканлиги ва ушбу шаҳар ёнида 1 минг аҳолига эга Шахрихон шаҳри жойлашганлиги ҳақида маълумотлар бор [9,Б.35].

Марғилонни эса ипакчиликнинг маркази, улкан боғлар ва 12 минг аҳолисига эга эканлиги, Наманган хонликнинг энг яхши шаҳарларидан бири бўлиб, 15 минг аҳолиси борлиги ҳақида айтиб ўтилган [9,Б.35]. Ўш унча катта бўлмаган шаҳарча бўлиб тоғларга туташиб кетади, 1та қадимий қалъаси ва 2та мадрасаси мавжуд, тоғдан тушаётган икки ирмоқдан фойдаланади, улардан бири Олтин қозиқ деб номланиб тилло борлигига ишора қилаётгандай [9,Б.35].

Туз (ҳозирги Чуст) шаҳри Хўжанд каби деярли бир хил аҳамиятга эга шаҳар бўлиб, бек томонидан бошқарилади. Исфара унча катта бўлмаган шаҳарча бўлиб, Исфара дарёси оқиб ўтадиган аҳоли водийси ҳудудида жойлашган. Исмана шаҳри эса Қўқон хонлигининг жанубий чегараларини белгилаб бериб, Зарафшон водийсига ўтадиган, ёзда туялар учун макон бўладиган довонлари мавжуд.

Конибодом Хўжандга кетаверишдаги йўлда жойлашган бўлиб, ажойиб мевали боғлари билан машҳур, ипак қуртини етиштириб беришда етакчи ўринни эгаллайди. Қўқонликлар учун муҳим аҳамиятга эга бўлган қалъа Маҳрам (ҳозирги Қайроққум сув омбори ўрни, Хўжанд ва Конибодом оралиғида жойлашган) қалъасидир. У деворлар билан ўралган бўлиб, тузилиши жиҳатидан узун тўртбурчакни эслатади [10,Б.36].

Юқорида келтирилган шаҳарлардан ташқари номлари билангина машҳур бўлган яна бир неча шаҳарлар мавжуд: Ўзган, Сўх, Лайлак ва Косон. Афтидан ушбу шаҳарлар унча катта ва аҳамиятли бўлмаган [10,Б.36]. Қўқон хонлиги шаҳарлари тўпламда шу тарзда ёритилган.

Тўпламнинг 4-томида венгр олими Херман Вамберининг "Этнографический очерк Средней Азии" асарида хонлик аҳолисининг этнографик қиёфаси ҳақида маълумотлар [11,Б.307] келтирилган. Унга кўра Вамбери ушбу ҳудудда яшайдиган туркий уруғларни 5та гуруҳга ажратади: 1) бурутлар, қора ёки ҳақиқатда қирғизлар; 2) қирғизлар, қайсақ уруғига тегишли; 3) қорақалпоқлар; 4) туркманлар ва 5) ўзбеклар (боши катталар).

Бурутлар Туркистоннинг шарқий чегарасида, айнан Тянь-Шаннинг тоғли водийларида, Қўқон чегарасидаги Иссиқкўл бўйларида истиқомат қилишади. Қипчоқлар бурут уруғининг бир бўғинини ташкил қилган бўлса керак, улар Қўқон ҳудудига кўчиб келиши биланоқ ислом динини қабул қилган. Бурутларнинг мўғул-қалмиқ турига кирувчи қирғизлар бу келиб чиқишдан анча узоқлашган бўлсаларда, тил, яшаш турмуш тарзлари билан бурутлардан унчалик фарқ қилмайдилар. XIX асрнинг бошларида Хива хонлигига кўчиб ўтган қорақалпоқлар юз тузилишлари жиҳатидан қирғизнинг ўзбеклашуви жараёни намояндалари ҳисобланишади.

Чорвачилик билан шуғулланувчи туркманлар форсларга аралашмасдан ҳақиқий турк-мўғул ирқи кўринишларини ўзларида сақлаб қолганлар. Бухоро ўзбеклари эса Бухорода қадимдан яшовчи форслар, Эрон ҳудудидан келган қуллар билан аралашиб турк-мўғул ирқининг кўринишларини деярли йўқотганлар.

Хива ўзбекларини тўлиқ юзидан, кичик пешонасидан, оғиз қисмининг катталигидан, Бухоро ўзбекларини эса дўнг пешонасидан, жағ қисми узун ва

учлилигидан ажратиб олиш мумкин. Қўқон ўзбеклари эса қирғизларга ўхшаб кетади.

Тўпламнинг 23-томида эса Қўқон хонлигининг ўтроқ ва кўчманчи аҳолиси асосан 3та қавмга тегишли эканлиги (ўзбеклар, сартлар, қирғизлар) ҳақида маълумотлар [12,Б.30] мавжуд.

Келиб чиқиши туркий уруғдан бўлган ўзбеклар Қўқонда кўпчиликни ташкил этиб ҳукмрон қабила ҳисобланади ва асосан ўтроқ ҳаёт кечиради. Бухоро ва Хива ўзбекларидан фарқли ўлароқ Қўқон ҳудудидаги ўзбеклар жанговарлик сифатларини деярли йўқотганлар.

Туроннинг туб аҳолиси ҳисобланган сартлар хонликнинг ғарбий қисмида истиқомат қилиб, соф форс тилида сўзлашадилар. Тоғли ҳудудларда эса голаглар (қора сартлар) яшайдилар, пул топиш мақсадида Фарғона водийсига ҳар йили тушиб турадилар.

Қирғиз аҳолисига эса қора-қирғизлар ва бурутлар киради, яъни қора ёки ёввойи қирғизлар. Уларнинг кўп қисми ўзларини қўқонликлардан ҳимоя қилиш мақсадида Россия қарамоғига ўтганлар. Сирдарёдан жанубда яшовчи қора-қирғизлар ўзларининг жанговарлик сифатларини сақлаб қолиш билан бир қаторда хонликка ўз сўзларини ўтказганлар, чунки Қошғар ва Хитой давлатларига олиб борувчи асосий тоғ йўллари шу қавмларга тегишли эди.

Қипчоқлар ўта жанговар қавм ҳисобланиб 16 йилдан ортиқроқ хонлик сиёсий ҳаётини бошқарганлар, 1853 йилда эса сартлар томонидан қирибюборилганлар. Қирғиз-қайсақларнинг катта қисми эса Россия ҳукмронлиги остида яшаганлар.

Юқоридаги халқлардан ташқари Қўқон хонлиги ҳудудида бухороликлар, афғонлар, ҳиндлар ва яҳудийлар истиқомат қилганлар, улар асосан савдо-сотик ишлари билан шуғулланганлар.

Манбаларда хонликнинг ўтроқ аҳолиси тахминан 350-600 мингни ташкил этса, кўчманчи аҳолиси 200 мингдан кўп эмаслигини айтиб ўтилади ва хонликнинг умумий аҳолиси 600 ва 800 минг оралиғида [13,Б.31] деб хулоса қилинади.

Хонликнинг пойтахти бўлган Қўқон шаҳрида аҳоли сони 20 мингдан 30 минггача, лекин маҳаллий аҳоли шаҳарда 20 мингга уй ва 80 минг аҳоли истиқомат қилишини айтади. Бундай номутаносибликка сабаб осиеликлар шаҳар атрофидаги қишлоқлар аҳолисини ҳам қўшиб ҳисоблаганликларидир [14,Б.32], деб маълумотлар берилган.

"Туркистон тўплами"нинг 185-жилдида эса хонлик аҳолиси 1 миллионга яқинлиги ҳақида айтилади [15,Б.242]. Ва яна, хонликнинг ўтроқ аҳолиси сартлар ва ўзбеклардан ташкил топган бўлиб, улар асосан шаҳар қурилиши, ишлаб чиқариш ва савдо билан шуғулланиши, қўшни халқлар қипчоқлар ва қора-қирғизлар эса тоғли ҳудудларда яшаб қароқчилик билан кун кечиришлари ҳақида айтиб ўтилган.

#### **4. Хулосалар:**

Хулоса қилиб айтганда, Қўқон хонлиги таркибидаги Фарғона водийси шаҳарлари аҳолиси ва уларнинг географик жойлашуви ҳақида "Туркистон тўплами"да турли хил маълумотлар мавжуд бўлиб, уларни бошқа бирламчи манбалар ҳамда шу кунга қадар қилинган тадқиқотлардаги маълумотлар билан солиштирган ҳолда қайта кўриб чиқишни тақозо қилади. Мазкур жараёнда хонликнинг ҳудуди доимо ўзгариб турганлигини назарда тутиш керак. Бу борада тадқиқот олиб бориш долзарб вазифалардан ҳисобланади.

**Иқтибослар/Сноски/References**

- [1] Халқ сўзи. Тошкент, "Шарқ", 2017 й. 08. 02, №28 (6722), 2-бет.
- [2] Халқ сўзи. Тошкент, "Шарқ", 2018 й. 27.04, № 84
- [3] Muhammad Siddiq Rushdiy "Тазкират ул авлиёи туркий">// Низомий номидаги ТДПИ кутубхонаси фонди Инв. №646; Muhammad Hakimxontura. Мунтахаб ут-таворих-ЎЗР ФА ШИ, қўлёзма, инв. №594; Mulla Niyoz Muhammad. Тарихи Шохрухий.-ЎЗР ФА ШИ, қўлёзма, инв. №4463; Mirzo Olim Mushrif. Ансоб ус-салотин ва таворих ул-ҳавоқин / нашрга тайёрловчилар А. Matgoziyev, М. Usmonova Тошкент, 1995.-Б. 128. ЎЗР ФА ШИ, қўлёзма, инв. №1314 ва б.
- [4] ЎзМА фонд И-І, рўйхат-32, йиғма жилд-332, варақ-11; Ўз МА фонд И-І, рўйхат-16, йиғма жилд-2, варақ-6; Ўз МА фонд И-І, рўйхат-29, йиғма жилд-7, варақ-22; ЎзМА фонд И-І, рўйхат-29, йиғма жилд-15, варақ-6;
- [5] Velyaminov-ZernovV. Исторические известия о Кокандском ханстве, от Мухаммеда Али до Худаярхана. Труды Восточ. отд. Русского Археол. Общества, 1856, часть 11, 42с.; Ўша муаллиф. Сведения о Кокандском ханстве. Вестник ИРГО, 1856, кн. V, гл. XVIII, с. 107-152; Кун А. Л. Сообщение о Коканде. Изв. ИРГО, 1876, т. 12, №2, с. 72-77, Туркестан сб., т. 150, с. 148; Ўша муаллиф. Некоторые сведения о Ферганской долине. Воен. сборник, 1876, т. 108, №4, с. 417-418. Туркестанский сб., т. 117, с. 417-477 ва б.
- [6] Agzamova G. A. Ремесло и торговля в ханствах Средней Азии. Дис., Ташкент, 2000г. 348 стр.; VababekovX. N. Народные движения в Какандском ханстве и их социально-экономические и политические предпосылки (XVIII-XIX вв.) Дис., Ташкент, 1991 г., 303 стр.; Ўша муаллиф. История Коканда. Издательство "Фан" АН Республики Узбекистан, Ташкент, 2006 г., 243 стр.; VoxidovSh. X. Развитие историографии в Кокандском ханстве в конце XIX начале XX века. Дис., Ташкент, 1998 г. 305 стр.
- [7] Военный сборник, Санкт Петербург, 1869 г. Туркестанский сб., т. 23, стр. 34. (Military collection, St. Petersburg, 1869 Turkestan collection, t. 23, p. 34.)
- [8] Военный сборник, Санкт Петербург, 1869 г. Туркестанский сб., т. 23, стр. 35. (Military collection, St. Petersburg, 1869 Turkestan collection, t. 23, p. 35.)
- [9] Военный сборник, Санкт Петербург, 1869 г. Туркестанский сб., т. 23, стр. 36. (Military collection, St. Petersburg, 1869 Turkestan collection, t. 23, p. 36.)
- [10] Этнографический очерк Средней Азии. Вамбери. Санкт Петербург, 1878 г. Туркестанский сб., т. 4, стр. 307.
- [11] Военный сборник, Санкт Петербург, 1869 г. Туркестанский сб., т. 23, стр. 30. (Military collection, St. Petersburg, 1869 Turkestan collection, t. 23, p. 30.)
- [12] Военный сборник, Санкт Петербург, 1869 г. Туркестанский сб., т. 023, стр. 31. (Military collection, St. Petersburg, 1869 Turkestan collection, t. 23, p. 31.)
- [13] Военный сборник, Санкт Петербург, 1869 г. Туркестанский сб., т. 023, стр. 32. (Military collection, St. Petersburg, 1869 Turkestan collection, t. 23, p. 32.)
- [14] Кокандское ханство, Грамотей, стр. 3, 1876 г., Туркестанский сб., т. 185, стр. 242. (Kokand Khanate, Literacy, p. 3, 1876, Turkestan collection, t. 185, p. 242.)

# ЎТМИШГА НАЗАР ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST

Ҳамаев Нодирбек Момунович

Фарғона давлат университети,

Жаҳон тарихи кафедраси катта ўқитувчиси hamayev@mail.ru

## ТУРКИСТОНДА СОВЕТ ҲОКИМИЯТИГА ҚАРШИ ҚУРОЛЛИ ҲАРАКАТ ("YENI TÜRKISTAN" ВА "YAŞ TÜRKISTAN" МАТЕРИАЛЛАРИ АСОСИДА)

*For citation: Khamayev Nodirbek Mominovich. ARMED MOVEMENT AGAINST SOVIET AUTHORITY IN TURKESTAN (BASED ON MATERIALS "YENI TÜRKISTAN" AND "YAŞ TÜRKISTAN"). Look to the past. 2020, vol. 1, issue 3, pp. 72-78*



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2020-1-9>

### АННОТАЦИЯ

Мақолада муҳожир туркистонликлар нашр этган газета ва журналларнинг совет ҳокимиятига қарши қуроли курашнинг сабаб ва оқибатларини ёритишдаги аҳамияти таҳлил этилган.

**Калит сўзлар:** даврий матбуот, газета, журнал, муҳожир туркистонликлар матбуоти, "босмачилик", "босмачилик ҳаракати", совет ҳокимиятига қарши қуроли ҳаракат, "Yeni Türkistan", "Yaş Türkistan"

Ҳамаев Нодирбек Момунович

Ферганский государственный университет,

старший преподаватель кафедры мировой истории hamayev@mail.ru

## ВООРУЖЕННОЕ ДВИЖЕНИЕ ПРОТИВ СОВЕТСКОЙ ВЛАСТИ В ТУРКЕСТАНЕ (НА ОСНОВЕ МАТЕРИАЛАХ "YENI TÜRKISTAN" И "YAŞ TÜRKISTAN")

### АННОТАЦИЯ

В статье анализируется место издававшихся эмигрантскими организациями за рубежом газет и журналов в освещении причин и последствий вооруженной борьбы против советской власти в Туркестане.



Ключевые слова: периодический печать, газета, журнал, печать туркестанцев-эмигрантов, "басмачество", "басмаческое движение", вооруженное движение против советского режима, "Yeni Türkistan", "Yaş Türkistan".

**Khamayev Nodirbek Momunovich**

the Ferghana State University, Senior lecturer at the  
Department of the World history hamayev@mail.ru

## ARMED MOVEMENT AGAINST SOVIET AUTHORITY IN TURKESTAN (BASED ON MATERIALS "YENI TÜRKISTAN" AND "YAŞ TÜRKISTAN")

### ABSTRACT

The article analyzes the role of newspapers and magazines published by emigrant organizations abroad in covering the causes and consequences of the armed struggle against the Soviet regime in Turkestan.

**Index Terms:** periodical press, newspaper, magazine, press of emigrant-Turkestans, "basmachies", "basmachies movement", armed movement against the Soviet regime, "Yeni Türkistan", "Yaş Türkistan"

### 1. Долзарблиги:

Туркистонни тарк этган жадид мунавварларининг бир қисми ўзлари маскан топган мамлакатларда ноширчилик фаолиятини давом эттирдилар. Улар оммавий ахборот воситалари орқали Туркистоннинг ўша вақтдаги аҳволи ва истиқлоли ҳақидаги ўз фикр ҳамда гоёлари билан ўзаро ўртоқлашдилар. Хорижда Туркистоннинг ҳаёти ва келажаги билан боғлиқ маълумотлар дастлаб газета ва журналлар воситасида тарқала бошлади. Айни вақтда шу йўл билан Туркистондаги сиёсий-иқтисодий жараёнлар жаҳон аҳлига етказилар эди. Муҳожир туркистонликлар бунинг учун хориж матбуотидан ва ўз кучлари билан ташкил этган матбуот органларидан фойдаландилар [4, С 30].

### 2. Методлар ва ўрганилганлик даражаси:

Мақолада кўтарилган мавзу бир қатор тарихчи олимлар томонидан тадқиқ этилган. Хусусан айнан турк тарихшунослигида совет ҳокимиятига қарши қуролли ҳаракат тарихининг ўрганилиши С.Шадманова томонидан тадқиқ этилган бўлса, "Yeni Türkistan", "Yaş Türkistan" журналлари материалларидан Қ.Ражабов ҳаракат тарихининг янги концепциясини яратишда, Т.Қаҳҳор эса уларнинг манбавий жиҳатларини ўрганган. Тадқиқотда тарихийлик, холислик, объективлик, қиёсий таҳлил, тизимлаштириш каби методлардан фойдаланилди.

### 3. Тадқиқот натижалари:

Хориждаги ватандошларимиз асос солган нашрларнинг асл мақсади Туркистон озодлиги гоёсини илгари суриш эди. Улар бу гоёни иқтисодий-ижтимоий ва сиёсий омиллар асосида амалга ошириш мумкинлигини матбуот орқали баралла айтдилар.

Шу ўринда қисқача юрт озодлиги учун олиб борилган қуролли ҳаракат тарихини акс эттирган муҳожир туркистонликлар матбуотининг кўзга кўринган вакиллари "Yeni Türkistan", "Yaş Türkistan" ҳисобланиб, уларнинг асосий мақсади Туркистон

мустақиллиги ва озодлиги учун кураш [4, С.32; 9, S.46], деб белгиланди.

Ушбу журналларда Туркистондаги совет ҳокимиятига қарши қуролли ҳаракат тарихига оид мақолалар талайгина. Уларда ҳаракатнинг вужудга келиш сабаблари ва моҳияти ҳақида ўзига хос фикрлар берилган. Жумладан, Туркистон ҳудудида мустақиллик учун кураш сифатида кўтарилган халқ ҳаракати бўлмиш "босмачилик ҳаракати" (истиклолчилик ҳаракати - Н.Ҳ.) нинг вужудга келиши 1916 йилдан, яъни туркистонликларнинг мардикорликка жалб этилишидан сўнг бошланиб, бу ҳолат ўлка аҳолиси миллий гурурини топталишининг энг юқори нуқтаси эканлиги қайд этилади [10, S.1-7; 6, S. 5-9; 7, S. 21-26; 11, S. 9-14].

Журналда бу ҳаракатни вужудга келтирган энг асосий омиллар сифатида ўлкани Россия империяси томонидан батамом мазлум ҳолга солиниши, Ўрта Осиёнинг асосий пахта етиштирувчи ҳудуди - Фарғонада пахтачиликнинг хароб ҳолга келиши ҳамда маҳаллий аҳолининг ихтиёридаги ерни совет давлати томонидан тортиб олиниши кабилар кўрсатилади.

Муҳожир туркистонликлар матбуотида ҳаракатнинг номланиши, моҳияти, унинг халқ ҳаракати даражасига кўтарилиш омиллари ҳамда мағлубиятга учраши сабаблари ҳақида ҳам оригинал фикрлар баён қилинган. Аввало, қуролли ҳаракат давом этаётган вақтда унинг гувоҳи бўлган шахсларнинг ёзган мақолаларида уларнинг берган маълумотлари асосида тайёрланган материалларда нега бу ҳаракат "босмачилик ҳаракати" деб номланганлигига ҳам изоҳ берилган. Яъни, бу ҳаракатнинг дастлабки етакчилари ҳисобланган Катта Эргаш ва Муҳаммад Аминбек маълум вақт ҳукуматга ишлаганликлари туфайли уни "босмачилик ҳаракати" деб номланганлиги айтилади. Бироқ, бу шахсларнинг асл мақсади Туркистон озодлиги бўлганлиги боис, номлари оқланиб, "босмачилик ҳаракати" ҳам ҳақиқий маънодаги озодлик кураши сифатида баҳоланади. Мақола муаллифи буни исботлаш учун Англия тарихига мурожаат қилади: "... Ёмон исмларнинг давр ўтиши билан ҳақорат маъносини билдирган ибораси энг ҳурмат этиладиган иборага айланиши тарихий ҳақиқатдир. Масалан, Инглиз Муҳофазақорлар партияси бўлган партиянинг номи инглизча "Whig" сўзидан олинган. Бу сўз қадимдан "бузғунчи", ҳатто "талончи" маъноларини билдирар эди. Бугун эса бу сўз "Давлат тартибини қўриқлаш" маъносини билдиради. "Whig" сўзининг олдинги маъноси бутунлай унутилгандек, гўё.

Бизнинг "босмачи" иборамиз ҳам шу тушунча кабидир. Унинг тарихдаги ёмон маъноси Москва ва большевиклар тарафидан миллатимизнинг гуноҳсиз оққан қонлари билан ювилиб кетди. Бугунги кунда "босмачи" сўзи "муҳоҳид" маъносида қўлланилмоқда" [12, S. 437].

Яна бир бир ўринда "босмачилик ҳаракати"нинг бундай номланиши ва унинг вужудга келиши хусусида бошқачароқ фикр баён қилинади. Яъни, Қрим ва Кубанда бўлгани сингари, рус бошқарувига кўнмаган маҳаллий аҳоли кўлига қурол олди. 1918 йил Қўқондаги миллий ҳукумат руслар тарафидан тугатилгандан кейин яна тоққа чиққиб кетган ўзбек босмачилари ҳаракати кенгайиб, бутун халқ ҳаракатига айланди. Қўқон хонлигида ҳарбий унвон бўлган "қўрбоши" унвонини ўзига олган тўда раҳбарлари ўзларини яхши назорат қилган ҳолатда халққа тегмаганликлари учун бутун халқ уларни қўллаб-қувватлади. Яъни, Туркистон халқи қуллик ўрнига қароқчиликни танлади. Шу боисдан ҳам ушбу ҳаракатни рус матбуоти "босмачилик ҳаракати" деб номлаган бўлса-да, уни миллий-озодлик учун кураш сифатида баҳолаш тўғри бўлади [5, S.41-42].

Тарихчи олим Қ.Ражабов ўз вақтида таъкидлаганидек, Мухторият ҳукуматининг

тор-мор этилиши истиқлолчилик ҳаракатининг бошланишига сабаб бўлди, деб ҳисобламаслик керак [2, S.85]. Аслида "Қўқон фожеаси" совет ҳокимиятига қарши шундоқ ҳам этилиб турган, бошланиши муқаррар бўлган қуролли курашни бошланиши учун туртки, баҳона бўлди, холос.

Муҳожир туркистонликлар матбуотида ҳам шунга яқин фикрлар мавжуд. Яъни, Мухториятчилар биринчи навбатда миллий-озодликка қурбонларсиз, ҳеч бўлмаса, кам қурбонлар бериш эвазига эришишни истар эдилар. Аммо босмачиликнинг дастлабки даврида бу ҳаракат Қўқон шаҳри чегарасидан чиқиб, атрофга ёйилгач, курашга раҳбарлик қилган шахслар бундай гоё, низом ва тартибни йўлга қўя олмади. Ҳаракатнинг энг заиф томони ҳам шу эди. "Босмачилик ҳаракати"нинг вужудга келиши ва давом этишида Мухториятчиларнинг ҳеч қандай таъсири бўлмаган. Мухториятчилик ўзи қисқа вақт давом этган, шу боисдан бу гоё миллий-озодлик курашининг гоёси бўлолмади. Фақат мухтор ҳукуматнинг большевиклар тарафидан шафқатсиз тугатилиши Туркистон халқининг миллий туйғуларини галаёнга келишига ва ҳаракатнинг бошланишига олиб келган.

Қўқонда бошланган бу ҳаракат кўп ўтмай бутун Фарғонага ёйилди. Ҳар ерда қўрбоши тўдалари вужудга келди. Фақат ҳар бир қўрбоши ўз тўдаси ва бутун ҳаракатларида эркин бўлишни, ҳатто бошқаларни ўзига бўйсундиришни истади. Миллий-озодлик кучларининг раҳбарлари орасидаги бу рақобат озодлик курашига салбий таъсир кўрсатган энг муҳим омил бўлди. Масалан, Эргаш қўрбоши (Катта ёки Мулла Эргаш - Н.Х.) Қўқонда миллий ҳаракат бошлаган вақтда барча қўрбошилар уни ўз қўмондонлари сифатида тан олдилар ва унинг буйруқлари асосида ҳаракат қилдилар. Ҳаракат Қўқон чегарасидан ташқарига чиқиб, янги ҳудудларни қамраб олгандан сўнг, бу ҳудудларда раҳбарликни Марғилон шаҳар қўрбошиси Муҳаммад Аминбек қўлига олди. Унинг қўл остидаги йигитлари сонининг кундан кун кўпайиб бориши қаршилиқ ҳаракатидаги таъсир доирасини ҳам кенгайтириб борди. Бу эса курашга умумий раҳбарлик борасидаги ўзаро рақобатга олиб келди [7: 21-26- s.]. Мақола муаллифи таъкидлаганидек, "босмачилик ҳаракати"нинг етакчилари ўртасидаги якка ҳумронликка интилишнинг мавжудлиги, ягона сиёсий бирлик ва стратегиянинг шаклланишига тўсқинлик қилган ҳамда уларнинг барчаси мағлубиятга учраган.

"Yeni Trkistan", "Ya Trkistan" журналларида келтирилган маълумотлардан босмачилик ҳаракати вужудга келган вақтда унинг асосий ҳаракатлантирувчи кучлари қишлоқ аҳолиси бўлганлигини билиш мумкин. Туркистон Мухторияти тугатилгандан кейин ҳаракат бошлаган Кичик Эргаш ҳам ўзининг қароргоҳи сифатида Бачқир қишлоғини танлаган. Қўл остидаги йигитларнинг кўпчилиги шу қишлоқдан ёки унинг атрофидаги бошқа қишлоқлардан бўлган. Бунга қарши ўлароқ шаҳарлик зиёлилар "босмачилик ҳаракати"ни у қадар қўллаб-қувватламаганлар. Чунки бу даврда босмачи гуруҳлари етакчилари асосан уламолар (қадимчилар - Н.Х.) таъсири остида эдилар. Шу сабабли босмачилик ҳаракатига қўшилишни истаган ва бу ҳаракатнинг миллий мустақиллик ҳаракатининг бошланғич нуқтаси бўлишини билган кўп зиёлилар Бухоро амири ва мутаассиб уламоларнинг қўлида ўйинчоқ бўлишдан қўрқиб, якуний қарорга кела олмадилар [10, S.1-7]. 1921 йилда Бухоро амири Афғонистонга ўтиб кетгандан кейин зиёлилар орасида "босмачилик" ҳаракатига раҳбарлик қилишни қўлга олишга интилиш кучайди. Аний вақтда қуролли ҳаракат раҳбарларининг кўпи, хусусан, Самарқанд ва Фарғона вилоятларида "Туркистон миллий иттиҳоди" (кейинчалик - "Туркистон

миллий бирлиги") сиёсий ташкилотига аъзо бўлганлар ва ҳаракатга зиёлилар бошқарувини тан олдилар. Шу билан бир қанча зиёлилар босмачилик ҳаракатига қўшилдилар [8, S.41-42]. Ана шу даврдан эътиборан "босмачилик ҳаракати" миллий ҳаракатга айланди.

Лекин ҳаракат умуммиллий даражага кўтарилган бўлса ҳам, у совет давлатининг ташқи сиёсатда барча таъсирлардан ҳоли бўлган даврига тўғри келди. Бундан ташқари большевикларнинг ўлкада амалга оширган миллийлаштириш сиёсати, диний таъқиблар, "синфсиз жамият" қуриш, пахта масаласи [7, S.21-26; 5, S.41-42], ва ниҳоят, 1921-1922 йилларда Фарғонадаги қурғоқчилик оқибатида юзага келган даҳшатли очарчилик [3, С.311-312; 1,С.319-320] каби сабаблар туфайли истиқлолчилик ҳаракати етарлича ривожланмади. Шунга қарамадан, бу ҳаракат Туркистон халқида кучли миллий руҳнинг вужудга келишини таъминлади. Босмачиларнинг сон жиҳатдан камайган лидерлари ҳам миллий исёнинг бундан кейин тартибли бир тизим доирасида ва замонавий армия билан олиб борилиши кераклигини тушуниб етган эдилар. Фарғоналик Муҳаммад Аминбек (Мадаминбек - Н.Ҳ.) ҳаракатни замонавий ҳарбий ташкилотга айлантиришга ва унинг сафига ёшларни жалб қилишга интилди [5, S. 41].

Муҳожир ватандошлар матбуотида совет ҳокимиятига қарши курашнинг мағлубиятга учраш сабаблари тўғрисида ҳам ўзига хос нуқтаи назарлар учрайди. Жумладан, муҳожир ватандошларимиз ҳаракат етакчиларини бирлаштириб турган асосий омил - Туркистон озодлиги эканлигини таъкидлаган ҳолда, ҳаракат раҳбарларининг сиёсий жиҳатдан пухта тайёргарликка эга эмасликлари ва минтақадаги ҳаракатнинг ягона сиёсий раҳбарсиз давом этганлиги унинг мағлубияти сабабларидан бири бўлди, деб таъкидлаганлар. Лекин бу билан совет ҳокимиятига қарши қуролли кураш етакчиларини сиёсий жиҳатдан саводсизлик ва сансалорликда айблаб бўлмайди. Чунки Мадаминбек, Шермуҳаммадбек, Муҳиддинбек, Иброҳимбек каби йирик қўрбошилар ўша пайтдаги сиёсий вазиятни жуда яхши англади, "босмачилар"га нисбатан жуда яхши қуролланган қизил армияга қарши курашда худди шундай қўшин зарурлигини тушунардилар. Лекин афсуски, "босмачилар" сафидаги йигитларнинг аксарияти хат-саводсиз ва сиёсатдан йироқ кишилар эди. Улар билан эса катта марралар сари интилишнинг имкони йўқ эди.

#### **4. Хулосалар:**

Муҳожир туркистонликлар матбуотининг советларга қарши қуролли кураш ҳақидаги маълумотлари таҳлилига хулоса сифатида шуни айтиш мумкин: Ота юртдан узоқда бўлса-да, матбаачилик фаолиятини давом эттирган ватандошларимиз мунтазам равишда Туркистондаги воқеаларни кузатиб борганлар. Айниқса, совет ҳокимиятига қарши қуролли кураш тарихига оид маълумотлар оригиналлиги билан ажралиб туради. "Ёш Туркистон" ва "Янги Туркистон" каби журналларда келтирилган маълумотларда Фарғона, Самарқанд, Бухоро, ҳозирги Тожикистон ва Туркманистон ҳудудларидаги қўрбошилар ва уларнинг шахсиятига оид фактлар эътиборга лойиқ. Ушбу журналларда Туркистоннинг турли минтақаларидаги "босмачилик ҳаракати" иштирокчиларнинг мақсадлари ҳақида ҳам фикр юритилади. Жумладан, Фарғонадаги ҳаракат қатнашчилари қизил империянинг мустамлакачилик сиёсати, бунинг оқибатида ночор аҳволга тушиб қолган қишлоқ хўжалиги (асосан, пахтачилик), қишлоқ аҳолисининг таланиши ҳамда минтақага Россия ҳудудларидан очларнинг кўплаб кўчирилиши сабабли қўлига қурол олганлиги [8, S.21-26, 42-43, 56-65, 70-71; 10, S.1-7; 6, S.5-9] қайди этилади.

20-йиллар бошида Фарғона қўрбошилари ёнида илғор фикрли маслаҳатчилар

бўлганлиги боис умумий бирлик юзага келаётгани ҳолда, Шарқий Бухорода вазият бутунлай бошқача эди. Бу ерда амир тарафдори бўлган уламо ва шайхларнинг нуфузи юқори бўлиши баробарида қабилалар ўртасидаги келишмовчиликлар истиқлолчилик ҳаракатига салбий таъсир қилди.

Совет ҳокимиятига қарши қуролли ҳаракат тўғрисида муҳожир туркистонликлар матбуотида келтирилган маълумотлар қанчалик оригинал бўлмасин, аynи вақтда айрим камчилик ва мавҳумликлардан ҳоли эмас. Масалан, ҳаракат тарихига оид маълумотларнинг аксарияти айрим шахсларнинг хотираларига асосланганлигини ҳисобга олсак, уларнинг бир томонлама эканлигига гувоҳ бўламиз. Бу ҳолат матбуотда қўрбошиларнинг қадимчи уламолар билан ҳамкорлик қилганларини ҳақиқий босмачи, жадидлар тарафида турганларини эса Туркистон миллий озодлиги учун курашчи сифатида баҳоланишида яққол кўзга ташланади. Шу боис бу матбуот материалларини архив ҳужжатлари, илмий адабиётлар ва ўзбек матбуоти материаллари билан таққослаган ҳолда ўрганиш талаб этилади.

### Иқтибослар/Сноски/References

[1] Бахриддинов Қ. 1921–1923 йилларда Фарғона водийсида озиқ-овқат муаммосининг кескинлашуви // “Фарғона водийси тарихи янги тадқиқотларда” мавзусидаги иккинчи республика илмий анжумани материаллари. – Фарғона, 2012. – Б. 318-320. (Bahriddinov Q. Aggravation of the food problem in the Ferghana Valley in 1921-1923 // Materials of the Republican scientific-theoretical conference “The history of the Ferghana valley in new research”. – Ferghana, 1999. – P. 318–320.)

[2] Ражабов Қ. Фарғона водийсидаги истиқлолчилик ҳаракати: моҳияти ва асосий ривожланиш босқичлари. – Тошкент: Yangi nashr, 2015. – 240 б. (The istolichilik movement in the Ferghana Valley: the essence and main stages of development. – Tashkent: Yangi nashr, 2015. – 240 p.)

[3] Расулов А. Туркистонда очларга ёрдам: муаммо ва зиддиятлар (Фарғона водийси материаллари асосида) // “Фарғона водийси тарихи янги тадқиқотларда” мавзусидаги иккинчи республика илмий анжумани материаллари. – Фарғона, 2012. – Б. 310-312. (Rasulov F. Relief of the starving in Turkestan: a problem and disagreement (based on materials from the Ferghana Valley) // Materials of the Republican scientific conference “The history of the Ferghana valley in new research”. Vol. 2. – Ferghana, 2012. – P. 310–312.)

[4] Ҳамаев Н. Ўзбекистонда совет ҳокимиятига қарши қуролли ҳаракат ва ҳарбий матбуот (XX аср 20-йиллари) // Ўтмишга назар. 2019. – №10. – Б. 69-78. (Khamayev N. Armed movement and military press against soviet authority in Uzbekistan (XX century) Journal look to the past. 2019, vol. 1, issue 10, pp. 69-78.)

[5] Шодмонова С. Немис ва турк тарихшунослигида совет мустамлакачилигига қарши кураш масалалари (1917–1924 йиллар). – Тошкент: Abu matbuot-konsalt, 2008. – 128 б. (Shadmanova S. Issues of the struggle against Soviet colonialism in German and Turkish historiography. – Tashkent: Abu matbuot-konsalt, 2008. – 128 p.)

[6] Abdullahzade Tevekkül. Basmacilik – Fergana mucahitleri // Türkistan’ın bağımsızlığına hizmet eden “Yeni Türkistan” dan seçilmiş makaleler (1927–1931). – İstanbul, 2005. – 488 s.

[7] Canay (Abdulvahab Oktay). Basmacılık hakkında // Yaş Türkistan. 1930. - №3-4. – 52 s.

[8] Timuroğlu (Tahir Çağatay). Türkistan’da inkılab devri: Bir yaş türkistalı’nın hatıra defterinden // Yaş Türkistan. 1931. - № 25.

[9] Türkistan’ın bağımsızlığına hizmet eden “Yeni Türkistan”dan seçilmiş makaleler (1927–1931). – İstanbul, 2005. – 488 s.

[10] Türkistan millî mücadelesi: Yaş Türkistan dergisine göre // Ercan Çelebi. – İstanbul: Hiperlink Yayinlari, 2018. – 261 s.

[11] Türkistan milli mücadelesi’nin sebepleri va amaçları //Yaş Türkistan. 1931. - №21.

[12] Yaş Türkistan. 1932. - №28.

[13] “Yaş Türkistan” dan seçilmiş makaleler. – İstanbul, 2006. – 487 s.

# ЎТМИШГА НАЗАР ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST

Тажимирзаев Элёрбек Акрамович


Бобур номидаги Андижон давлат университети катта ўқитувчиси,  
Андижон, Ўзбекистон (tojimirzayev1984@mail.ru)

## ФАРҒОНА ВОДИЙСИ ҚИШЛОҚ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ МАДАНИЙ-МАИШИЙ ТУРМУШ ТАРЗИ МАСАЛАЛАРИ (1960-1980 ЙИЛЛАР)

---

*For citation: Tajimirzayev Elyorbek. CULTURAL AND DOMESTIC LIVING CONDITIONS OF VILLAGE TEACHERS IN THE FERGHANA VALLEY (1960-1980). Look to the past. 2020, vol. 1, issue 3, pp. 79-84*

---

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2020-1-10>

### АННОТАЦИЯ

Мақолада 1960-1980 йилларида Фарғона водийси қишлоқ ўқитувчиларининг маданий-маиший турмуш тарзи масалалари хусусан, уларнинг уй-жой билан таъминланиши, яратилган маиший шароитлар ва соҳага оид қабул қилинган ҳукумат қарорлари асосида олиб борилган тадбирлар манба ва адабиётлар асосида очиб берилган.

**Калит сўзлар:** Қишлоқ, қарор, уй-жой, ўқитувчи, район, совхоз, колхоз, мактаб, озиқ-овқат, маблағ, турмуш тарзи.

---

Тажимирзаев Элёрбек Акрамович

Старший преподаватель, Андижанский государственный университет им.  
Бобура, Андижан, Узбекистан (tojimirzayev1984@mail.ru)

## КУЛЬТУРА И СРЕДСТВА К СУЩЕСТВОВАНИЮ СЕЛЬСКИХ УЧИТЕЛЕЙ В ФЕРГАНСКОЙ ДОЛИНЕ (1960-1980)

### АННОТАЦИЯ

В статье исследуется жизнь сельских учителей Ферганской долины в 1960-х и 1980-х годах на основе решений, принятых правительством по вопросам культуры и средств к существованию, включая жилье, условия жизни и промышленность через источники и литературу.

**Ключевые слова:** Деревня, решение, жилье, учитель, район, совхоз, колхоз,

школа, еда, деньги, образ жизни.

**Tajimirzayev Elyorbek**

Senior teacher at Andizhan State University named  
after Z.M.Bobur, Andizhan, Uzbekistan (tojimirzayev1984@mail.ru)

## **CULTURAL AND DOMESTIC LIVING CONDITIONS OF VILLAGE TEACHERS IN THE FERGHANA VALLEY (1960-1980)**

### **ABSTRACT**

The article explores the life of rural teachers in the Ferghana Valley in the 1960s and 1980s based on decisions taken by the government on culture and livelihood issues, including housing, living conditions and industry through sources and literature.

**Index Terms:** Village, solution, residence, teacher, district, state farm, collective farm, school, food, finance, living condition

### **1. Долзарблиги:**

СССР Минстрлар Совети ва КПСС Марказий Комитети 1968 йил сентябрда "Қишлоқда қурилишни тартибга солиш тўғрисида"ги қарори қабул қилинган эди. Шундан сўнг Ўзбекистонда ҳам қишлоқда қурилиш ишларига аҳамият берилди. Бу қарорга мувофиқ республикада янги совхоз ва колхоз посёлкалари ташкил этиш, эски қишлоқларни қайта қуриш, қишлоқ аҳолисининг хутор тизимида жойлаштирилишини йўқотиш ва унинг маиший уй-жой шароитини шаҳарникига яқинлаштириш бўйича ишлар амалга оширилди. Жумладан, Андижон вилояти Маданият совхозини Бўстон посёлкасида 1,2 қаватли уйлар қурилиши учун лойиҳалар ишлаб чиқилди. 1971-1980 йилларда республика шаҳар ва қишлоқларида 52 миллион кв.м. майдонга эга бўлган турар-жойлар қурилди. Бу аввалги 10 йилликка қараганда 26,5 фоизга кўпроқ эди. Масалан, 1965 йилда умумий майдони 3547 минг кв.м. бўлган уй-жой қурилган эди [1, Б.50].

1948 йил 10 февралда СССР Минстрлар Совети "Қишлоқдаги ўқитувчиларга имтиёзлар ва устунликлар тўғрисида"ги қарорига кўра ўқитувчиларнинг турар-жой шароитларини яхшилаш бўйича маълум ишлар амалга оширилди. 1960 йил 9 сентябрда ЎзССР Минстрлар Совети ва Ўзбекистон Коммунистик Партияси Марказий Комитетининг "Қишлоқ ўқитувчилари маданий-маиший шароитлар яратиш бўйича Бухоро вилояти Корақўл райони колхозлари ва жамоат ташкилотларининг социалистик мажбуриятлари тўғрисида"ги қарорини бажариш бўйича республиканинг барча вилоятларидаги қишлоқлардаги барча ўқитувчиларнинг маиший шароитларни яхшилашга эътибор кучайди. 1962 йилда Андижон вилояти колхоз ва совхозларида ўқитувчилар учун 214 та хонадон қурилди, 348 нафар ўқитувчига давлат томонидан ссуда (қарз) ва уй қуриши учун ер участкалари ажратилди. 1962 йилда 12081 нафар қишлоқлардаги ўқитувчидан 9838 нафари ўз уйларида яшаган. Қишлоқ ўқитувчиларига коммунал хизмат кўрсатиш яхшиланиб, аксарият уйлар электр ёрдамида ёритилган ва радиоланштирилган.

Шу билан биргаликда қишлоқ ўқитувчиларининг уй-жой шароитини яхшилаш ва маиший хизмат кўрсатиш аҳолида жиддий камчиликлар мавжуд эди. Жумладан, 1962 йилда Андижон вилоятидаги қишлоқ ўқитувчиларидан 530 нафари ижарада



яшашган. Вилоятнинг Янгиқўрғон, Избоскан, Қўрғонтепа ва Москва районларида кўп ўқитувчилар хусусий хонадонларда яшаган. Ўқитувчилар 5 рублдан ошиқ ижара ҳақи тўлашган. Бу районларда хусусий хонадонларда 348 нафар ўқитувчи яшаб, уларнинг баъзилари хонадон учун анча юқори пул тўлашган. Район халқ таълими ташкилоти қишлоқ ва посёлка советлари уй эгалари билан шартнома тузиш ва квартира ҳақи ҳажмини аниқлашни йўлга қўймаган эди.

Шунингдек, ўқитувчиларни уйни иситиш ёнилғи билан таъминлаш ҳам яхши эмас эди. 1962-1963 ўқув йилида 600 нафар ўқитувчи кўмирни кечикиб олган эди. Бунинг устига ўқитувчиларга берилган кўмирнинг сифати жуда ҳам паст бўлган[2,Б.450].

Қишлоқ ўқитувчиларининг баъзилари жуда қониқарсиз аҳволга яшаган. Масалан, 1962 йилда Андижон вилояти Москва райони Тельман номидаги колхознинг 63-мактабнинг баъзи ўқитувчилари таъмирланмаган, нам хонодонда яшаган. Бошқа бир эр-хотин ўқитувчилари ёш фарзанди билан мактаб қошидаги 5 кв.м.ли хонада яшаган. Бу мактаб ўқитувчилари нон ва бошқа зарур озиқ-овқат маҳсулотлари сотиб олиш учун 12 км узоқликдаги Бўз посёлкасига боришларига тўғри келган.

Бунинг устига халқ таълими ташкилотлари ва мактаб раҳбарлари ўқитувчиларга коммунал хизмат кўрсатиш учун маблағларидан фойдаланишни яхши назорат қилмаган. Натижада коммунал хизматга ажратилган маблағни катта қисми ишлатилмай қолиб кетган. Масалан, Янгиқўрғон районида 1960-1962 йилларда бундай мақсадда ажратилган маблағ 117,3 минг рубль ажратилган бўлса, амалда фақат 85,2 минг рублдан фойдаланилган. Чуст районида ушбу мақсадлар учун 70 минг рубль ажратилган бўлса, унинг 45,7 минг рубль фойдаланилмасдан қолиб кетган. Шунингдек, Учқўрғон. Наманган ва бошқа районларда маблағлардан тўлиқ фойдаланилмаган. Бу йилларда вилоятда жами 160 минг рубль ишлатилмай қолиб кетган.

Шунингдек, қишлоқ ўқитувчиларга квартира қуриш масалаларига ҳам етарлича эътибор берилмаган. Жумладан, 1960 йил 17 ноябрда Андижон вилояти ижроия комитети ва вилоят партия комитети 1961 йилда ўқитувчилар учун 391 та квартира қуриш ҳақида қарор қабул қилган эди. 1960-1962 йилларда атига 214 квартира қуриб битказилди. Шунингдек, ссуда олиб уй қуриш жуда кам учраган. Масалан, бу йилларда Балиқчи районида бундай маблағ ҳисобига битта ҳам уй қурилмаган. Бундан ташқари ўқитувчилар уйлари таъмирлаш ва уй қуриш учун қурилиш материаллари билан яхши таъминланмаган.

## **2. Методлар ва ўрганилганлик даражаси:**

ЎзССР Минстрлар Советининг "Янги қурилаётган мактаб ўқитувчилари учун квартира қуриш тўғрисида"ги қарори тўлиқ бажарилмаган. 1960-1962 йилларда Андижон вилоятида 46 та янги мактаб қурилган бўлса, бу мактаб ўқитувчилар учун 27 та квартира қурилган. Вилоятда бу йилларда 885 та мактаб фаолият юритиб, улар атига 86 та квартира эга бўлган.

Қишлоқ ўқитувчиларни турар-жой таъмирлаш ва уларга маиший шароит яратиш борасида жиддий камчиларга йўл қўйилганлиги сабабои ўқитувчилар айниқса ёш мутахассисларнинг қўнимсизлиги олиб келган. 1961-1963 йилларда вилоятга 1513 нафар ёш мутахассис жўнатишган бўлса, шу йилларда турли сабабларга кўра 135 нафари кетиб қолган[2,Б.451; 3,Б.147- 149].

1964 йилга келиб Фарғона вилояти қишлоқларида 9017 нафар ўқитувчи фаолият юритган бўлса, улардан 7585 нафари ўз уйларида, 477 нафари колхоз ва совхоз уйларида, 233 нафари мактабга қарашли уйларида ва 449 нафар ўқитувчи коммунал

квартираларда яшаганлар. Ўқитувчилар турар жойларининг аксарияти радиолаштирилган ва улар электр ёрдамида ёритилган. Колхоз ва совхозлар худудида яшаган барча ўқитувчиларга томорқа ери ва чорва учун жой ажратилган. Шунингдек, уларга уй қуриш учун ер майдони ажратилган ва ссуда берилган. 1961-1963 йилларда индивидуал равишда уй қурган ўқитувчилар 200 минг рубль ссуда берилган. Кўпчилик колхозлар, совхозлар ва район коммунал хўжаликлари уй қуриб, ўқитувчиларга ҳам квартира ажратган. Натижасида йилдан-йилга хусусий квартираларда турган ўқитувчилари сони камайиб борган. Жумладан, 1961-1963 йилларда Ўзбекистон районидаги қишлоқ ўқитувчиларига 37 та уй қурилган ва район коммунал хўжалиги томонидан 15 та квартира ажратилган[4,Б.252]. Кува, Охунбобоев ва Киров районларида қишлоқ ўқитувчиларининг уй жой билан таъминлаш бошқа районларга нисбатан яхши аҳволда эди. Фарғона вилояти қишлоқ ўқитувчиларига қишлоқ хўжалиги мутахассислари каби озиқ-овқат билан таъминланган.

1963 йилда қасаба уюшмалари қишлоқ ўқитувчиларини санатория ва дам олиш уйларига 420 та путёвка ва 24 туристик путёвка билан таъминлаган. 400 нафардан ортиқ қишлоқ ўқитувчилари 17 минг рубль миқдоридан пул ёрдами олишган. 1964 йилдан Фарғона вилояти қишлоқ ўқитувчиларининг 270 нафари хусусий хонадонларда ижарада яшаган. Жумладан Поп районида 75 нафар, Ленинград районида 37 нафар ва Фарғона районида 45 нафар ўқитувчи ижарада яшаган. Улардан баъзилари 10 рублдан ошиқ ижара ҳақи тўлашган. Аммо қишлоқ ўқитувчиларига берилган имтиёзлардан тўлиқ фойдаланилмаган. Уларнинг уй жойларини вақтида таъмирланмаган ва ёнилғи билан таъминланмаган. Шунингдек ссуда олган ўқитувчиларни қурилиш материалларга бўлган эҳтиёжи катта эди. Лекин улар вақтида қурилиш материаллари билан таъмирланмаганлиги сабабли қурилиш муддати узоқ муддатга чўзилиб кетган. Вилоятнинг баъзи районларида ўқитувчиларни уйини иситиш учун ёнилғи ва ёритиш учун керосин етказиб бериш яхши аҳволда эмас эди. Шунингдек, ёнилғини бепул олиб келиш ташкил этилмаганди. Масалан, 1964 йилда вилоятнинг Ўзбекистон райони 48-саккиз йиллик мактаб ўқитувчиларига кўмир умуман етказиб берилмаган. Аксарият мактаб ўқитувчиларига 200 кг кўмир ажратилган бўлиб, у ҳам кечиктириб олиб келинган[4:253].

### **3. Тадқиқот натижалари:**

Фарғона вилоятида ҳам қишлоқ ўқитувчиларига коммунал хизмат кўрсатиш учун ажратилган маблағдан йилдан-йилга фойдаланилмаган. Масалан, 1960-1962 йилларда Ўзбекистон райони қишлоқ ўқитувчиларига коммунал хизмат кўрсатиш учун 142 минг рубль ажратилган бўлса, амалда унинг 71 минг рублдан яъни 50 фоизидан фойдаланилди. Шунингдек, Фарғона ва Олтиариқ районларида ҳам бу маблағлардан тўлиқ фойдаланилмади. Савдо ташкилотлари нон ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари билан вақтида таъминламаслиги, баъзан умуман таъминламаслиги натижаси улар ўз яшаб турган жойидан 10 ва ундан ортиқ киломертга ном олиб келишга боришга мажбур бўлишган. Шунингдек, мактаб буфетлари ҳам ишламаган. Ўқитувчиларни уй-жой таъминлаш ва уларни маиший шароитини яхшилаш борасида нуқсонлар бўлганлиги ўқитувчи кадрлар қўнимсизлигига олиб келган. Жумладан, 1962-1964 йилларда Фарғона вилояти қишлоқ мактабларида турли сабабларга кўра 600 нафар ўқитувчи ишдан кетган. Булар ичида ишга жўнатилган (715 нафар) ёш мутахассислардан 355 нафари ҳам бор эди. Фақат Охунбобоев районида 160 нафар ўқитувчи. Жумладан, 39 нафар

ёш мутахассис ишдан бўшаган. 1964 йилда 19 та қишлоқ мактабида рус тили ўқитилмаган, шунингдек физика ва математика ўқитувчилари етишмаган. 1963-1964 йилларда қишлоқ ўқитувчиларида 21 нафар рус тили ўқитувчиси ва 18 нафар физика ва математика ўқитувчиси асосан ўш ҳохишига кўра ишдан бўшаган. Қува районида эса 1962-1964 йилларда ишга жўнатилган 37 нафар ёш мутахассисдан, шу йиллар ичида 36 нафари ишдан бўшаб кетган[4,Б.254].

1975 йилда қишлоқ ўқитувчилари учун уй жой қуриш режасини ҚАСССРда 29 фоизга, Бухоро вилояти - 36 фоиз, Самарқанд вилояти- 52 фоиз, Андижон вилояти - 59 фоиз, Сирдарёд вилояти - 72 фоиз, Сурхандарё вилояти - 76 фоиз, Тошкент вилояти - 79 фоиз, Қашқадарё вилояти - 84 фоиз, Фарғона вилояти - 88 фоизга бажарган. Шундай қилиб қишлоқ ўқитувчилар учун 21153 кв м. майдонли турар жойлар берилмаган[5,Б.139].

Андижон вилоятида 14500 қишлоқ ўқитувчиларидан 13873 нафари ўз уйларида, мактабга қарашли уйларда 24 нафари, колхоз ва совхоз уйларида 603 нафари истиқомат қилган. Вилоятда 1976-1977 ўқув йилида бирорта ҳам қишлоқ ўқитувчиси ижарага уйда турмаган. Андижон вилояти Москва, Бўзсув, Комсамолбод районлари колхоз ва совхоз омборхоналаридан қишлоқ ўқитувчиларга озиқ-овқат маҳсулотлари сотилган. Қишлоқ ўқитувчиларга ўз уйларини қуриш ва хўжаликлардаги кам кўчтини қоплаб учун 500-700 рубллик узоқ муддатли кредитлар берилган. 1976 йила Андижон вилоятининг 130 нафар қишлоқ ўқитувчисига индивудуал уйлар қуриш учун 112 минг ссуда ажратилган[5,Б.362].

Андижон вилоятида 1976 йилда қишлоқ ўқитувчилар учун 6000 минг кв м. уй-жой қуриш режалаштирилган бўлса, ундан 3554 минг кв.м. (59 фоиз) қуриб битказилди. Ўқитувчиларнинг ёзги дам олишини ташкил этиш етарли эмас эди. Жумладан, 1976 йилда ўқитувчилардан 1262 нафари (6,3 фоиз) дам олиш уйлари, санатория ва пансионатларда дам олган.

Шунингдек, вилоятда 1976 йилнинг ёз фаслида 7100 нафардан ошиқ ўқитувчилар туристик саёхатга чиққан (38,9 фоиз). 1974-1975 йилларда Андижон вилоятида халқ таълими ходимлари муассасаларининг қўнимсизлиги мавжуд эди. Жумладан, 354 нафар педагоглар ишдан бўшатирилган бўлса, 37 нафар мактаб директорлари ўзгартирилди, 12 нафари вазифасини бажара олмаганлиги сабабли бўшатирилди ва бошқа қолганлари бошқа ишга ўтказилганлиги сабабли ишдан кетди. 1975-1976 йилларда Анжион вилоятида 208 нафар педагог ишдан бўшатирилган, улардан 48 нафари мактаб директорлари бўлиб, уларнинг 14 нафари раҳбарликни амалга оширилмаган учун ишдан бўшатирилган[5,Б.363].

Қишлоқда ижтимоий инфратузилмани молиялаштириш турли каналлар орқали амалга оширилган. Жумладан, турли вазирлик ва ташкилотлар (маориф, маданият, соқлиқни сақлаш, маиший хизмат, савдо ва бошқалар) шунингдек, саноат (қишлоқ худудида жойлашган) корхоналари ва қишлоқ хўжалиги тегишли бўлмаган ташкилотлар, маҳаллий бюджет, бундан ташқари аҳолининг пул маблағлари (уй-жой қурилиши) ҳисобига амалга оширилган. Ижтимоий инфраструктура объектларини пудрат асосида қуриш соҳасида жиддий камчиликлар мавжуд эди. Кўпинча бир аҳоли пунктида турли вазирлик ва ташкилотларга қарашли пудратчилар қурилиш ишларини олиб борган. Натижада маблағлар ортиқча сарфланган, қурилиш муддатлари чўзиб юборилган ва кўп ишлар тугатилмасдан тўхтатиб қўйилган[6,Б.17].

#### **4. Хулосалар:**

Хуллас, Фарғона водийси қишлоқ мактаб ўқитувчиларига 1960-1980 йилларда

яратилган маданий-маиший турмуш тарзи талаб даражасида бўлмаган. Чунки қишлоқ ўқитувчиларига берилган имтиёزلардан тўлиқ фойдаланилмаган. Қишлоқ ўқитувчиларига коммунал хизмат кўрсатиш учун ажратилган маблағдан йилдан-йилга фойдаланилиш ҳажми қисқариб борган. Шунингдек, савдо ташкилотлари нон ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари билан вақтида таъминламаслиги ва уй-жой ва маиший шароитини яхшилаш борасида нуқсонлар бўлганлиги туфайли ўқитувчи кадрлар қўнимсизлигига олиб келган.

### **Иқтибослар/Сноски/References**

---

[1] Боровков И.И. Развитие жилищного строительства в Узбекистане. -Т.: Узбекистан,1984. (Borovkov I.I. Housing development in Uzbekistan. -T.: Uzbekistan, 1984.)

[2] Ўзбекистон Миллий архиви (ЎзМА), Р-94 фонд, 7-рўйхат, 574-иш (National Archive of the Republic of Uzbekistan (UNA), FundR-94, list 7, work 574)

[3] ЎзМА, Р-94 фонд, 7-рўйхат, 577-иш (UNA, FundR-94, list 7, work 577)

[4] ЎзМА, Р-94 фонд, 7-рўйхат, 666-иш (UNA, Fund R-94, list 7, work666)

[5] ЎзМА, Р-94 фонд, 7-рўйхат, 3792-иш (UNA, Fund R-94, list 7, work3792)

[6] ЎзМА, Р-837 фонд, 41-рўйхат, 7061-иш (UNA, Fund R-837, list41, work7061)


# ЎТМИШГА НАЗАР ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST

Эгамбердиева Нигора Азадовна

Тарих фанлари номзоди, доцент, Тошкент Давлат  
Педагогика университети докторанти (nigora.egamberdieva70@mail.ru)

## АМУДАРЁНИНГ ҚҲЙИ ОҚИМИДА СУНЪИЙ СУҒОРИШ ТИЗИМИНИНГ ШАКЛЛАНИШ ТАРИХИ ВА УНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИХАТЛАРИ (МИЛ.АВВ.VIII- МИЛОДИЙ IV АСРЛАР)

*For citation: Egamberdieva Nigora Azadovna. HISTORY OF THE ORIGIN OF THE ARTIFICIAL IRRIGATION SYSTEM IN THE LOW OF THE AMUDARYA AND ITS FEATURES (VIII CENTURY BC - IV CENTURY CE). Look to the past. 2020, vol. 1, issue 3, pp. 85-95*

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2020-1-11>

### АННОТАЦИЯ

Амударёнинг қўйи оқимида дарёнинг тошган сувларини бошқариш орқали сунъий суғориш тизими шакллантирилган. Дастлабки каналлар кенг ва саъз бўлган. Сувларни бошқариш учун сақалардан фойдаланганлар. Худудда сақани дастлаб тозабоғёбликлар қуришган. Оқчадарё дельтасидан чиқарилган каналлар кўп тармоқланган бўлса, Сариқамиш дельтаси атрофларида асосан, магистрал каналлар чиқарилган.

Дастлабки каналлар амиробод маданияти оид бўлган. Архаик, антик даврларда ривожланган. Мил.авв. I аср - милодий IV асрлар давомида каналлар максимал даражада кўп тармоқланган.

**Калит сўзлар.** Оқчадарё, Сариқамиш, Оролбўйи, Довдон, Узбой, цивилизация, Амударё, сақа, сунъий суғориш.

Эгамбердиева Нигора Азадовна

кандидат исторических наук, докторант  
Ташкентского государственного педагогического университета  
nigora.egamberdieva70@mail.ru

## ИСТОРИЯ ВОЗНИКНОВЕНИЯ СИСТЕМЫ ИСКУССТВЕННОГО ОРОШЕНИЯ В НИЗОВЬЯХ АМУДАРЬИ И ЕЁ ОСОБЕННОСТИ (VIII ВЕК ДО.Н.Э.- IV ВЕК Н.Э.)

**АННОТАЦИЯ**

В низовьях Амударьи искусственная орошения создавался на основе управления паводковых вод реки. Первые каналы были широкими и неглубокими. Для управления паводковых вод использовали саку. Сака была изобретена тазабагыбинцами. Каналы выведенные из Окчадаринской дельты были сильно разветвлены, а из дельты Сарикамыша были выведены магистральные каналы.

Первые каналы относятся к Амирабадской культуре. В архаическом и в античном периоде они развиваются. I веке до н.э. и IV веке н.э. каналы максимально разветвляются.

**Ключевые слова.** Акчадарья, Сарикамиш, Приаралье, Давдан, Узбой, цивилизация, Амударья, сака, искусственное орошение.

**Egamberdieva Nigora Azadovna**

Assistant professor, Candidate of the subject of history  
at Tashkent State Pedagogical University  
nigora.egamberdieva70@mail.ru

**HISTORY OF THE ORIGIN OF THE ARTIFICIAL IRRIGATION SYSTEM IN THE LOW OF THE AMUDARYA AND ITS FEATURES (VIII CENTURY BC - IV CENTURY CE)****ABSTRACT**

In the lower reaches of the Amu Darya, artificial irrigation was created on the basis of flood water management of the river. The first channels were wide and shallow. Saka was used for flood water management. Saka was invented by tazabagyabincines. The channels which derived from the Akchadarya Delta were strongly branched, and the main channels were derived from the Sarikamysh Delta.

The first channels belong to the Amirabad culture. They developed in the archaic and ancient period. The first century BC.ad and IV century ad channels were branched as much as possible.

**Index Terms:** Akchadarya, Sarikamis, the Aralsea, Dawdon, Uzboi, civilization, the Amu Darya, the Saka, an artificial irrigation.

**1. Долзарблиги:**

**К**адимий цивилизациялар дарёларнинг бўйларида шаклланган. Дарёларнинг ўзига хос жиҳатлари цивилизацияларнинг ўзига хос ривожланишини таъминлаган. Ўрта Осиёнинг қадимий цивилизацияси Амударё ва унинг ҳавзалари атрофида шаклланган. Инсоният қадимий даврлардан то бугунги кунгача Амударёнинг тез оқарлиги, тошқинлари ва лойқалигини инобатга олган ҳолда сунъий суғориш тизимини шакллантирганлар. Шу асосда худуднинг иқтисодий ва ижтимоий турмуш тарзи ҳам белгилаган.

Амударё Ҳиндикушнинг шимолий қисмидан деярли 4000 метр баландликдан бошланиб, пастга ҳаракат қилгани учун жуда тез оқади. Сув кўпайганда тезлиги сабабли тошқинлар бўлиб туради. Амударё баланддан пастга тушиш жараёнида турли жинсларга бойиб боради, қуйи оқимиға кўплаб лойқа ва қумларни олиб боради. Бу лойқалар дельтада ётқизиilib, қуйи Амударё худуди тупроғининг унумдорлигини оширади.

## **2. Методлар ва ўрганилганлик даражаси:**

Тадқиқотчилар Нил ва Амударё сувларининг лойқалиги ва минералларга бойлигини солиштирганларда Амударё сувлари Нил сувларига нисбатан бойроқ бўлиб чиққан [18, С.24].

Суғорма деҳқончилик инсонлар сонининг ўсиб бориши билан хўжалик эҳтиёжларини қондириш учун тобора ривожланиб борган. Деҳқонлар дарё тошқини пайтидаги сувларни яқин атрофдаги қулай ерларга бурганлар ва бу ерларни ўзлаштириш жараёнида сунъий суғориш сирларини билиб олганлар.

Сунъий суғориш тизимининг ихтироси деҳқончилик маданиятининг ривожланишида муҳим аҳамият касб этган. Сунъий суғориш тизилмаси дастлаб тоғ дарёларининг аллювиал лойқаларидан ҳосил бўлган унумдор водийларда, текисликда оқадиган катта дарёларнинг ўзанлари ва ирмоқлари бўйларида лиман ва каир услубида олиб борилган. Лиман (кўлмак) услубида тоғ сойлари этакларидаги кўлга ўхшаб ётадиган жойларнинг чўкма лойқасига экин экилган. Қайр деҳқончилигида дарё, унинг ирмоқлари ва сунъий каналларнинг этакларига, тупроқ ости суви баланд бўлган жойларга экин экилган. Бундай ерларда полиз экинларидан яхши ҳосил олинган [18, С.67].

Амударёнинг қуйи оқими Туямўйин танглигидан бошланади [10]. Қуйи оқимда дарёнинг Оқчадарё, Сарикамишбўйи ва Оролбўйи дельталари таркиб топган [9, С.74]. Амударё қуйи оқимига сувнинг бориш жараёни тез-тез ўзгариб турганлиги сабабли унинг дельталарининг ҳудуди гоҳ кенгайиб, гоҳ қисқариб, сув тошқинлари ва танқислиги бўлиб туради. Сув тошқини вақтларида Амударёнинг ўзанлари 3 км дан то 5 км гача кенгайди. Унинг қирғоқлари ётиқ бўлганлиги учун тошқин вақтида сув 0,6-1,6 м баландга кўтарилади [2, С.105]. Шунинг учун ҳар икки қирғоқнинг ёқасида баланд дамбалар қурилади.

Амударёнинг қуйи оқимидаги сувларни бошқариб, деҳқончилик қилиш ўз навбатида қадимги Хоразмнинг ўзига хос сиёсий ва иқтисодий ҳаёт тарзини белгилаган. Деҳқончилик маданиятининг шаклланиши ва ривожланишида муҳим тутган. Қадимги Хоразм цивилизациясининг ўзига хос тараққиётини таъминлаган [15].

## **3. Тадқиқот натижалари:**

Қадимги Хоразмда қазилган дастлабки каналлар табиий шароитга мослаб, яъни тошқинлардан сув оладиган дарё тубининг паст-баландлигига мослаб қурганлар. Қадимги деҳқонлар сувни керакли жойгача етказиш учун дарё бўйидаги пастқам ерларнинг четларини тузатиб, дарёдан сув чиқарганлар. Натижада саёз ва кенг каналлар ҳосил бўлган. Бунда жой микрорельефининг барча шароитларига аҳамият беришган. Агар канал кенг бўлмаса, унга барча тошқин сувлари сиғмай қолиши мумкин бўлган, шунингдек, сувнинг тезда исишига ва унинг кўп миқдорда буғланишига ёрдам берган. Тадқиқотлар жараёнида шу нарса ҳам аниқланганки, истеъмолдан ортиқча сув пастликларга оқизиб ҳам юборилган [18, С.94-95].

Мил. авв. VIII - VII асрларда қадимги Хоразм воҳасида Амударёнинг ўнг ва сўл қирғоқларида иккита хўжалик минтақаси шаклланади. Улардан биринчиси Оқчадарё ҳавзасидаги Жонбосқалъа, Қаватқалъа, Жингилжи, Кўкча тоғи ва жануби томондаги Туямўйин ҳудудларида илк деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланган аҳоли вакиллари бўлса, иккинчиси Сарикамишбўйи сўл соҳили ва Узбўй ҳудудларида ўтроқ чорвадорлар хўжалиги ҳисобланади.

Амударёнинг қуйи оқимида дастлаб Оқчадарё дельтаси шаклланган. У ҳозирги Тўрткул шаҳри яқинидан бошланган. Унинг шимолга томон йўналган кўп сонли

тармоқларидан ҳосил бўлган учбурчаксимон ҳавзаси ғарб томондан Амударё, Султон Увайс тоғи, шарқдан Қизилқум барханлари билан чегараланган. Оқчадарё дельтаси шимолий ва жанубий ҳавзаларга ажратилади.

Оқчадарё дельтасининг шимолий ҳавзасида мил.авв. II минг йилликнинг биринчи ярмидан бошлаб сув миқдори камайган. Буни тадқиқотчилар шу даврга оид манзилгоҳларнинг кам топилганлиги билан асослайдилар. Жанубий Оқчадарё ҳавзасида эса сув кўп миқдорда бўлган. Шунинг учун бу ҳудудларда кўплаб кўллар ва ботқоқликлар ҳосил бўлган. Мил.авв. II минг йилликнинг иккинчи ярми - I минг йиллик бошларида Оқчадарёнинг жанубий ўзани ирмоқлари атрофларида аҳоли зич яшаган [8, С.94-52] Амударё ўз йўналишини қайтадан шарқ томонга ўзгартириши туфайли Оқчадарё ўзани мил.авв I минг йилликдан бошлаб Оқчадарёда сув оқими кескин камайиб, антик даврга келганда қуриб қолади [16,С.91-92].

Жанубий Оқчадарё ўзани ҳавзаларида сунъий сугориш тизими кенг ривожланган. Бу ўзандан Амиробод, Калтаминор, Сувёрган, Жонбосқалъа, Қирққиз, Яккапарсон, қадимги Гавхорэ, Ташхирмон каби йирик каналлар, кўплаб ўрта ва кичик ариқлар чиқазилиб, деҳқончилик қилишган. Архаик даврда Калтаминор, Жонбосқалъа, Яккапарсон, қадимги Гавхорэ, Ташхирмон кушонлар даврида Қирққиз, Яккапарсон каналлари қурилган. Архаик даврда бунёд этилган бу каналларнинг фаолияти ўрта асрларгача давом этган.

Амударёнинг ўнг соҳилида жанубий Оқчадарё ҳавзаларида бронза даврида қаир деҳқончилиги вужудга келган [1, С.103-133]. Деҳқончиликнинг бу тури сунъий сугоришга асосланмаган бўлиб, мавсумий тошқинлар, қуриб бораётган ўзанлар ва кўллар бўйида намлик етарли бўлган жойлардагина амалга оширилган [18, С.67]. Уларнинг далалари ўзанлар бўйлаб жойлашган. Тадқиқотчи Б.В.Андрианов уни қуйидаги система орқали изоҳлайди: дарё-эски ўзан- ариқ-дала [1,С.108]. Бундай тизимлар Бозорқалъа ва Кўкча-3 ёдгорликлари атрофларида кенг тадқиқ қилинган. Уларнинг ёнидан тозабоғёбликларнинг кўплаб сопол буюмлари синиқлари топилган. Қаир деҳқонлиги билан шуғулланган тозабоғёбликлар каналларнинг бош қисмига қурилма қуриб, ариқлардаги сувларни бошқарганлар. Каналнинг бош қисмидаги қурилманинг кенглиги 8 ва 13 метр, баландлиги 30-50 см бўлган 2 та тупроқ уюми ҳолда топилган.

Каналнинг бош қисмидаги қурилма "сақа" деб аталади. Тадқиқотчилар фикрича, қуйи Амударё ҳавзаларида сақани дастлаб тозабоғёбликлар қуришган [1, С.108]. Уларнинг бу ихтиросидан аҳоли бугунги кунгача кенг фойдаланиб келади. Сақа дарёнинг секин оқадиган жойларига тупроқ билан биргаликда тош тўплаш ёки ўт-ўланлар ёрдамида боғлам ташлаш билан қурилган оддий тўғонлар ҳисобланади. Сақа орқали канал ва ариқларга юбориладиган сув бошқарилган. Сақаларни қуришда ишлатиладиган ўзига хос боғламлар қуйидаги услубда тайёрланган: қамиш ва лўх ўрами ичига хашак ва тош солиниб, цилиндр шаклида ўралган. Ўрамнинг тўрт жойидан лўх ва қамиш қўшилган ҳолда эшилган ип билан боғланган. Боғлам учун юлғун ҳам ишлатилган. Тайёр бўлган боғламнинг диаметри икки киши қулочи атрофида бўлиб, узунлиги 4-6 метргача бўлган. Оғирлиги 50 кг.дан-500кг.гача ва ундан ҳам оғирроқ бўлган. Бугунги кунда сақани қуришда ишлатиладиган боғламлар Ўзбекистон вилоятларда турлича номланади. Зарафшон воҳасида навала ёки новала, Хоразмда новарди ёки варди, Фарғона воҳасида улук, Сирдарё ва Тошкентда қорабура, Сурхон воҳасида нўғала деб аталади [17, С. 225].



Илк темир даврида (мил. авв. IX-VIII асрларда) қадимги Хоразм худудида Амиробод маданияти кенг тарқалган. Бу маданиятга оид илк манзилгоҳлар Амиробод канали бўйларидан топилган[16, С.94-95]. Амиробод канали Оқчадарёнинг эски ўзанини қайта тиклаш орқали каналга айлантирилган ва ундан ариқлар чиқарилган. Бундай ариқлар Қават 2 (мил.авв. IX-VII асрлар), Бозорқалъанинг шимолий қисмидан топилган[18].

Амирободликларнинг ярим ертўла ва чайлалардан иборат қишлоқлари каналлар бўйларида қурилган[1, С.113]. Уларнинг каналлари эски ўзан ёки кичик ирмоқлардан чиқарилганлиги сабабли, бир жойда муқум яшамаганлар. Сақани сув олиб кетиши ёки ариқларнинг лойқа билан тўлиши билан бошқа жойга кўчиб, янги тармоқ қуришган. Чунки канал ва ариқлар бир неча марта тозалангач, қирғоқлари баланд бўлиб кетган ва уни яна қайта тозалашдан кўра янги ариқ қазиш кам меҳнат талаб қилган. Шунинг учун эски ариқ ёнидан янги ариқлар қазишган[1, С.113].

Тадқиқотчилар фикрича, амирободликлар табиий сув ирмоқларини далаларга йўналтириш жараёнида каналлар узайган, кенгайган ва тармоқланган. С.П.Толстовнинг ёзишича, мил.авв. VIII аср охиридан бошлаб кенглиги 40 м га етадиган йирик сунъий каналлар бунёд этила бошланган[13, С. 360; 12, С.183].

Қадимги Хоразмда деҳқончилик маданиятининг ривожланишида архаик давр, яъни мил.авв. VI-IV асрлар алоҳида ўринга эга. Бу даврда қуйи Амударёнинг хар иккала қирғоғида деҳқончилик қилиниб, сунъий суғориш тизимини янада ривожлантирганлар. Ахамонийлар империяси даврида турли давлатлар билан алоқанинг янада ривожланиши деҳқончилик маданиятига ҳам ўз таъсирини кўрсатган. Бу даврда, картометрик ҳисобга кўра, Амударёнинг ўнг қирғоғидаги магистраль каналлар 150 кмгача етган[1, С.136]. Архаик давр каналлари ҳали саёз ва кенглиги билан (40 м.гача бўлган) олдинги даврдаги каналларга ўхшаган, лекин олдинги даврдагига нисбатан узунлиги ва тармоқланганлиги билан фарқ қилган.

Жанубий Оқчадарёдан чиқарилган Калтаминор канали мил.авв. VI-V асрларда қурилган. У Қўйқирилган қалъанинг 10 км. жанубидан ўтган. Унда милодий IV асрларгача Қўйқирилган қалъа атрофларида, Одамли қалъа атрофларида эса милодий VIII асрларгача сув бўлганлиги аниқланган[1, С.118]. Калтаминор канали кангюй даврида (мил.авв. IV-II аср.) қайтадан қурилган. Канал 2000 гектар худудни эгаллаган. Канал ўткир бурчак остида чиқарилиб, дарахт шохларига ўхшаган ҳолда тармоқланиб кетган[1, С.125]. Уларнинг атрофидан далалар, полизлар, боғлар ва узумзорларнинг қолдиқлари топилган. Б.В.Андрианов тадқиқотлар жараёнида 15 км. узунликдаги канални қазиш учун 30 кун давомида 5 минг ишчи куч керак бўлган деб кўрсатган[1, С.121]. Тозалаш учун эса, ҳар йили 30 кунда 2000 ишчи кучи зарур бўлган деб ҳисоблаб, бундай суғориш тизимини қуриш ва тозалаш ишларини фақат марказлашган давлат тизимигина эплай олган деб хулоса берган олим.

Бозорқалъа, Қўшпарсон, Қизил қалъа, Думанқалъа атрофларидан ҳам архаик канал излари топилган[17, С.99; 1, С.125]. Бозорқалъа ёдгорлигининг гарбий томонидан топилган архаик даврга оид каналнинг узунлиги 8-9 км.ни, кенглиги эса 40 метрни ташкил қилган[1, С.116]. Бу канал эски дарё ўзани бўйлаб қурилган ва фақат бир томонлама тармоқланган. Ариқлар ёнида 88x90x92x112 метр ҳажмдаги дала излари ҳам топилган[1, С.116]. Бу ердан архаик, қанғ ва кушонлар даврига оид сопол синиқлари топилган. Бу эса бу худуднинг узоқ вақт инсонлар томонидан

ўзлаштирилганлигидан дарак беради.

Архаик давр охирларига келиб, жанубий Оқчадарё ўзанида сувнинг камая бошлагани сабабли деҳқонлар каналларни ўзанининг ўзидан чиқара бошлаганлар [1, С.118]. Б.И.Вайнберг сақаларни дарёнинг ўзига қурилган даврини мил.авв. IV-II асрлар бўлиши деб кўрсатади. [6,С.26]. Кушонлар даврида жанубий Оқчадарёда сув камайиб, барча каналларнинг сақаси дарёнинг ўзига қурилган [1,С.137].

Мил.авв. IV асрдан бошлаб, каналлар чуқурлашиб, қирғоқлар кенглиги торая бошлаган. Бу даврда қирғоқлар кенглиги 20 метрга кирайтирилган бўлса, мил.авв. I аср-милодий IV асрларга келиб 10-11 метрни ташкил қилган. Бу даврда сунъий каналлар анча кенг худудни, яъни 250-300 км.ни эгаллаган [17,С.136]. Бу даврда тўғонларни қуриш услуби янада мукаммаллашган. Мустаҳкам қурилган тўғонлар ёрдамида сув чиқарилган каналлардан узоқ вақт фойдаланиш имкони берган. Бу эса ўз навбатида экин далаларнинг ҳам кенгайишига олиб келган. Тадқиқотлар жараёнида аниқланишича, шу даврдан бошлаб деҳқонлар ҳосил унумдорлигини ошириш учун далаларга ўғит берганлар. Ўғит сифатида канал ва ариқларнинг рошидаги (канал, ариқларнинг қирғоқларини хоразмликлар "рош" деб атайди-Н.Э.) тупроқларини, яъни каналларни тозалашда чиқарилган минералларга бой тупроқларни ишлатишган [1,С.137].

Ирригация тизимининг ривожланиши деҳқончилик қилинадиган худудларнинг кенгайиши олиб келди. Мил.авв. IV асрдан Амударё ҳавзасида кенг ўзлаштирилди. Тадқиқотчилар фикрича, Амударё қуйи оқимида ирригация тармоқлари худуди ҳозиргига нисбатан тўрт баробар катта бўлган [7,С.30-31]. Тадқиқотчилар фикрича, қадимги Хоразмда ирригаторлар мактаби яратилган, чунки каналлар чуқур билим ва малака асосида мукаммал тарзда бунёд этилган. Бундай каналлар узоқ вақт хизмат қилган. Архаик даврда яратилган каналларнинг аксариати ўрта асрларгача, антик даврда қурилган каналлар эса, ҳозирги давргача хизмат қилмоқда.

Каналларни қуришда жой рельефи, сув сарфи, назорати математика, гидротехника, картография, астрономия ва календарь соҳалари бўйича юқори билим ва кўникмани талаб қилган. Б.В.Андреанов фикри бўйича суғориш масалалари билан ибодатхоналарда қоҳинлар шуғулланганлар [1,С.137;20,С.251].

Мил.авв. I асрдан то милодий IV асргача бўлган давр мобайнида, яъни кушонлар даврида каналлар максимал даражада кўп тармоқланган. Буни тадқиқотчилар Калтаминор, Қирққиз каналлари мисолида ўрганишган. Бу даврда далалар ҳажм жиҳатдан катталашган. Деҳқончилик маҳсулотлари сони янада кўпайган. Қўйқурилган қалъа ёдгорлигидан тариқ, буғдой, шафтоли данаги, узум ва жийда данаклари топилган [20,С.51-71]. Каналлардаги назоратни ушлаб туриш учун каналларнинг юқори ва қуйи қисмида мустаҳкам қалъалар қурилган.

Қирққиз канали Калтаминор каналига паралел равишда қурилган бўлиб, у ҳозирги давргача фаолият юритади. Умумий узунлиги 90 км ташкил қилиб, уни сақлаш ва тозалаш учун йилига 6-7 минг одам зарур бўлган [1,С.133]. Қирққиз каналининг қуйи оқимида Гулдурсун қалъа жойлашган. Бу канал атрофидан кушонлар даврига оид кўплаб ёдгорликлар топилган: Катта Қирққиз, Қумбосган қалъа, Қўрғошинқалъа, Кичик Қирққиз, Беркутқалъа, Уйқалъа, Отсиз қалъа. Қўрғошинқалъа баланд тепалик устига қурилган бўлиб, унинг этагида боғ ва узумзор далалари топилган. Қалъа яқинида 90x80 метр майдонга сопол синиқлари билан тўшалган жой бўлган. Тадқиқотчилар фикрича бу бозор бўлиши мумкин [1,С.132]. Кичик Қирққиз канали қанг даврида қурилган бўлиб, канал бўйлаб кўплаб қанг, кушон ва африийлар даврига оид сопол буюмлар қолдиқлари топилган

[1,С.132]. Уйқалъа ёдгорлигининг ёнидаги кўл ёқасидан кушонлар даврига оид хумдон топилган [1,С.130].

Якка парсон канали Қирққиз каналининг тармоғи бўлиб, Гулдурсин қалъа атрофидан бошланиб, қуйи оқими Султануиздаг тоғ тизмаларигача борган. Қуйи оқимида Аёлқалъа 1 ёдгорлиги тепалик устига тўғритўртбурчак шаклида бунёд этилган [1,С.133; 14,С.103,170]. Аязқалъа 3 ёдгорлиги мустаҳкам қўрғон бўлиб узумзор ўртасида қурилган. Яккапарсон канали худуди бўйлаб ҳам архаик, қанғ, кушон ва африғийлар даврига оид қишлоқларнинг излари топилган.

Оқчадарё ўзанининг энг чекка шарқий қисмидан Жонбосқалъа канали қурилган[17,С.41]. Бу воҳадаги аҳолини ва суғориладиган ерларни ҳимоя қилиш ва чегара қалъаси сифатида Жонбосқалъа қалъаси қурилган. Бозорқалъа, Жонбосқалъа ва Қўйқирилганқалъа Амударёнинг ўнг қирғоғидаги қадимги деҳқончилик воҳасининг мустаҳкамланган йирик марказий шаҳарлари бўлган [17,С.85]. Тадқиқотчилар Қўйқирилган қалъа атрофларидан қишлоқларнинг изларини топишган. Қишлоқлар ҳар бир қалъа атрофларида бўлган, чунки қишлоқ аҳолиси бир томондан қалъани озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминласа, иккинчи томондан янги каналлар қуриш, тозалаш, кенгайтириш, бир маромида ушлаб туриш ишларида фаол иштирок этганлар. Шу билан бирга душман ҳужуми пайтида қалъа уларга ҳимоя учун бошпана бўлган.

Қадимги Гавхорё канали Оқчадарёнинг ғарбий қисмидан чиқарилган бўлиб, турли даврларга оид магистрал каналлар системасидан иборат. У бир томонлама тармоқланган. Қадимги Гавхорё каналининг Жилдиққалъагача бўлган худуди қадимги даврга оид бўлиб, кейинги давоми эса ўрта асрларга оид ҳисобланади. Қизқалъа, Тупроққалъа, Бурлиқалъа атрофидан кушон, африғийлар даврига оид бир неча хумдонлар топилган. Уларнинг узунлиги 10 дан 50 метргача, баландлиги 1,5-2 м ташкил қилган [1,С.135]. Бу ерда йирик ҳажмдаги хумлар ҳам ишлаб чиқарилган.

Жингилжи воҳасида кушонлар даврида катта ўзгаришлар юз берган. Ариқлар янада кенг худудларга тармоқланиб кетган. Архаик даврда суғориладиган худуд 60-100 гектар бўлса, кушонлар даврида 200-250 гектарни ташкил қилган. Кушонлар даврида деҳқончиликнинг асосий қисмини узумзор ва боғлар ташкил қилган [1,С.130].

Амударёнинг чап қирғоғидаги Сарикамиш дельтаси палеолит даврининг охирига келганда таркиб топган. Сарикамиш дельтаси жануб ва ғарб томондан Қорақум саҳроси билан туташган. Бу қумлар жанубда Қопетдоғгача, ғарбда Каспий денгизигача бориб етади [17,С.39]. Амударё чап қирғоғининг деҳқончилик воҳаси шимолда устюрт чинки билан, ғарбда Сарикамиш билан, жанубда қорақум билан чегараланган.

Сарикамиш дельтаси худудидан ибтидоий даврларга оид маданий қатлам излари топилмаган. Амударёнинг чап қирғоғи Сарикамиш ботиғига нисбатан 40 м баланликда жойлашган. [1,С.146]. Худуднинг умумий майдони 1 млн. гектарни ташкил қилади. Худудда Амударёнинг Қанхадарё, Тунидарё, Довдон, Дарёлиқ (Кўхнадарё) каби кўхна ирмоқлари мавжуд [1,С.146; 12,С.147-174]. Уларнинг орасидан энг йирик ирмоғи Довдон ва Дарёлиқ ҳисобланади. Довдон ҳозирги Хонқа ва Янги Урганч оралиғида, Дарёлиқ эса, Янги Урганчдан 15-18 км шимолроқда Амударёдан ажралиб чиққан. Улар бир бирига нисбатан 20-30 км масофада параллел равишда ғарбга томон ҳаракатланган. Довдон ўзанининг ўрта ва жанубий оқими дельталари сертармоқ ҳисобланади. Шимолий тармоғи эса,

Сариқамишга бориб қуяди. Сариқамиш ботиғи Таримкой ва Бутентов оралиғида жойлашган.

Дарёлик ирмоғи ҳам Ташауз шаҳрининг шимолий қисмидан ўтиб, Кўҳна Урганч томон йўналиб, Устюрт бурнидан Ширванқала ва Девкескен (Вазир) ёдгорликлар орқали Бутентаунинг шимолий этақларидан бориб, Сариқамишга қуяди [1, С.146]. Сариқамиш кўлида сувнинг тўлиши натижасида Узбой ирмоғига сув қуйилган. Шу сабаб Узбой ва Сариқамиш кўлининг сув билан таъминланиши Довдон ва Дарёликдаги сув миқдориға боғлиқ бўлган. Уларнинг сув миқдори эса, Амударё суви билан боғланган.

Хоразм тарихини ўрганишдаги энг муҳим масалалардан бири бу Амударё сувларининг Каспий денгизига қуйилиши, яъни Узбой муаммосидир. Бу масала тадқиқотчилар томонидан энг кўп таҳлил қилинган масалалардан биридир.

Мил.авв. IV-III минг йилликларда Амударё сувлари Каспий денгизигача етиб борган. Мил.авв. II минг йиллик бошларидан келиб, у ерда сув оқими бўлмаган [8, С.52; 5, С.22]. Шу сабабдан ҳам бронза даврига оид манзилгоҳлар бу худудларда кам топилган [12, С.23]. Мил. авв. I минг йиллик бошларида Сариқамишбўйи дельтаси сув билан таъминлана бошлайди. Мил. авв. VII аср бошларидан Сариқамишбўйи дельтасида сув кўп бўлган. Бу ҳолат милодий IV-V асрларгача давом этган [5, С.37]. Ёзма манбаларда қайд қилинишича, шу даврларда Узбойдан Каспий денгизига кемалар қатнаган [11, XI, VII. 3].

Узбой худудида мил.авв. VIII-VI асрларда сувнинг кўпайиши янги қабилаларнинг келиб жойлашишларига замин яратди. Бу ерда ўтроқ ва ярим кўчманчи чорвадорлар келиб жойлашиши натижасида Қуйисой маданияти шаклланган [5, С.20-23]. Улар қолдирган моддий ашёлар Амирободликларникидан фарқ қилган. Тадқиқотчилар фикрича, бу маданиятга қуйи Сирдарё сақлари-чорвадорлари асос солган. Қуйисойликлар чайла, ертўлаларда яшаб, асосан чорвачилик, каир деҳқончилиги ва металл ишлов бериш билан шуғулланишган. Қуйисой маданиятига оид Қуйисой-2, Яссиқир қишлоқлари, Сакарчага, Тумек-Кичижик мозор-қўрғонлари, Тармқоя қишлоғи ва қабристонидан топиб ўрганилган [4].

Узбойга сувнинг доимий қуйиши мил.авв. биринчи минг йилликнинг бошларидан тўхтаган, чунки шу даврдан Сариқамиш кўлида сув сатҳи пасайган. Бир томондан Амударё сувлари кўпроқ Орол дельтасига қуйила бошлаган бўлса, иккинчи томондан мил.авв. I минг йилликнинг иккинчи ярмидан бу худудларда сунъий суғориш тизимаси ривожланиб, Сариқамишга борадиган сув ҳажми қисқарган. [1, С.147].

Довдон каналининг ўнг қирғоғидан Кўҳна Уаз ва чап қирғоғидан Чермонёб канали системаси чиқарилган. Кўҳна Уаз канали мил.авв. IV асрнинг биринчи ярмида Жанубий ва Шимолий Даудан дарёлари оралиғида бунёд этилган [6, С.27]. Унинг каналлари тўғрибурчак остида тармоқланган бўлиб, унда майда ариқ сони ниҳоятда кам. Кўҳна Уазда дарё томонлари дамбалар билан ҳимояланган. Тадқиқотлар жараёнида дарё сувининг тошиб кетган излари топилган. Бу дамбалар дарё сувидан аҳолини ҳимоя қилиш учун қурилган [1, С.157].

Чермонёб канали Довдон каналининг эски ўзанини қайта тиклаш жараёнида мил.авв. IV-III асрларда қурилган. У Довдон канали ювиб кетган дараси бўйлаб қурилган. Милодий II-III асрларигача каналда сув бўлган. Чермонёб канали 150 км узунликка эга бўлиб, тармоқланиб кетган. Унинг воҳаси 3 минг гектар худудни эгаллаган. [1, С.161]. Чермонёб канали ҳавзасида Кўзалиқир, Кангақала, Қандумқалъа, Кўҳनावос Говурқалъа, Қалъалиқир 2, Шохсанам, Қўнарлиқалъа,

Змухшир (Замахшар), Говуркала каби қалъалар қурилган [17, С.86]. Чермонёб ва унинг ирмоқлари бўйлаб қўлаб турар жой излари қўрғонлар, антик давр керамикаси хумдонларининг излари топилган. Шохсанам қалъаси атрофидаги каналнинг тупроқ кесмаси морфологик тахлили асосида деҳқончиликнинг барча босқичлари аниқланган [1, С.162]. Унга кўра бу ерда дастлаб илк лиман ёки каир услубида деҳқончилик қилинган. Бу ерда ҳаёт кушонлар давригача давом этган, кейин қуриб қолган. Кўзалиқирдан 10 км ғарбда узунлиги 10 км бўлган кенг канал топилган. [1, С.155]. Унинг шарқ томонидан бир неча каналларнинг излари топилган. Улар Дауданга нисбатан паралел равишда тарқалган [1, С.162].

Амударёнинг ирмоқлари ўз йўналишларини тез-тез ўзгартириб турганлиги сабабли антик даврнинг бошларига келиб, яъни мил.авв. IV асрдан Довдон каналининг суви борган сари камая борган. У фақат Чирмонёп каналини сув билан таъминлаган. Шунинг учун бу даврда фақат Қалъалиқир, Кўзалиқир воҳалари ривожланган. Лекин сувнинг камайиши сунъий суғориш тизимини янада такомиллаштишига олиб келган [17, С.80]. Кичик каналлар бирлаштирилиб, йирик магистрал каналларга айлантирилган. Уларнинг сақаси дарё билан бевосита боғланган. [1, С.158]. Бу айниқса Чермонёб канали бўйларида кузатилган. Бу даврдаги каналлар кенглиги ва саёзлиги туфайли тошқинлар давридагина сув билан тўлган.

Чап қирғоқ Амударё худудида Устюрт қирларида муҳим стратегик жиҳатдан жуда қулай жойда Девкескан қалъаси қурилган. Қалъа Довдон канали орқали сув билан таъминланган. Бу қалъа қудуқ суви билан таъминланган. Қудуқ ҳозирги вақтгача қалъа ичида сақланиб қолган [17, С.85]. Довдоннинг тошқин сувларининг яқинлиги қудуқда ҳар доим сув бўлишини таъминлаган.

Мил.авв. I минг йилликнинг охирларида Сарикамиш дельтасининг жанубий Довдон ва Кангадарё ирмоғи қуриган [5, С.60]. Довдоннинг ўнг қирғоғидаги Раит, Қандумқалъа, Оқтепа ва бошқа қалъалар мил. авв. III-IV асрларда ҳаробага айланган [17, С.118].

#### **4. Хулосалар:**

Амударёнинг чап қирғоғидаги сунъий суғориш тизилмаси ўнг қирғоқдаги тизимдан фарқ қиладиган томонлари бўлган. [1, С.158]. Қуйисойгир атрофларида эски ўзанлар магистрал каналларга айлантирилган бўлса, Кўзалиқир атрофлари киска, лекин кенг сунъий каналлар барпо қилинган. Чап қирғоқда иккита ирмоқни бирлаштирган йирик каналлар қурилган бўлса, ўнг қирғоқда шодасимон каналлар системаси бунёд этилган. Бу Калтаминор канали атрофларидан топилган.

Амударёнинг қуйи ҳавзаларида ўзанлар ва улардан чиқарилган канал ва ариқларнинг атрофларида микровоҳалар ташкил топган. Микровоҳалар ўзига хос маълум бир бошқарув тизими бўлиб, бу ерда бош шаҳар, яъни йирик қалъа, қўрғон ва бир неча қишлоқлар бўлган. Археологик тадқиқот ишлари натижасида бундай ўзан, ирмоқ, канал ва ариқ атрофларида қалъа изларининг топилган.

Қадимги шаҳарларнинг шаклланиши ва ривожланиши сунъий суғориш тизими билан чамбарчас боғлиқ бўлган. Баъзи ҳолларда шаҳарлар каналларнинг бош ва қуйи қисмини ҳимоя қилиш мақсадида қурилган бўлса, баъзида аҳоли ўзи яшаб турган жойларга каналларни олиб келишган. Бу асосан аҳоли сонининг ўсиши ёки Амударёнинг ўз оқимини ўзгартириши сабабли каналларда сувнинг камайиши сабаб бўлган.

Каналларга сув келиши билан аҳоли деҳқончилик билан шуғулланиб, ўзларини озиқ-овқат маҳсулотлари таъминлаганлар. Деҳқончилик воҳалари иқтисодий жиҳатдан ривожланиб, ўзига хос бошқарув тизимига айланган. Шу асосида худудда

давлат тизими шаклланган.

Қадимги Хоразмликлар кучли оқим ва лойқага бой Амударёнинг сувини бошқариб, деҳқончилик маданиятини юксалтирганлар. Дарё ўзанлари бўйлаб сунъий каналлар барпо қилиб, ирригация тизимини мукаммалаштирганлар. Сувни бошқариш учун каналлар атрофида мустаҳкам қалъалар барпо қилиб, табиий шароитга мос ҳолда ўзига хос цивилизацияни шакллантирдилар. Қадимги даврда шаклланган сунъий суғориш услубларининг аксариятидан деҳқонлар бугунги кунга унумли фойдаланиб келмоқдалар.

### Иқтибослар/Сноски/References

- [1] Andrianov B.V. Древние оросительные системы Приаралья. -М.: 1969.
- [2] Andrianov B.V. Земледелие наших предков. -М.:1978. .
- [3] Volelov S.V. К вопросу о формировании ранней земледельческой культуры в Низовьях Амударьи. // Scriptaantiqua. Вопросы древней истории, филологии, искусства и материальной культуры. Альманах. Том 5. - М.: 2016.
- [4] Vaynberg V.I. Памятники куюсайской культуры. // Кочевники на гарницах Хорезма. - М.: 1979.
- [5] Vaynberg V.I. Этногеография Турана в древности VII в. до н.э. - VIII в. н.э. / - М.: 1999.
- [6] Vaynberg V.I. Экология Приаралья в древности и средневековье. ЭО. № 1. 1997.
- [7] Вода в Центральной Азии. Прошлое, настоящее и будущее. ЮНЕСКО, 2018.
- [8] Itina M.A. Новые стоянки Тазабагыбской культуры (работы 1956 гг.) // МХЭ. Вып.1. М.: 1959.
- [9] Kes A.S. Антропогенное воздействие на формирование рельефа аллювиально-дельтовых равнин Амударьи. //Культура и искусства древнего Хорезма. М.: 1981.
- [10] Piliрko V.N. О своеобразии исторического развития и археологического изучения земель по среднему течению реки Амударьи. на конференции в Музее Востока. -М.:2015.
- [11] Strabon. География / Пер. с др.-греч. Г. А. Стратановского под ред. О. О. Крюгера, общ. ред. С. Л. Утченко. 2-е изд., репр. М.: 1994.
- [12] Tolstov S.P., Кес А.С. Низовья Аму-Дарьи, Сарыкамыш, Узбой - история формирования и заселения. -М.: 1960.
- [13] Tolstov S.P. Қадимги Хоразм маданиятини излаб. -Т.: 1964.
- [14] Tolstov S.P. Древний Хорезм. -М.: 1948.
- [15] Tolstov S.P., Kes A.S. История первобытных поселений на протоках древних дельт Аму-Дарьи и Сыр-Дарьи // Сборник статей для XVIII международного географического конгресса.М.Л.: 1956.
- [16] Tolstov S.P. По древним дельтам Окса и Яксарта. -М.: 962.
- [17] Kabulov E., Vakiev A. Ирригация тизими қишлоқ хўжалиги ривожининг муҳим омили./ Материалы международной научно-практической конференции посвященной Году развития туризма и народных ремесел, также Программы десятилетия действий "Вода для устойчивого развития 2018-2028 гг", "Инновационные технологии и перспективы развития естественных и общественно-гуманитарных наук в условиях глобализации", 5-8 июля 2018 года в Таджикском Педагогическом институте в городе Пенджикент. 1 часть. Паёми Донишкада/

Вестник Института, 2018, № 3.

[18] Gulyatov Ya.G. Хоразмнинг суғорилиш тарихи (қадимги замонлардан ҳозиргача). - Т.: 1959.

[19] Yagodin V.N. Поселение Амирабадской Кават 2. МХЭ, выпб. 1963.

[20] Кой-Крылган-кала - памятник культуры древнего Хорезма IV в. до н.э. - IV в. н.э.// Тр. ХАЭЭ. V. -М.: 1967.

# ЎТМИШГА НАЗАР ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST

Гулчехра Уразалиевна Абдулхай

Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Тарих институти  
Таянч докторанти E-mail: abdulxay.gulchexra@mail.ru

## ТУРКИСТОН АССР: ҚАНДАЙ ДАВЛАТ БЎЛИШИ КЕРАК ЭДИ?

*For citation: Gulchekhra Urazaliyevna Abdulxay. TURKESTAN ASSR: WHAT KIND OF STATE IT SHOULD BE?. Look to the past. 2020, vol. 1, issue 3, pp. 96-107*

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2020-1-12>

### АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада 1918-1924 йилларда миллий ва русийзабон нашрларда большевиклар томонидан Туркистонга "Автономия" бериш орқали ўлкада совет бошқарувини мустақамлаш борасидаги фаолиятлари ақс этган мақолалар таҳлил қилинади. Шунингдек, Ўрта Осиёни миллий чегаралаш Туркистон аҳолиси учун аҳамиятли бўлганлиги аммо бу масала улар учун четлаштириб қўйилганлиги кўрсатиб берилган. Мақолада Совет ҳокимияти учун Туркистонни миллий ҳудудларга бўлиб, уларни идора қилиш борасидаги фаолиятлари ўрганилган. Мақолада Совет матбуоти бўлган "Наша газета", "Голос крестьянина", "Голос Самарканда", "Советский Туркестан", "Иштирокиюн", "Улуғ Туркистон", "Хуррият" нашрлари асосий манба бўлиб хизмат қилади.

**Калит сўзлар:** "Қўқон мухторияти", буржуазия, Туркистон, автономия, пролетарият, матбуот, совет ҳукумати, большевик, ислоҳот, миллий-худудий чегараланиш, давлат, демократия, миллий, съезд.

Гулчехра Уразалиевна Абдулхай

Институт истории Академии Наук Республики Узбекистан Базовый  
докторант E-mail: abdulxay.gulchexra@mail.ru

## ТУРКЕСТАНСКАЯ АССР: КАКОЙ ГОСУДАРСТВО ДОЛЖНО БЫЛА БЫТЬ?

### АННОТАЦИЯ

В данной статье анализируется работа большевиков по укреплению советской



власти в стране путем предоставления автономии Туркестану в национальных и российских изданиях в 1918-1924 гг. Также было показано, что государственная граница Центральной Азии была важна для народа Туркестана, но этот вопрос был исключен из них. В статье исследуется деятельность советской власти в Туркестане по управлению и управлению своими территориями. В качестве основного источника рассматривались такие СМИ, как "Наша газета", "Голос крестьянина", "Голос Самарканда", "Советский Туркестан", "Иштирокиюн", "Улуг Туркистон", "Хуррият".

**Ключевые слова:** "Кокандская автономия", буржуазия, Туркестан, автономия, пролетариат, пресса, советское правительство, большевизм, реформа, национально-территориальная граница, страна, демократия, национальность, конгресс.

**Gulchekhra Urazalievna Abdulxay**

Institute of History of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan

PhD student E-mail: abdulxay.gulchekhra@mail.ru

## TURKESTAN ASSR: WHAT KIND OF STATE IT SHOULD BE?

### ABSTRACT

This article analyzes the work of Bolsheviks on strengthening Soviet rule in the country by granting autonomy to Turkestan in national and Russian publications in 1918-1924. It has also been shown that the national boundary of Central Asia was important to the people of Turkestan, but this issue was excluded from them. The article explores the activities of Turkestan for the Soviet authorities in managing and managing their territories. Press medias such as "Наша газета", "Голос крестьянина", "Голос Самарканда", "Советский Туркестан", "Иштирокиюн", "Улуг Туркистон", "Хуррият" were considered as the basic source.

**Index Terms:** "Kokand autonomy", bourgeoisie, Turkistan, autonomy, proletariat, press, Soviet government, bolshevist, reform, national-territorial border, country, democracy, national, congress.

### 1. Долзарблиги

Туркистон Мухториятининг тор-мор этилиши ҳамда ўлкада вужудга келган зиддиятли шароитда большевиклар Туркистонда ўз ҳуқумронликларини ўрнатиш масаларида марказдан келган кўрсатма ва буйруқлар асосида ҳаракат олиб бордилар. Шундай ҳаракатлардан бири Туркистонга мухторият яъни, "Автономия" бериш масаласи эди.

Советларнинг III-IV ўлка съезларида Туркистонга мухторият бериш муҳокама қилинган эди. Ушбу съездларда миллатларнинг ўз тақдирларини ўзлари белгилаш масаласи большевикларнинг дастури асосида кўриб чиқилган эди. Совет ҳокимияти ўзлари билан Туркистонни боғлашнинг воситаси бу автономияни жорий қилиш эканлигини тушуниб етди. Аммо бу масалани шошмасдан ҳал этишни мақул кўрди. "Совет ҳокимиятининг навбатдаги вазифаси, - деб ёзган эди Г.Сталин, - автономияни рад қилиш эмас, балки уни тан олишдир. Фақат бу автономияни маҳаллардаги Советларга асосланиб қуриш зарур, холос!" [1, Б. 32].

Шу ўринда бир савол туғилади. "Автономия" ўзи луғавий маъносига кўра қандай маънони билдиради?

Автономия - (юнонча autos-ўзини, nomos қонун) хусусий қонуният табиатига мувофиқ, ўз ақли ва кучи асосида, яшаш, фаолият юритиш деган маънони англатади. Ижтимоий маънода автономия мухториятни англатади [2]. Демак, "автономия" бирон-бир давлат таркибида ўз-ўзини идора қилувчи миллий давлат тузилиши бўлиб, ўз конституция доирасида ўзини мустақил ва сиёсий равишда идора этади. Бунда ҳокимият органлари, суд тизими, прокуратура органлари мавжуд бўлиб, мактабларда таълим миллат тилида олиб борилади.

## **2. Методлар ва мавзунинг ўрганилганлик даражаси:**

Мақола умум қабул қилинган тарихий методлар-тарихийлик, қиёсий-мантиқий таҳлил, кетма-кетли, холислик тамойиллари асосида ёритилган.

## **3. Тадқиқот натижалари**

Марказ томонидан 1918 йилда ўлкадаги вазиятни ўрганиш ва совет типигаги автономиянинг моҳиятини тарғиб этиш учун Туркистонга Н.А.Кобозев бошчилигида РСФСР Миллатлар халқ ишлари комиссарлигининг вакиллари бўлган А.Ш.Клевлеев ва Х.Иброҳимов юборилдилар. Улари матбуот саҳифаларида Туркистонга совет типигаги автономия бериш ғояларини тарғиб қилиш ҳамда советларнинг V ўлка съезди ва сайлов кампаниясига тайёргарлик масаласини муҳокама қилишни бошладилар. Уларнинг тарғиботи ва ўлкадаги фаолияти асосан русийзабон совет нашрларида[3] ва кам миқдорда миллий матбуот[4] саҳифаларида чоп этилди. Жумладан, "Хуррият" газетасининг 1918 йил апрель ойидаги сонидан шундай дейилади: "Тошкентда 20 апрелдан бошлаб советлар съезди очилди. Ушбу съездда "Туркистон жумҳурияти" эълон қилинур эмиш. Мунинг тафсилоти "Хуррият" нинг келасида ёзармиз" [5]."

Большевикларнинг наشري бўлган "Наша газета"да эса "Туркестанская автономия" [6] номли катта мақолани тарғибот материали сифатида баҳолаш мумкин. Мақолада "Кўқон Мухторияти" "... ўзбошимчалик билан мусулмон буржуазияси томонидан тузилган, халқга октябрь инқилоби берган озодликни мухторият тортиб олмоқчи бўлганлиги, мусулмон пролетариати ва мазлум меҳнаткашларни йўлдан урганлиги, ўз томонларига оғдиришга уринаётганлиги" каби асосиз фикрлар айтилди. Шунингдек, мақолада ўша даврда миллий ишлар бўйича халқ комиссари И.Сталиннинг қўйидаги фикрлари баён қилинади: "Ҳеч қандай миллатчиликка йўл қўйилмасин, бу миллатлараро миллий низолар келиб чиқишига йўл очиб беради.", "Туркистон автоном ўлкасини ташкил қилиш тўғрисида ҳужжатлар йиғиш, тайёрлаш, автоном вилоятлар съездларини чақириш, меҳнаткашларни совет ҳокимияти атрофида жипслаштиришдан иборат. Россия Совет Федератив Республикаси таркибига кирган халқлар ички ишларида тўла мустақилликка эга бўлдилар. Ҳокимият фақат ва фақат меҳнаткашларга ва фақат уларга тегишли бўлиши керак" [6].

Большевиклар мазкур масалани ҳал этишда фақатгина "меҳнаткаш оммаси" билан чегараландилар. Бутун миллат доирасида ҳал қилинадиган автономия бериш масаласига синфий тус берилди.

"Голос Крестьянина" газетасида эса советларнинг V ўлка съездида иштирок этадиган делегатларни сайлаш борасидаги "меҳнаткашлар қатламини" кенг жалб қилиш борасида қўйидаги жумлалар кўриш мумкин: "Жойлардан келган делегатлар ўз сайловчиларини талаб ва эҳтиёжлари билан яқиндан билишлари керак. ... Деҳқонлар эҳтиёжлари, муаммоларини ҳаққоний ҳал қилишда деҳқонлардан

чиққан делегатларгина аниқ, тиниқ ёритиб бера олади. Шунинг учун ҳам делегатлар сайлашда ўлка деҳқонлари манфаатидан ёндашиш лозим" [7].

1918 йил апрель ойида Н.А.Кобозев номига Миллатлар ишлари бўйича халқ комиссари И.Сталиндан 1329-сонли телеграмма келади [8]. Телеграммада Туркистон ўлкасидаги қирғизлар орасида пайдо бўлган автоном-буржуа гуруҳларни фoš қилиш ва уларни совет мухториятига жалб этиш, бунда аввал ўлкани буржуазия иллатларидан тозалаш кераклиги ҳақида буйруқ берилган эди. Шунингдек, Миллий ишлар комиссарининг телеграммасида тарғибот вазифаси ҳам кўйилган. Жумладан, "Мухториятни инкор қилмаслик, аксинча уни тан олиш совет ҳокимиятининг навбатдаги вазифаси ҳисобланади. Фақатгина ушбу мухториятни жойлардаги советлар асосида қуриш зарур, фақатгина шу йўл билан ҳокимият халққа хизмат қилади" [9], - дейилади.

1918 йилнинг 20 апрелида Туркистон ўлкаси Советларининг V съезди очилди. Ушбу съезд материаллари фақат русийзабон матбуотда, "Наша газета" [10], "Голос крестьянина" [11] ва бошқа нашрларда ёритиб борилди. Съезднинг кун тартибида Туркистонга ҳақиқий совет режимидаги автономияни бериш асосий масала этиб белгиланди. Съезда оз миқдорда маҳаллий аҳолининг киритилиши эса, халқ бу масалани қўллаб-қувватламоқда, деган тасаввурни уйғотиш учун керак эди.

22 апрелда съезд иштирокчилари совет ҳукумати бошлиғи В.И.Ленин ва Миллатлар ишлари халқ комиссари И.В.Сталиндан телеграмма олди. Телеграммани делегатларга А.С.Клевлеев ўқиб берди: "Ўртоқлар, имонингиз комил бўлсинки, Халқ Комиссарлар Совети ўлкангизда совет негизида тузилган автономияни қувватлайди; бошлаган ишингизни табриклайди ва сизларнинг бутун ўлкада Советлар тузишингизга, мавжуд Советлар билан жуда аҳил ишлашингизга қаттиқ ишонади" [12].

1918 йил 30 апрелда съезд "Туркистон Совет Федератив Республикаси тўғрисида Низом"ни қабул қилди. Низомга кўра, Туркистон ўлкасининг ҳудуди "Россия Совет Федерациясининг Туркистон Совет Республикаси" деб эълон қилинди. Мазкур низомда "Туркистон Республикаси автоном равишда бошқарилади, ўз ҳатти-ҳаракатларини Россия Совет Федерацияси марказий ҳукумати билан мувофиқлаштиради" [13] деб белгилаб берилди.

Шундай қилиб, Туркистонни автоном сифатида бошқарилиши гўё "қонуний равишда" ҳал этилди. "Табрик" телеграммасида келтирилган "автоном" сўзи амалда ўз вазифасини бажара олмади. Съездда олий қонун чиқарувчи орган - Туркистон АССР Марказий Ижроия Қўмитаси тузилди. Унинг раиси қилиб, В.И.Ленин томонидан П.А.Кобозев сайланди. Айна пайтда Халқ комиссарлари кенгаши ҳам ташкил этилди. Бу ҳақда "Голос Самарканда" газетасида "МИҚ қонунларни муҳокама қилиш, Туркистон республикаси эҳтиёжлари учун солиқларни ҳамда турли тўловларни белгилаш, республика даромадлари қай тарзда ва қайси мақсадларда сарфланиши белгилаш ва кўриб чиқиш, шунингдек, совет маъмуриятининг ҳатти-ҳаракатларини кузатиб боради" [14] дейилади.

ТАССРнинг Халқ комиссарлар кенгаши (ХКС) таркиби 1918 йил 30 апрелдаги низомга мувофиқ 14 киши қилиб белгиланади. Бу комиссарликлар таркиби ўлкадаги бошқарув ишларини ўз фаолияти доирасида қамраб олди. Комиссарликларнинг иш жараёнини ёритиб борувчи матбуот органлари ташкил этилган. Улар ушбу комиссарликлар фаолиятига оид маълумотларни тарғиб қилган. Жумладан, Туркистон Компартияси МҚ ва Миллий ишлар халқ комиссарлигининг "Иштирокиюн" ("Коммунист"), Туркистон АССР Маориф халқ комиссарлигининг

"Народный университет", РКП (б) МК Турк-бюроси ва Туркистон Компартияси МК органининг рус тилидаги газетаси "Коммунист", Почта ва телеграф комиссарлигининг худудлардаги "Роста Фаргона", "Наманган", "Роста Қўқон", "Роста Тошкент" газеталари нашр этилди. Хаттоки, Советларининг VI фавкулудда съезди материаллари билан бирга бош қомуси ҳам матбуотда эълон қилинади [15].

Лекин съезд иши якунланганидан кейин ўлкада "автономия" шарафига тантанали намойишлар ўтказилди. Шулардан бири, 11 май куни Шир-Дор мадрасасида "Иттифоқ" партияси томонидан ташкил қилинган митингдир. Бу ҳақда "Голос Самарканда" газетаси шундай баён қилади: "Митингда Миллий ишлар бўйича Бутунроссия марказий комиссариати ҳамда Миллатлар Туркистон ўлка комиссариати аъзоси, ўроқ Клевлеев иштирок этди. ...бир овоз билан ҳар қандай вақтда большевик-коммунистлар раҳбарлигидаги инқилоб пролетариати қаторига қўшилишга тайёр ҳамда тантанали равишда фақатгина Совет ҳокимиятини тан оламиз ва ҳар жойда қўллаб-қувватлаймиз" [16].

Ушбу муҳим тарихий воқеанинг дастлабки кунларидан ўлкада мустамлакачилик сиёсати олиб борилди. Буни маҳаллий сиёсий арбоблар қуйидагича баҳолайдилар: "Ҳозирги Туркистон билан подшо Туркистонни ўртасида ҳеч қандай фарқ йўқ, фақат лавҳа ўзгарди, Туркистон, аввалгидек, чоризм даврида қандай бўлса, шундайлигича қолаверди" [17, Б. 82-83].

Аслида Туркистон АССР қандай давлат бўлиши керак эди?

Туркистонда автономия эълон қилинган, ўлкадаги деярли барча матбуот саҳифаларида коммунистик партия мафкураси илгари сурилган ҳамда бу воқеа ҳақида "Қўқон Мухториятига" қарама-қарши ҳолда турли мазмундаги мақолалар [18] кетма-кет босиб чиқарилди.

Жумладан, "Советский Туркестан" газетасида эса Г.Сталиннинг маърузаси босилиб чиқилди. У "Автономия"ни икки гуруҳга бўлади. У Биринчи гуруҳга, миллатчиликка асосланган "миллий автономия" - буржуа автономияси киришини қўйидагича ифодалайди: "Бу автоном гуруҳлар (мен татар, бошқирд, қирғиз, грузин, арман миллий советлари назарда тутяпман) битта мақсад билан автономликни талаб, қилаётирлар, яъниким, миллий автономия тузилгандан сўнг марказ уларни ишларига аралашмаслиги кераклиги, уларни назорат қилмаслиги керак экан: "Бизга автономликни бериш, шундагина биз марказни тан оламиз, лекин маҳаллий советлар бизни ишимизга аралашмасин. Биз миллий ишчи ва деҳқонларни ўз билганимизча бошқарамиз" - бу буржуазия автономиясини талаби эди".

Сталин бундай автономликни: "...мутлоқ ишчи деҳқон, депутатлар советини йўқ бўлиши, нобуд бўлишига олиб келади"-дейди. Ўз - ўзидан маълумки, совет ҳукумати бундай автономига йўл қўмайди.

Иккинчи гуруҳга совет ҳокимияти ўзи таклиф қилган "пролетар автономия"си киради. Сталин унга шундай баҳо беради: "Ҳеч қандай миллий камчиликларсиз, миллий низоларсиз "автономия" советларники бўлиши лозим, яъни бу дегани бир автономия худудида бир неча миллат яшаш мумкин, уларни қайси миллатга мансублигига эмас, қайси синфга киришига қараб автономликка киритилади. ...автономлик ишчи, деҳқонники, советларники, қайси миллатга мансублигидан қатъий назар пролетар автономияси бўлиши лозим. Ишчи, деҳқон манфаатлари химоя қилувчи автономликдир". [19]

Автономияни талабларидан келиб чиқилса, у фақатгина ишчи-деҳқон

манфаатларини химоя қилмайди. Бу унинг ҳеч қандай қонуниятларига тўғри келмайди.

1924 йилнинг бошларида Ўрта Осиёдаги миллий-ҳудудий чегараланиш масаласи кўтарилди. 1924 йилнинг ўрталарида даврий матбуот нашрларида бошқа масалалар билан бир қаторда Туркистон, Бухоро, Хоразм республикаларининг миллий-ҳудудий чегараланишига доир "Туркистон" [20], "Фарғона" [21], "Туркестанская правда" [22] газеталарида мақолалар сони кўпайди. Газета саҳифаларида бу ғоя яъни, "большевизм сиёсати" диққат марказда бўлиб, амалда қандай бажарилиши муҳокама қилиб борилди. Матбуотда "автономия" бошқаруви четга чиқди ва совет ҳокимияти учун бошқа йўналиш касб эта бошлади. Ўрта Осиё жумҳуриятларида халқларнинг турмушидаги бир неча иқтисодий сабаблар зулми орқасида пайдо бўлган миллий муносабатлар, Ўрта Осиё жумҳуриятларини ислоҳ қилиш, ўлкада яшовчи халқларни миллий жиҳатдан чегаралаб айириш масаласини жиддийроқ қилиб қўйди [23].

1924 йилда "Туркистон" газетасида нашр этилган мақолада совет ҳокимияти учун Туркистонни миллий ҳудудларга бўлиб, уларни идора қилиш анча қулайликларни туғдириши қуйидагича изоҳланади: "Ўрта Осиё халқлари жўғрофий жиҳатдан шундай чегаралансинким, бунинг орқасида у халқларнинг турмушини, эскиликни сарқитларини йўқотиб, миллий тузилишнинг янги даврини, яъни халқларнинг федерация тузилишига ва келгусида бутун миллатлардаги меҳнаткашларнинг иттиҳодига кўчира олудурғон бир шаклда тузулсун" [23].

Ўрта Осиёда миллий-ҳудудий чегаралаш тўғрисида Бухоро ва Хоразм республикаларида қурултолар чақирилди. Бухоро ҳукумати номида Файзулла Хўжаев матбуотда миллий чегараланишга муносабатини билдириб: "...Ҳозирги кунда амалга қўйилмоқда бўлган ушбу қарор, амир ва хонлар ҳам русия дастмойси ва русия жаҳонгирлиги остида эзилган бухоро халқларининг миллий ҳуқуқларини таъмин қиладир. Аммо меҳнаткаш ўзбеклар, ўзларини шўро жумҳуриятлари иттифоқиға бирлашкан бошқа миллат меҳнаткашларидан айрилган деб ҳисобламайдирлар ва шунинг учун ўзбек жумҳурияти шўро жумҳуриятлари иттифоқиға киршка қарор чиқарди. Ўзбек жумҳурияти шўро жумҳуриятлари иттифоқиға киришда ўзининг иқтисодий саодатга эришгусини ва маданий тараққийсини кўрадир. Ва шул сабабдан ул, шўро жумҳуриятлари иттифоқи марказ ижроқўмининг шу иттифоқ ичига олишиға тамоман ишонадир" [24] - деган фикрларни ёзади.

Хоразм Республикаси миллий чегараланишга хайрихоҳлик билдирмадилар. "Туркистон" газетасининг 1924 йил 28 июнь сониди: "Туркистон, Бухоро ҳам Хоразмнинг туркман қисмларини ажратиб, улардан мустақил Туркман жумҳурияти ташкил қилинсун. Туркманларни ажратиб, Хоразм жумҳуриятини ҳозирги ҳолда сақлаб қолунсун ва туркманларнинг Хоразмдан ажралиш шаклини қандай бўлишини, махсус равишда, янги ташкил қилинадурғон жумҳуриятларнинг чегараларини белгилаганда ҳал қилинсун" [25] - деб таъкидланади. Бунинг асосий сабаби олисда турганликлари ва иқтисодий жиҳатдан ажралиб туришларини кўрсатадилар.

Осиёлик таҳаллуси остида "Туркистон" газетасида босилган мақолада қозоқ матбуотида эълон қилинган қуйидаги жумлалар салбий қилиб қабул қилинди: "...қозоқ матбуотида бир неча зиёлий унсурлар бутун қозоқ, ўзбек, туркман халқини тақдири билан ўйнашиб келмақдалар. ... ушбу унсурлар бутун қозоқ миллати номидан ўзбекларни мустамлакачи деб, товуш кўтаришгача жасорат қилдилар.

Лекин, шу фурсаткача ўзбек халқи ва ўзбек матбуоти финг деб довчинини чиқармади. Ниҳоят, яра зўрайди, "миллий чегараларга бўлиш" масаласи ўз-ўзидан чиқиб, қозоқ, ўзбек ихтилофи тусини ола ёзди" [26]. Мақолада шунингдек, миллий чегараларни белгилаш масаласида байналминал руҳда хал этилиши кераклиги, акс ҳолда қозоқ-ўзбек жанжалига айланиб кетади [26] деб хулоса қилинади.

Туркистон аҳолиси учун аҳамиятли бўлган ушбу масала улар учун четлаштириб қўйилганлигини, миллатларнинг ўз тақдирларини ўзлари ҳал қилиш тамойили асосида "миллий чегараланиш" мавзуси большевиклар ҳукумати томонидан узил-кесил қарор қабул қилинди. Туркестанская правда" газетасида И.Варейкиснинг маърузасида бу ҳақда қуйидагиларни баён қилади: "...чегараланиш кенг деҳқонлар оммаси онгига қандай қилиб сингдирилиши ҳақида аниқ тасаввур йўқ. ...узил-кесил қарорлар қабул қилинган, биз барча аҳолини бу инқилобий ислоҳат билан таништиришимиз борасида кенг компания ўтказишимиз керак бўлади" [27].

1924 йил ноябрь ойида чоп эилган "Туркестанская правда" газетасида Ўрта Осиёнинг миллий давлат чегараларини белгилаш бўйича "буюк тарихий ислоҳот амалий жиҳатдан тўлиқ амалга оширилди"-деб таъкидланади [28]. Мақолада Ўрта Осиёдаги янги Совет республикалари ҳуқуқий жиҳатдан бир неча босқичда амалга ошганлигини эътироф этилади: "Биринчи босқич - Бутунроссия Марказий Ижроия Қўмитаси сессияси ва СССР Марказий Ижроия қўмитасининг мустақил Ўзбекистон ва Туркманистонни эълон қилиш тўғрисидаги қарори, иккинчи босқич - жорий Туркистон МИК, Бухоро, Хоразм қўмиталари ваколатларини тугатиш ва ҳокимиятни янги республикаларнинг инқилобий қўмиталарига ўтказиш, якуний босқичда янги республикалар Советларининг таъсис қурултойлари ўзларининг доимий бошқарув органларини сайлаш" [28].

Юқорида матбуот нашрларида чоп этилган мақолаларда баён этилган масалалар Совет ҳокимиятини томонидан Туркистон ўлкасида "пролетарият ҳокимияти" эълон қилиниши, фақатгина ишчи - деҳқонларнинг манфатига эътибор қаратилган. Уларда Туркистон "автономия"си гўёки, халқнинг асрий бир орзуси сифатида катта хурсандчилик билан қарши олинганлиги акс эттирилди.

#### 4. Хулосалар:

Мухтасар қилиб айтганда, большевикларнинг Туркистонга автономия бериш орқали ўлкада совет бошқарувини мустаҳкамлаш борасидаги фаолияти даврий матбуотда акс этиб борди. Мақолалар мазмунида гарчи ўлка "Туркистон совет Федератив Республикаси", "Туркистон Совет Республикаси", "Туркистон Совет Автоном Республикаси" деб турли номланса-да, аслида ёндашув эскича қолипда эканлигига ишора мавжуд. Совет матбуоти саҳифаларида мазкур тарихий воқеанинг моҳияти бўлган "автономия" талаблари бузиб кўрсатилди.

1924 йил миллий ва русийзабон нашрларида миллий-ҳудудий чегараланиш нафақат Туркистон АССРгига эмас, балки Бухоро ва Хоразм Халқ Республикаларининг ҳам тортилиши масалалари оид мақолалар билан тўлдириб борилди. Мақолаларда Ўрта Осиёни миллий чегаралаш большевиклар томонидан қўллаб-қувватланганлиги кўрсатилади. Туркистон аҳолиси учун аҳамиятли бўлган ушбу масала улар учун четлаштириб қўйилганлиги кузатилади.

#### Иқтибослар/Сноски/References

[1] Назаров М. Туркистон интервенция ва гражданлар уруши даврида (1918-1920 йиллар). -Т: Ўзбекистон ССР давлат нашриёти, 1961. 32-бет. (Nazarov M.

Turkistan in the period of intervention and civil war (1918-1920 years) Uzbekistan USSR state press 1961. P.32).

[2] Бу ҳақда қаранг: Қисқача сиёсий луғат. -Т: Ўзбекистон, 1975. 5-бет; Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. 1 том. Т.: "Ўзбекистон миллий энциклопедияси". 2000. 101-бет; Фалсафа: қомусий луғат (Тузувчи ва масъул муҳаррир Қ.Назаров). -Т: Шарқ, 2004. 12-бет; М.Исмоилов., А.Шарипов. Тарих атамалари луғати. -Т.: Akdemnashr, 2013. 557-бет. (Look about this: Short political dictionary. -Т: Uzbekistan, 1975. P.5; National Encyclopedia of Uzbekistan part 1. T National encyclopedia of Uzbekistan. 2000. P.101; Philosophy: encyclopedic dictionary (compiler and editor in charge K.Nazarov) T: East 2004.P.12; M.Ismailov, A.Sharipov.Dictionary of historical terms. -Т: Academicpress 2013. P.557).

[3] Лилин. К предстоящему съезду. // Голос крестьянин. 1918. 6 апрель (24 март); Телеграмма: Народного комиссара по делам национальностей Г.Сталина на имя чрезвычайного комиссара Средне Азии Кобозева. // Голос Самарканда. 1918. 7 (4) апрель; Наша газета. 1918. 13 апрель; Г. Туркестанская автономия. // Наша газета. 1918. 16 апрель; Воцкий. Ташкент. // Голос крестьянина. 1918. 17 (4) апрель. (Lilin. For the upcoming congress. // The voice of the peasant. 1918. April 6 (March 24); Telegram: People's Commissar for Nationalities G. Stalin addressed to the Extraordinary Commissioner of Central Asia Kobozev. // Voice of Samarkand, 1918. 7 (4) April; Our newspaper. 1918. April 13; G. Turkestan autonomy. // Our newspaper. 1918.16 April; Votsky. Tashkent. // The voice of the peasant. 1918.17 (4) April.).

[4] Расмий қисм. Миллий ишлар комиссариатининг телеграми. // Улуғ Туркистон. 1918. 18 апрель; Туркистон жумҳурияти. // Улуғ Туркистон, 1918 йил 25 апрель; Туркистон жумҳурияти арафасинда. // Улуғ Туркистон, 1922 йил 27 апрель; Туркистонга мусулмон комиссарлар келув муносабатила. // Улуғ Туркистон, 1922 йил 30 апрель; Туркистон жумҳурияти // Хуррият 1918 йил 30 апрель; Туркистон мухторияти эълон қилинди. // Улуғ Туркистон, 1922 йил 3 май; Ўша сонда. Хўқанд мухториятчиларини авф умумий. (Official part. Telegram of the Commission on National Affairs. // Great Turkistan, 1918. April 18; The Turkestan Republic. // Great Turkistan, 1918. April 25; The Republic of Turkestan is on the eve. // Great Turkistan, 1922. April 27; Muslim commissioners arrive in Turkestan // Great Turkistan, 1922. April 30; Turkestan Republic // Freedom 1918. April 30; Turkistan autonomy announced // Great Turkistan, 1922. May 3; In that issue. The pardon of autonomy of the general is general).

[5] Туркистон жумҳурияти // Хуррият, 1918. 30 апрель. (Turkestan Republic // Freedom. 1918. April 30th).

[6] Туркестанская автономия. // Наша газета, 1918 . 16 апрель. (G. Turkestan autonomy. // Our newspaper. 1918. April 16th).

[7] Лилин. К предстоящему съезду. // Голос крестьянина. 1918. 6 апрель (24 март). (Lilin. For the upcoming congress. // The voice of the peasant. 1918. April 6 (March 24).

[8] Телеграмма: Народного комиссара по делам национальностей Г.Сталина на имя чрезвычайного комиссара Средне Азии Кобозева. // Голос Самарканда. 1918. 7 (4) апрель. (Telegram: People's Commissar for Nationalities G. Stalin addressed to the Extraordinary Commissioner of Central Asia Kobozev. // Voice of Samarkand. 1918.7 (4) April).

[9] Телеграмма: Народного комиссара по делам национальностей Г.Сталина на имя чрезвычайного комиссара Средне Азии Кобозева. // Голос Самарканда.

1918. 7 (4) апрель; Расми қисм: Миллий ишлар комиссариятининг телеграми. // Улуғ Туркистон. 1918. 18 апрель. (Telegram: People's Commissar for Nationalities G. Stalin addressed to the Extraordinary Commissioner of Central Asia Kobozev. // Voice of Samarkand. 1918.7 (4) April; Official part: telegram of national works commicary. / / Great Turkistan, 1918. April 18).

[10] Пятый краевой съезд: рабочих, солдатский, крестьянских, Мусульманских и декханских депутатов. // Наша газета, 1918. 20 апрель; Открытие съезда. Советов рабочих, солдат, крестьянских, Мусульманских и декханских депутатов. (суббота, 20 апреля). // Наша газета. 1918. 23 апрель; 2-й день краевого съезда. // Наша газета. 1918. 24 апрель; Zero. 3-день краевого съезда. // Наша газета. 1918. 25 апрель; 4-й день краевого съезда. // Наша газета. 1918. 26 апрель; Zero. 6-й день краевого съезда. // Наша газета. 1918. 30 апрель; 6-й день краевого съезда. // Наша газета. 1918. 1май; Аргус. Положение о Туркестанской Советской Федер. Республ. (Утвержденное пятым краевым съездом советов Туркестанского края 30 апреля 1918 года). // Наша газета. 1918. 5 май; 7-й день краевого съезда. // Наша газета. 1918. 10 май; Закрытие съезда. // Наша газета. 1918. 11 май. (Fifth regional congress: workers, soldiers, peasants, Muslim and farmer deputies. // Our newspaper 1918. April 20; The opening of the congress. Soviets of workers, soldiers, peasant, Muslim and farmer deputies. (Saturday, April 20). // Our newspaper. 1918.23 April; 2nd day of the regional congress. // Our newspaper. 1918.24 April; Zero 3-day regional congress. // Our newspaper. 1918.25 April; 4th day of the regional congress. // Our newspaper. 1918. April 26; Zero 6th day of the regional congress. // Our newspaper. 1918.30 April; 6th day of the regional congress. // Our newspaper. 1918. May 1; Argus. Regulations on the Turkestan Soviet Federa. Republic (Approved by the Fifth Regional Congress of Soviets of Turkestan Territory on April 30, 1918). // Our newspaper. 1918.5 May; 7th day of the regional congress. // Our newspaper. 1918.10 May; Closing the congress. // Our newspaper. 1918.11 May).

[11] Открытие краевого съезда советов солдатских, рабочих, крестьянских и мусульманских депутатов. // Голос крестьянина. 1918. 24 (11) апрель. Шу сонда. П. Заседание краевого съезда солдатских, рабочих, крестьянских и мусульманских депутатов (21 апреля 1918 год); П. Заседание 5-го краевого съезда солдатских, рабочих, крестьянских и мусульманских депутатов (22 апреля 1918 год). // Голос крестьянина. 1918. 26 (13) апрель; Заседание 5-го краевого съезда солдатских, рабочих, крестьянских и мусульманских депутатов (24 апреля 1918 год). // Голос крестьянина. 1918. 28 (15) апрель; Заседание 5-го краевого съезда солдатских, рабочих, крестьянских и мусульманских депутатов (26 апреля 1918 год). // Голос крестьянина. 1918. 1 май (18 апрель); Заседание 5-го краевого съезда солдатских, рабочих, крестьянских и мусульманских депутатов (30 апреля 1918 год). // Голос крестьянина. 1918. 15 (2) май. (Opening of the regional congress of councils of soldiers, workers, peasants and Muslim deputies. // The voice of the peasant. 1918.24 (11) April. Shu Sonda. P. A meeting of the regional congress of soldiers, workers, peasants and Muslim deputies (April 21, 1918); P. The meeting of the 5th regional congress of soldiers, workers, peasants and Muslim deputies (April 22, 1918). // The voice of the peasant. 1918.26 (13) April; The meeting of the 5th regional congress of soldiers, workers, peasants and Muslim deputies (April 24, 1918). // The voice of the peasant. 1918.28 (15) April; The meeting of the 5th regional congress of soldiers, workers, peasants and Muslim deputies (April 26, 1918). // The voice of the peasant. 1918. May 1 (April 18); The meeting of the 5th regional congress of soldiers, workers, peasants and



Muslim deputies (April 30, 1918). // The voice of the peasant. 1918.15 (2) May).

[12] Бу ҳақда қаранг: В.И.Ленин о Средней Азии и Казахстане. -Т: 1957. С. 72; Победа Октябрьской революции в Узбекистане. Т.П. Упрочение советской власти в Узбекистане. -Т: "Фан", 1972. -С.249. (Look at this: V.I. Lenin on Central Asia and Kazakhstan. Т: 1957. S. 72; Victory of the October Revolution in Uzbekistan. Т.П. The consolidation of Soviet power in Uzbekistan. -Т: "Science", 1972. P.249).

[13] Наша газета. 1918. 5 май. (Our newspaper. 1918.5 May).

[14] Скворцов. Исполнительная и законодательная власть Туркест. Края. // Голос Самарканд, 1918. 18 май. (Starlings. Executive and legislative branch of Turkest. The edges. // Voice of Samarkand, 1918. May 18. 1918)

[15] Туркистон жумхуриятининг қонун асосининг охири (Боши ўтган сонда). / Иштирокиюн. 1918. 7 ноябрь.; Туркистон жумхуриятининг қонун асосининг охири. // Иштирокиюн. 1918. 30 октябрь. (End of legal base of Turkestan Republic (last issue) // Get involved. 1918. November 7; End of legal framework of Turkestan Republic // Get involved. 1918. 30 October).

[16] Митинг в матдасе Шир-Дор. // Голос Самарканда, 1918. 14 май. (Meeting in mosque Shir-Dor. // Golos in Samarkand, 1918. May 14th.).

[17] Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. 2-китоб. Тузувчилар: М.Жўраев, Р.Нуруллин., С.Камолов ва бошқалар. -Тошкент: Шарқ, 2000. 82-83 бетлар. (Uzbekistan during the Soviet colonial era. Book 2 Developers: M. Juraev, R. Nurullin., S. Kamolov and others. -Tashkent: Sharq, 2000. pp. 82-83).

[18] Санкюлот. Автономия Туркестана и его экономическое развитие. // Голос Самарканда. 1918. 12 мая; Дженари. Две Автономии. // Голос Самарканда. 1918. 14 май; Л.Да хий. На новых путях. // Советский Туркестан. 1918. 18 июнь; Диктатура пролетариата. // Советский Туркестан. 1918. 28 июнь; Туров. Туркистон мухторияти йўлида. // Иштирокиюн. 1918. 10 ноябрь; Миллий аскар. Социализм не нарса?. // Иштирокиюн. 1918. 7 ноябрь. Шу сонда: Милиятлар ва бизнинг миллий программамиз. (Sanctuary. Autonomy Turkestana and ego economics razvitie. // Golos in Samarkand. 1918. May 12; Jenari. Dve Autonomy. // Golos in Samarkand. 1918. May 14; L.DaChi.Not ashit.// Sovetsky Turkestan.1918.June 18; Dictatorship proletariata. // Sovetsky Turkestan. 1918. June 28; Turov. On the way to Turkestan autonomy. // Get involved.1918.November 10; National soldier.What is socialism? // Partici pate.1918. November 7th. In this issue: Miliats and our national program).

[19] Диктатура пролетариата.// Советский Туркестан, 1918.28 июнь.(Dictatorship proletariata. // Sovetsky Turkestan. 1918. June 28th).

[20] Рамз. Миллий жумхуриятлар масаласи. // Туркистон. 1924. 24 май; М. Мирзарахматов. Миллий жумхуриятлар тузиш муносабати билан. // Туркистон. 1924. 27 май; "Оқ Жўл" Темирбой. Ўрта Осиёни миллий чегараларини қараб бўлиш. Маскавдан яқинда қайтқон ўртоқ Хўжаев билан мусоҳаба. // Туркистон. 1924. 26 июнь; Варейкис. Ўрта Осиёда миллий жумхуриятлар масаласи. // Туркистон, 1924. 2, 3, 5 июль; О.Коркаюн. Ўрта Осиё жумхуриятлари (Туркистон, Бухоро, Хоразм)ни миллий жўғрофий жиҳатларидан чегаралаш масаласи тўғрисида маърузачилар учун асослар. // Туркистон, 1924. 28 июль; О. Карклин. Ўрта Осиё жумхуриятлари. // Туркистон, 1924. 29 июль; Исмоилзода. Ўрта Осиёни чегаралаш теварагида. // Туркистон, 1924. 2 август; Осиёлиқ. Ўрта Осиёни миллий жумхуриятларга бўлиш. // Туркистон. 1924. 7 август; Осиёлиқ. Ўрта Осиёни миллий чегараларга бўлиш. / Туркистон, 1924. 13 август; Исмоилзода. Миллий жумхуриятларга бўлиниш масаласи ва фирқа матбуоти. // Туркистон, 1924. 18 август; Ф.Ксенофонтвов.

Миллий чегаралаш тўғрисида эски шаҳар фирқа ячейкаларида қилинган қарорлар. // Туркистон, 1924. 21 август; З.Ефанов Мустамлакаланган Шарқда Ўрта Осиёнинг миллий жумҳуриятларга бўлиниши. // Туркистон. 1924. 27 август; Мусажон. Ўрта Осиёни миллий жумҳуриятларга бўлиш ҳақида. // Туркистон, 1924. 8 сентябрь; Исомухаммедов Иноят. Ўрта Осиёни миллий чегараларда камсамолларнинг вазифаси. // Туркистон, 1924. 20 сентябрь; Ўрта Осиёда миллий жумҳуриятлар. / // Туркистон. 1924. 29 октябрь; Нурмат. Октябр ва Ўрта Осиёда миллий жумҳуриятлар. // Туркистон. 1924. 7 ноябрь. (Dictatorship proletariata. // Sovetsky Turkestan. 1918. June 28th; Symbol. The issue of national republics. // Turkiston. 1924. May 24; M. Mirzarakhmatov. In connection with the establishment of national republics. // Turkiston. 1924. May 27; White Road Dividing the national boundaries of Central Asia. An interview with a recent friend from Moscow, Khodjaev. // Turkiston. 1924. June 26; Vareykis. The issue of national republics in Central Asia. // Turkiston, 1924. 2, 3, 5 July; O.Korkayun. Grounds for speakers on national geographical separation of Central Asian republics (Turkistan, Bukhara, Khorezm). // Turkiston, 1924. July 28; O. Karklin. Republics of Central Asia. // Turkiston, 1924. July 29; Ismailzoda. Across the border of Central Asia. // Turkiston, 1924. August 2; I am Asian. Division of Central Asia into national republics. // Turkiston, 1924. August 7; I am Asian. Dividing Central Asia into national borders. // Turkiston, 1924. August 13; Ismailzoda. The issue of division into national republics and the sectarian press. // Turkiston. 1924. August 18; F.Kenofontvov. Decisions about the national boundaries in old town batch cells. // Turkiston, 1924. August 21; Z. Efanov The division of Central Asia into national republics in the colonized East. // Turkiston, 1924. August 27; Musagon. On dividing Central Asia into national republics. // Turkiston. 1924. September 8; Isomammedov Inoyat. The task of the poor on national borders of Central Asia. // Turkiston. 1924. September 20; National Republics in Central Asia. // Turkiston, 1924. October 29; Thanks. October and the Central Asian republics. // Turkiston. 1924. November 7).

[21] Алиеф Х. Ўрта Осиё миллий жумҳуриятларга бўлиш тевагагида. // Фарғона, 1924. 21 август; Ўзбекистон жумҳурияти ўз пойдеворини қурди. // Фарғона, 1924. 24 ноябрь. (X. Alief. Central Asia is on the verge of dividing it into national republics. / / Ferghana, 1924. August 21; The Republic of Uzbekistan has laid its foundations. // Ferghana. 1924. November 24).

[22] Национально-государственное размежевание Средней Азии (доклад тов. Каркина). // Туркестанская правда, 1924. 2 сентябрь; Национально-государственное размежевание Средней Азии. // Туркестанская правда, 1924. 5 сентябрь; Национально-государственное размежевание Средней Азии. // Туркестанская правда, 1924. 8 сентябрь; Национально-государственное размежевание Средней Азии. // Туркестанская правда, 1924. 9 сентябрь; В Восьмой год по октябрьской истории. // Туркестанская правда. 1924. 2 ноябрь; Советский социалистический Узбекистан. // Туркестанская правда, 1924. 21 ноября. (National-State demarcation of Central Asia (report of Comrade Karkin). // Turkestan truth, 1924. September 2; National-State delimitation of Central Asia. // Turkestan truth. 1924. September 5; National-State delimitation of Central Asia. // Turkestan truth, 1924. September 8; National-State delimitation of Central Asia. // Turkestan truth. 1924. September 9; In the eighth year of October history. // Turkestan truth, 1924. November 2; Soviet socialist Uzbekistan. // Turkestan truth, 1924. November 21).

[23] Осиёлик. Ўрта Осиёни миллий чегараларга бўлиш. // Туркистон, 1924. 13 август. (Asian. Dividing Central Asia into national borders. // Turkiston, 1924. August

13th).

[24] Ўрта Осиёда миллий жумҳуриятлар. // Туркистон. 1924. 29 октябрь. (National Republics in Central Asia. // Turkiston, 1924. October 29th).

[25] Коркаюн О. Ўрта Осиё жумҳуриятлари (Туркистон, Бухоро, Хоразм)ни миллий жўғрофий жиҳатларидан чегаралаш масаласи тўғрисида маърузачилар учун асослар. // Туркистон, 1924. 28 июль. (Korkayun O. Grounds for speakers on national geographical separation of Central Asian republics (Turkistan, Bukhara, Khorezm). // Turkiston. 1924. July 28).

[26] Осиёлик. Ўрта Осиёни миллий чегараларга бўлиш. // Туркистон, 1924. 13 август. (Asian. Dividing Central Asia into national borders. // Turkiston, 1924. August 13th).

[27] Туркестанская правда. 1924. 15 сентября. (Turkestanskaya Pravda, 1924. September 15th).

[28] Советский социалистический Узбекистан. // Туркестанская правда. 1924. 21 ноябрь. (Soviet Social Uzbekistan. // Truth of Turkestan, 1924. November 21).

## ЎТМИШГА НАЗАР

---

## ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

---

## LOOK TO THE PAST

**№1 (2020)**

**Контакт редакций журналов. [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)**

ООО Tadqiqot город Ташкент,  
улица Амир Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Тел: (+998-94) 404-0000

**Editorial staff of the journals of [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)**

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Phone: (+998-94) 404-0000